

Асримиз
Умидлари



Жасур КЕНГБОВ

Юракнинг
дир чети

Хикоялар •



1950
1951
1952
1953
1954
1955
1956
1957
1958
1959
1960
1961
1962
1963
1964
1965
1966
1967
1968
1969
1970
1971
1972
1973
1974
1975
1976
1977
1978
1979
1980
1981
1982
1983
1984
1985
1986
1987
1988
1989
1990
1991
1992
1993
1994
1995
1996
1997
1998
1999
2000
2001
2002
2003
2004
2005
2006
2007
2008
2009
2010
2011
2012
2013
2014
2015
2016
2017
2018
2019
2020
2021
2022
2023
2024
2025

Асримиз
Умидлари

ЖАСУР КЕНГБОЕВ

**ЮРАКНИНГ
БИР ЧЕТИ**

Ҳикоялар

Гафур Гулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
ТОШКЕНТ – 2019

Тахрир ҳайъати:

Сирожибдин Сайид (*ҳайъат раиси*), Акмал Саидов,
Аҳмадҷон Мелибоев, Анвар Обидҷон, Усмон Азим,
Эркин Аъзам, Баҳодир Карим, Шавкат Юсупов

Лойиҳа раҳбари:

Носирҷон
ЖЎРАЕВ

Ғоя муаллифи ва нашрга тайёрловчи:

Санжар
ТУРСУНОВ

Кенгбоев, Жасур

Юракнинг бир чети: ҳикоялар / Ж. Кенгбоев. –
Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйи, 2019. – 144 б.

Жасур Кенгбоев ўзига хос ёзувчи. Унинг ҳар бир
ишораю ибораси Ўзбек. Ўзбек бўлганда ҳам дашт ўз-
беги. Бироз содда, лекин ёвқур, андак андишали ва
анча чўрткесар. Асар қаҳрамонлари бир-биридан ўжар
характерга эга одамлардир.

Муҳтарам ўқувчи, мутолаа жараёнида ўзингиз бунга
амин бўласиз.

УЎК 821.512.133-32
КБК 84(5Ў)7

© Ж. Кенгбоев, 2019
© Ғафур Ғулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйи, 2019

ISBN 978-9943-5416-0-3

SHIRIN SHAHAR
AXBOROT-KUTUBXONA
MARKAZI

INV № 2022/1-2023

СЕНИ ЖАСУР ДЕЙДИЛАР

Одамзоднинг исмида ҳикмат кўп. Отингиз Жасур-у, ўзингиз қўрқоқ, журъатсиз бўлсангиз, боз устига, ижодга, қалам ишига даъво қилиб чиқсангиз... бундан-да кулгили иш бор эканми? Гарчи бу хил «табиат ҳазиллари» ҳам учраб туради теварак ҳаётда. Хушки, биз таърифига киришаётган Жасур йигит ундайлардан эмас. Агар ўша тоифадан бўлганида биз қаламни чарчатиб ўтирмасдик.

Ҳа, шундай. Исмингиз жисмингизга муносиб бўлганига не етсин! Жасурмисиз – ёвқур бўлинг, Ботирмисиз – қуёнюрақлар кўчасига йўламанг. Ўзи қизиқ: дунёга келганингизда пешонангизга битилган бир умрлик ёрлик – ном ўзига мос, муносиб бўлмоққа ундайди кишини. Ўзимдан қиёс – бебошлик эмас, эркинликка талпинганим талпинган.

Жасурбекнинг нимасига қизиқиб қолдим?

«Ҳавочун» деган ажабтовур ҳикоясини ўқигандан бери ёзган-чизганини кузатиб келаман. Бу ёғи «Тор кўча», «Кўҳна белбоғ», «Мунг»... Таърифлаб ўтирмайин – китоб қўлингизда, ўқиб оларсиз.

Ўзи, яъни шахсияти нега маъқул бўлди?

Ёш журналист, ёзувчи Жасур Кенгбоев билан телевизор экранида суҳбат кетаётир. Иккита бийрон қиз галма-гал саволга тутади. Қалтис савол: «Қаламкаш ҳалол, покиза, тамадан йироқ бўлмоғи керак, деяпсиз. Дейлик, сизга мўмайгина пора ваъ-



да қилинса, нима, олмасмидингиз?» Негадир бу савол менга ҳам қаратилгандек туюлди. Ажабо, шунда Жасурбек худди менинг кўнглимдан кечган жавобни айтса денг: «Олсам... кейин яшаб бўлмайди-да!»

Ўша дамда бу йигитни яхши кўриб кетганим! Неча кун, ким-кимларга таърифлаб юрганим!


Билмайман – қаёқдан, кўнгида шундай бир ишонч бор: Жасурбек бу йўлдан қайтмайди. Қайтмаяжак!

Қайтгудек бўлса, қаламни синдириб отгани маъқул!

Ҳа, бунисиям мардлик, тантилик-да!

Мардлик бўлмаса, ҳақгўйлик бўлмаса, қалам тутмоқдан нима мурод?!

Эркин АЪЗАМ



Билак бир, бармоқ бошқа.

Ўзбек халқ мақоли

– Э, ошна, шуйтиб десанг, тўйга борсанг тўйиб бор, деган гапда ҳикмат кўп экан, – деди Нарзи муаллим гурунгда. – Яхшиям, уйимдан шўлти-шўрва ичиб чиққаним...

Бир майизни қирқ бўлиб, қирқ бўлагини ҳам ўзи еб ўрганган муаллим, бу гапи билан уй хўжасига ошқора тегинмоқ ва ғашини келтирмоқ истаганди, лекин мезбоннинг қулоғи сал оғирлиги важдан эшитмай қолди. Шаъмани ўзича тушунган Ялли гажир бироз оғринди. Бир бор юрак ютиб, илкис илмоқли гап ташлади:

– Домла, бу дейман, ҳар жойдаям фақат қоринни ўйлайвериш ярамайди. Қувиб келаётгани йўқ, сал шошманг. Хурмачангиз ҳам тўйиб қолар. Арпани тупроққа белаб ейиш қочмас...

Нарзи муаллим «ялт» этиб Яллига қаради. «Тилимни қичитма, гажир, сен айтган ҳайвон эмасманки, тупроққа белаб есам... Ўзинг бир пойгакнинг па таги бўлсанг... Бурнингга сийиб қолган бўлсанг ҳам ҳаддингни бил», деди ичида. Лекин сиртига чиқармай, қовоғини солиб қўйди.

Ялли гажирнинг уй эгасига хийла яқинлиги бор эди. Ўтирганларнинг бари бирийўла ошна бўлса-да, Ялли гажир мезбонга ўзини қалин тутарди.



Бу қалинликка яна бир жиддийроқ сабаб бор эди-ки, мезбон Темирбой деганлари ҳеч қачон Ялли гажирни келгинди, деб атамаган.

... Йигирма йилнинг нари-берисидаги гурун-ларда бир хил гап кўзгалиб турарди: тунов куни фалон қишлоқдан бир хўжалик кўчиб кепти. Эр бўлмиш пакана экан, хотини дўлваргина эмиш... Ҳали элга қўшилмаётганмиш...

Бундай гаплардан айниқса Шоди қора руҳланиб кетарди.

– Қайтиб қўшиларди? – дерди кейин қорайиб кетган иягига суянганча. Мўлжал тўғри «ички умумий душман»га қараб бораётганидан суюнарди ва атай гапга мой сепарди: – Тили калта-да, келгинди бўлгандан кейин бирор кимни ялаб-суйкамагунча апоқ-чапоқ бўлиб даврага кирармиди...

Даврадагилар индамасди, аттанг, дегандай бошини сарак-сарак қиларди, холос. Шундай маҳалда зимдан Ялли гажирга кўз қири ташларди. Гажир дувва қизариб кетарди, чаккасидан тортиб ялтираган бошидаги томирларига довур бўртиб чиқарди.

Гажир одамэшитмас қилиб ихранарди, тишлари беҳос гичирларди. Лекин лом-мим демасди. Деёлмасди.

Даврада яна бир одам бор. Бароқ мўйловли бу одамни ҳамма гуппи дейди. «Хушвақт гуппи айтган бўлса, ишонма», «Гуппи бўлгандан кейин айтаверади-да...», «Гуппига қолса, дарёни ийириб ичаман дейди...»



Шу Хушвақт гуппининг бир ёмон қилиғи бор – арзисаям, арзимасаям тортишади, суришади. Яна хўп сердағдаға одам. Доим ўзиникини маъқулайди, керак бўлса, бошни қотириб, зуғум қилиб бўлсаям, гапани ўтказади. Кейин анча кун яйраб юради.

Ошналар эса унинг олдида иложи бўлса баҳшашмайди. «Гуппи аралашиб қолмасин-да, ишқилиб». Лекин гуппи деганимиз бир нақлга доим амал қилади: кўр – кўрганини, қар эшитганини қўймайди!

Ҳозир ҳам Шоди қоранинг гапани эшитди-ю, даврага бир қур назар солди. Сепилган «мой» гўё уни тутантириқ қилмоқчидай туюлди. Лекин баҳшашмоққа ошиқмади. Сабабки, Ялли гажир гуппининг ҳам қил ўтмас ошнаси. Кўнглига қарамаса бўлмас. Шоди қоранинг тайтувлигини биринчи бор кўриши эмас-ку.

Шуни ўйлади-ю, шартта ўрнидан қўзғалди. Қўлсоатига қаради. Апил-тапил белига қўл юборди. Ошналар, йиқиладиган пайт ҳам бўп қопти, деди. Ҳеч кимдан сас чиқмади.

«Хайрият, – ўйлади мезбон. – Гуппи тилини тишлади-ю, Ялли ошнаимиз бир азобдан қутулди». Ростдан ҳам, умри бино бўлиб, шу даврага қўшилгандан бери бир бор, ўзиям келиб-келиб давра саркаси, тенгқурлардан зиёдроқ кўйлақ йиртган муаллимга ўтқаринқираб гапириб қўйди. Шу онда Ялли гажир гапи ортидан муқаррар қўзғалажак мавзудан ҳадиксиради, охири бахайр бўлсин-да, ишқилиб, деб ўйлади.



Шу пайт кимдир гиламнинг бир четини кўтариб, ирга¹га ўшатиб нос туфлади. Таҳорат олиб кирган гуппи бурнини жийирди. Даврага кет буриб, жойнамазини уй тўрига тўшади.

«Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм...»

Ошналар сукунатга ўрганмаган. Бундай пайтларда айниқса Шоди қоранинг ичи тор келади. Мисқолдайгина ғаламислиги тутади-ю, оламушук бўлиб ичини тирнаётган эски гапини хусури қонмагунча кўзгайверади.

– Қишлоғимизда бегоналар кўпайиб кетди-я, – дейди у. – Бировини танисак, бировини танимаймиз. Шаҳарларга ўшаб, салом-алик ҳам қаҳатчилик. Болаларимизгаям нуқси уряпти. Биров-бирова салом берай демайди...

– Шодибой, – деди Диёр чўпон гапни бошқа ёққа буришга ҳаракат қилиб, – эслайсанми, болалигимизда бу жойларда бир ҳовуч одам яшарди. Қирқ-элик хўжалик бўларди. Ҳамма бир-бирини танирди. Биз тенг-тўш ошналар бирга мол боқардик, чўмилишгаям бирга борардик. Совхоз боғига ўғирликкаям... бирга тушардик. Эсларингдами, – даврага юзланди чўпон, – бир кечда анови боғбон бор эди-қу, оти... ҳа, раҳматли Туроп бува еттовимизниям ушлаб олганди. Ёшлигида азбаройи кўп кино кўрганиданми ё иштиёқмандиди, «Тўхта, отаман», – деб дўқ урганди ўшанда. Соддалиқ қурсин, пачоқ бир боғбонда зарангтаёқдан бошқаси нима қилсин, деган хаёл бўлмаган эканми, ҳам-

¹ Хона бурчаги, гилам таги.



мамиз лаққа ишониб тўхтаганмиз. «Таслим» бўлганимиздан руҳланган чол тушмагур ҳар биримизни алоҳида-алоҳида дарахтга ичак шланг билан боғлаб, устимиздан бир челақдан муздай сув қуйиб чиққанди. Шунда тонготарда саккизинчимиз – шу Ялли ошнамиз келиб ҳаммамизни «қамал»дан «озод» қилганди. Мен ўшанда Сўпи кишлоғидан кўчиб келиб энди бизга қўшилган Яллини бир умр гўё халоскоримиз бўлади, деб ўйлаганман...

«Субҳанакалламумма ва биҳамдик...»

Бу гапга Шоди қора рози бўлмайди. Ялли гажир мақталган жойда қоранинг ўн жойидан куяди!

– Кесақданам бир-ярим олов чиқмай ўлсинми, – гайирлик қилади у. – Ошналарини ташлаб қочиб бўлмаса... Қочганиминан... кейин кимга қўшиларди?..

– Катта холангга!!! – намоз ўқиб ўтирган Хушвақт гуппи шартта тўхтаб, бўғрадек сапчиб туриб кетди. Ранги-рўйига қараб бўлмас даражада қизариб кетган; мўйлови ҳаминқадар буралиб тургувчи эди, жаҳл эпкинидан бўлса керак, тепага қараб ўрлабди. Шоди қоранинг хиппа бўғзидан олди. Ошналар туришга-да улгурмай қолди. Кутилмаганда қоранинг юзига ўхшатиб мушт туширди. – Қўясанми-йўқми шуни, лўли!

Бу зарбага ҳам қаноат қилмай, қорнига ҳам тиззаси билан сермаб юборди.

Хонада тўс-тўполон бошланиб кетди. Шоди қорани гуппининг чангалидан чиқариб олгунларича ҳай-ҳайлаб мезбон Темирбой ҳам қўлида катта



тоғорада чайқатиб-чайқатиб чалоп билан келиб қолди. Ёқавайрон Шодини кўргач, гап нимадалигини фаҳмлади ва ўртага тушмай қўя қолди. Билади, гурунгда авж нуқтага етилган...

Шоди қора гуппининг чангалидан қутулгандан сўнг, оғир «ух» тортди. Ўнгири билан қон сизиб чиқа бошлаган бурнини артди. Хушвақт гуппига бир олақараш қилди-ю, индамай бориб жойига чўккалади. Гуппининг «лов» этган олови қандай ёнган бўлса, хумордан чикқач, шундай тез ўчди. Ўчди-ю, жойнамоз устига эгилиб, намозини келган жойидан давом эттирди:

«Роббана лакал ҳамд...»

Давра жимиб қолди. Ҳамма дастурхонга солинган нақшларга кўз тикиб ўтирди.

Намозини ўқиб бўлган Хушвақт гуппи юзига фотиҳа тортди, жойнамозини ўраб, белбоғини белига маҳкам боғлади. Даврага юзланиб, салом берди ва Ялли гажирга яқинроқ жойга ўтирди. Ҳамманинг кўзига бир-бир қараб чикди. Фақат Шоди қорагина афтини терс буриб, дераза пешбурунига қўниб турган чумчуққа қараб ўтирди. Хушвақт гуппи томоқ кирди. Давра нажот кутиб, унга тикилди. Ўтирганлар кўзига гуппининг недир салобати бордай туюлиб кетди.

– Ошналар! – дея хитоб қилди Хушвақт гуппи. – Ҳозир бир масалани ечиб олмасак, ошначилигимиз патарат топиб кетадиганга ўхшайди. Мен бир шарт айтаман: ёқса, қўллайсиз, ёқмаса, орани очди қиламиз.



Давра қулоғи динг бўлди. Биринчи бўлиб Нарзи муаллим маъқуллади:

– Тўғри айтасан, Хушвақт ошна, – деди. – Ўзи кейинги пайтларда гапимиз унча қовушмай боряпти...

– Мана, сиз ўзингиз, домла, – деди Хушвақт гуппи ранжиб, – фақат қориндан гапирасиз. Нима, очингиздан ўляпсизми?

– Ўзингни бил, гуппи, – қайириб ташлади муаллим. – Ўзинг бурнингни тикмаган жойинг йўқ. Ҳеч бўлмаса, намозингни бўлмай ўқисанг ўласанми? Даллоддан кам жойинг йўқ. Энанг бечора, бир куни шугина боламнинг тили тойиб кетиб, бошига етмасайди, дея зорлана-зорлана ўлиб кетди.

Ботир жувозкаш муаллимнинг оёғига нуқиб қўйди, домла, қўйинг шу гапларни, зомбирнинг уясини кўзгаманг энди, гуппининг энасининг нима алоқаси бор бунга, дея ишора қилди.

Гуппининг аччиғи чиқди. Лекин тилини тийди. Ошналари орасидаги сарка – муаллимнинг ёшини ҳурмат қилди. Бор аламини, тугилган муштуми билан ҳам чиқиб кетмаган зардобни Шоди қорадан олгиси келди.

– Ув, хумса, менга қара, – деди гуппи кўзларини ола-кула қилиб, Шоди қорага бўйнини чўзиб. – Иргамчик гапларинг жонга тегиб кетди-ку! Нима, бу қишлоқ сенинг маҳрингга тушганми? Увол-савобини елкангга олганмисанки, одам ажратасан? Яллидан бошқа дардинг йўқми?

– Сенга нима, гуппи? – деди Шоди қора. – Ўзингни бил. Яхшиси, аралашма! Гап келганда, гапи-



раман, нима дейсан? У менинг ҳам ошнам, билсанг...

– У-ҳў! Унда нега мунча эзгилайсан уни? Аслида, кечирасану, ана шу ошнамит сенга ўхшаган ичи қоранинг ўнтасидан беҳроқ. Мана, ошналардан сўрайман: айтинглар, шу Яллининг кимга оғири тушган? Кимнинг оёғидан тортган? Ҳеч кимнинг! Тўйимиздаям, азамиздаям биринчи бўлиб қамишдан бел боғлаб етиб келадиган шу ошнамит эмасми? Иш тушганда муниг кўзининг ёғини еб, кейин истаган пайтда кет буриб, камситишми?

Давра «тўппа-тўғри» дея маъкуллаб турди. Шоди қора бу сафар гап қўшмади. Жимжилогини қирсиллатиб ўйнаб, кўрпачага тикилганча тек ўтираверди.

– Орамиздан ё Шоди кетсин, ё мен кетаман! – боядан бери оғзига талқон солиб олган Ражаб уста дабдурустан «портлади». – Қачонгача бир-биримизнинг кўзимизга чўп суқиб ўтирамит?

Устанинг гапи кутилмаган таклиф бўлди. Ҳамма ярқ этиб унга қаради.

– Ув, мутгаҳам газанда, ўзинг кетақол, – қони қайнаб кетди Шоди қоранинг. – Ё кавушингни тўғрилаб қўяйми? Сендай писмиқнинг боридан йўғи яхши!

Иккиси ёқалашмоқчи бўлиб, хезланиб ўрнидан турганди, Нарзи муаллим шаштидан қайтарди. Сўнг босиқлик билан устага юзланди:

– Оғирроқ бўл, уста, – деди муаллим. – Ҳеч ким сизларга кет, дегани йўқ.



– Хушвақт шарт қўйди-ку?! – пишқирди уста.

– Оғайни, мен ҳали шартимни айтмадим, – деди гуппи.

– Унда айт-да! – деди уста.

Даврадагилар ҳам айни талабни қўйди.

– Шарт шуки... – гапиришга гапириб, сўнг ўйла-
ниб қолди гуппи. – Шарт шуки... Ҳозир Темирбой-
никидан чиқиб, тўғри Яллиникига қўноқ бўламиз.
Шартни ўша ерда айтаман!

Ошналар ажабланиб, бир-бирига қаради.
Гуппи эдинг, энди нақ кўтарилма бўпсан-ку,
дейишди. Гуппи шартида оёқ тираб туриб олди:
«Шундай. Тамом-вассалом».

Бу шўришларда ўзини бош сабабкор деб билиб,
эзилиб, хафаҳол ўтирган Ялли гажирнинг юзига қон
югургандай бўлди. «Ҳайрият-е, ошналарим уйим-
дан туз тотадиган бўлди».

– Нима дейсан, Ялли ошна? – деди кейин гуппи
жилмайиб.

Гажир ийиб кетганини яширмади. Тўлиқиб тур-
ган ўпкасини босолмай:

– Бош устига, бош устига, оғайнилар! – деди.

– Қани бўмасам, кетдик! – деди Нарзи муал-
лим.

– И-я, бизникидан чаён чиқдими? – бехос сўраб
қолди уй эгаси ранжиганнамо оҳангда. – Бир кап-
гир палов дамлаётувдим-ку?

– Паловингга қайтиб келамиз ҳали! – тасалли
берди Хушвақт гуппи. – Келинга айт, милтилатиб
димлаб турсин. Энди юзқўрдига келамиз!



Ялли гажирнинг ободгина ҳовлиси. Икки чети чаман очилиб ётган гуллар оралаб келган ошналар тўғри меҳмонхонага қараб юришди. Гажирнинг ўзи, эндигина мўйлов нишон бера бошлаган ўғлига иззат бобида азбаройи ишонмай, елкасига сочиқ ташлаб, ошналарининг қўлига обдастада сув қуйиб турди.

Бирпасда узун дастурхонни бадастир қилди. Нарзи муаллим икки жуфт шишанинг рухсори кўриниши билан Темирбойга қараб кўз қисди: «Меҳмондорчилик мана бунақа бўлади, Темирбой, сенам ишни шундан бошлаганингда бу машмашалар йўғиди».

Темирбой қошини учириб, айбдорона тасдиқлаб қўйди.

Нарзи муаллим Хушвақт гуппига қаради. Гуппи доимгидай юзини буриштирди. Тағин ўзингиз биласиз, дегандай иддао қилди.

Муаллим Ботир жувозкашга имо қилди. У дарров фаҳлаб, шишага қўл чўзди.

Даврага жимжитлик чўқди. Онда-сонда «култ-култ» этган товушу пиёлаларнинг жаранги эшитилиб турди. Шодону асабий ютоқиб ютилган ютумлар гашга тегар даражага етди. Мундай қаралса, бари буқачага суйкалган ғунажиндай кўзларини сузиб турибди. Биргина Шоди қорага ҳеч нарса тати-маётган кўринади. Қовоғи солиқ, ўзи курк товукдай хурпайиб, асабий ўтирибди.

Чайнагани тикилиб қолди шекилли, кимдир қаттиқ йўталди. Нарзи муаллим кайвонилиги тутиб, даврада ичимликни ўлгудай ёмон кўрадиган ягона



зот – поқдомонгина Хушвақтга қараб, гапир энди, сабил қолгур шартингни айт, деди.

Гуппи чайналиб ўтирмади.

– Шартни энди айтсам бўлади, оғайнилар, – деди қироат билан. – Ялли ошна, сен ўрнингдан тур, ўғлингнинг тўйига деб йиғиб ўтирган тўнларинг борлигини айтувдинг. Ўшаларни опчиқ. Тез бўл.

Ялли гажир бир дам талмовсираб қолди.

– Н-нима қиласан уларни? – деди қизиқсиниб.

– Айтгани қилсанг-чи, ошна, нима ишинг бор у ёғи билан? – деди гуппи сохта дағдаға билан.

Гажир ўзича недир бир ёруғликни туйди-ю тавозе билан чиқиб кетди. Кейин қучоғини тўлдириб беш-олти тўн кўтариб келиб, меҳмонхона пойгагига ташлади:

– Мана!

Хушвақт гуппи баковулга ўхшаб тўнлар орасидан энг сарасини қўлига олди. Авра-астарига қаради. Илинжи борлигини кўрсатмоқчи бўлди. Сўнг:

– Оғайнилар! – деди тўннинг гардишини сийпа-лаб. – Боя сен-менга бориб ўтирган пайтимиз Ялли ошнамининг кўзига кўзим тушиб қолди. У қишлоғимизга кўчиб келиб, энди бизга кўшилиб, ошна тутинган кунимиз ҳам кўзига қарагандим. Ўшанда ҳам унинг кўзлари... худди бугунгидай мунгли эди! Боя эсимга тушиб кетди: айнан бу йил Ялли ошнамиз кўчиб келганига йигирма йил бўлибди. Йигирма йил-а! Орадан шунча вақт ўтиб кетибди. У ҳаммамизга ҳам, ҳатто, отамиз қилмаган яхшиликларни қилди. Лекин биз... ундан ҳамиша бегонасирадик. Бегонадай муомала қилдик. Неча марта уйига айт-



ди, кўпам менсимадик, рози бўлиб келавермадик. Ошнализ бўлса, бундан ўзини тили қисик сезиб, баттар эзилаверди. Ошналар, буваларимиз бир гапни кўп айтгич эди: мусофир йигирма йилда эл бўлармиш...

Бояги шартим шу эдики, ҳозир Ялли ошнализ ўзи елкангизга мана шу тўнларни ёпиб, бошқатдан дўст тутинади. Бугундан бошлаб Ялли ошнализни келгинди, деб ҳисоблайдиганлар бўлса, мана, эшик очик, мардлик қилиб орамиздан чиқиб кетсин!

– Баракалла, ошна, баракалла! – дея кимдир чапак чалиб юборди.

– Гапинг жуда тўғри, ошна, биз ростданам кўр бўлиб кетаётгандик, – деди яна бирови.

Шу маҳал тўсатдан Ялли гажир «гурс» этиб тиз чўкди. Шу онда ўтирганларнинг кўз ўнгида полвонкелбат, хушчақчақ ва чапани Ялли гажир эмас, анчайин абгор, бир тутам жуссали қария тургандек бўлди. Гажир кўзларидан шашқатор ёшлар чиқа бошлади. Елкалари силкиниб-силкиниб йиғлаб юборди.

Эр йигитнинг йиғиси оламини ағдар-тўнтар қилар экан!

Кимдир овутмоқчи бўлди. Гажир қўли билан кескин рад этди: «Тегинма!»

Кейин ёш боладай ўксиб, айтиб-айтиб йиғлади:

– Шу гапларни йигирма йил кутдим, ошналар, йигирма йил! Мен энди буларга эл бўлолмас эканман, деган хаёлгаям бордим. Тушуняпсизларми? Бирда бут ердан бош олиб кўчиб кетмоқчиям бўлдим. Хотин, бола-чақам оёғимга ёпишди... Бош олиб



кетай, дедим. Яна қаерга бораман, деб ўйладим. Қаерга борсам ҳам келгинди, ортиқча одам бўлиб бораман-да, деб ич-этимни тирнадим. Ёруғ кун ҳам бор экан-ку!..


Давра сув қуйгандай сассиз бўлиб гажирнинг юракни эзар аламли сўзларини тинглади.

– Бўлди, ошна, етар, қадингни кўтар! – деди Хушвақт гуппи дийдасига қалқиб чиққан бир томчи ёшни билдирмайгина артар экан. – Қани, тўнларингни елкамизга ёпасанми ё биз кетаберайликми?

Ялли гажир ҳар бир ошнанинг елкасига тўн ёпди, ҳар бири билан қучоқлашиб, қайтадан дўст тутинди. Ҳатто, Шоди қорага энг яхши тўнини илинди. Уни маҳкам бағрига босар экан, қулоғига шипшиди:

– Тўйингда тўнингнинг энг зўрини ўзим кияман, Шоди ошна!

Ошна-ошначилик қайтадан бўлди-ю, энг чатоғи, шарт қўйган Хушвақт гуппининг ўзига тўн етмай қолди...



Ёз чилласида ҳўкиз ўлибди,
Қиш чилласида арпа гуллабди.

Мақол.

Эрта тонгда телефон жиринглади. Гўшакни кўтарсам – амаким:

– Маҳмуджон, – деди хавотирли оҳангда. – Машичангизда янгангизни бир жойга олиб бориб келинг, илтимос...

Хўп, дедим. Чой-пой ичиб, кўчага чиқсам, қор учқунлаб турибди. Ердагиси эримай, боз ёғаётган бу қор ҳайдовчи зотининг кўкайини кесиб юборади. Тонггача машинанинг мотори совиб қолади. Базўр ўт олдирдим. Салонда ўйнаб турган буюқдан эгим симиллайди.

Борсам, янга ва келини катта йўлга чиқиб турган экан. Йўлга тушдик. Машина ойнасидан қараб-қараб кўяман. Икковининг ҳам юз-кўзида жиндек фаромушликни сездим. Уйи нотинч одамларда ҳаловат бўладими? Муаммолар гирдобида қолган қариндошимизнинг бошига кетма-кет тушаётган ташвишларни билсам-да, жўяли тасалли беролмайман. Лекин ҳар эсга тушганда ичимда ёлвориб кушойиш сўрайман. Қанчалик ачинмайин, қўлимдан келгани шу эди. Ҳозир йўлда кетяпмиз-у, дурустроқ кўнгил ҳам сўролмаётганимдан хижолатда эдим. Пойинтар-сойинтар ҳол сўрашларимдан сезди, шекилли, янгамизнинг ўзи гап бошлади.



– Ай, ҳеч кимга кўрсатмасин бу кунни, укам, – деди янга. – Кўз тегдими, билмайман, ҳадеб ишимиз орқага кетяпти. Акангизнинг бизнеси юришмай қолди. Биласиз, рўзғоримиз каттагина, томиб тургани ҳам қуриб қолди. Ўғилларнинг ҳам топганидан барака кетди. Мана, куни кеча ҳўкизимизни ўғри урди. Учинчи марта-я. Аввал-бошда йигирма жайдари қўйимизни ўғирлаб кетишганда дод солиб қолдик. Орадан йил ўтмай, яна беш қўчқорни ўмариб кетишди. Ўйлайвериб, юрак ўйноғини орттириб олдим... Мол аччиғи – жон аччиғи. Туёқларни деб, бормаган идорамиз қолмади. Мелисама-мелиса юриб, тинкамиз қуриди. Бу жиғилдонингга ўт тушгур мелиса деганиям юҳодан бери экан, уларга иш тушмасин экан. Ўзингиз айбдорсиз, янга, дейди. Мол сақлаган одам аввал истеҳкомни бақувват қуриши керакмиш. Ҳей ўргилдим, уйимни ўғри урса, сенга ишониб борсам, келиб-келиб мен манглайи қора жабрдийдага насихат ўқийсанми, деб уришдим.

Мол молга етгунча, Азроил жонга етар экан, ука. Давления бўп қолаёздим. Булар-ку, майли, ҳар нарсанинг давоси вақт, қулоғини ушлаб кетган молларимизни энди эсдан чиқарамиз деганимизда, кўрмайсизми, қапагинангга ўт тушгурлар тишимизнинг қавағида сақлаб ўтирган ҳўкизимизни ўғирлаб кетишди. Дардимизни кимга айтамыз? Акангизнинг ишлари бу, ўғилларим ҳам гандираклаб қолди. Хонавайрон бўлдик-да...

Жим эшитиб кетяпман. Кўзимнинг устидаги бу одамларни яхши биламан: ҳалол, бировнинг



ҳақини емайдиган инсонлар. Лекин гам-ташвиш ҳам дардга ўшаркан: бир келса, қўшалоқ келади. Мадда бойлаб, мусибатга айланиши ҳам мумкин. Шундан асрасин, деб ўйладим ва таскин берган бўлдим.

– Чўкаётган одам хасга ҳам ёпишармиш, – деди янга. – Ҳеч ишдан натижа чиқмагач, мана, охири бир фол очириб ҳам кўрайлик-чи, деб кетяпмиз-да, укам. Эскилар ҳам бир нимани билар...

Йўл узоқ, машина сирпанчиқ йўлда чайқалиб-чайқалиб олади. Секин юрибмиз. Бир ярим соатларда манзилга етдик. Одамлардан сўраб-сўраб, номи чиққан фолбиннинг уйини топдик. Мен ўшанда фолбин деганларининг уйи ҳақида илк тасаввурга эга бўлганман: одамлар дўхтиру табибга ҳам бунчалик ихлос билан нажот истаб келмаса керак. Саҳардан ҳовлида ўн-ўн беш чоғли одам. Дардига малҳам топиш илинжида худога тилмоч-воситачи қидирганлар бунча кўп бўлмаса...

Биз ҳам фолбин ҳовлисида навбатда турдик. Одамлар бирин-кетин кириб-чиқяпти. Бировнинг юзида табассум, кимдир маъюс тортиб ташқарилайди.

Қанча кутдик, билмайман, навбати келиб, янгам билан келини кириб кетишди. Мен эса одамларга қўшилмай, бир ўзим чеккароқда уларни кута бошладим. Ҳаммадан айро турганимни кўриб, бир хотин «Ҳой, ука, сиз ҳам фолга келдингизми?», деб сўраб қолди.

– Янгаларимни опкелдим, уларни кутиб турибман, – дедим.



– Вой, бу хотин манаман деган фолбинингиздан зўр, – деди аёл билагонлик қилиб.

– Аввал келганмисиз? – дедим жўрттага.

– Бир келиб, қойил қолганман. Мана, яна келдим.

– Бирор муаммонгиз борми?

– Йўғ-а, яхшиликка келдим, айнанай, яхшиликка. Айтдим-ку, бу хотин ҳамма нарсани билади, айтган гапининг бари тўғри чиқади.

– Шунча зўрми?

– Ҳа, мана бундай! – дейди у бош бармоғини юқорига кўтариб. – Ўтган йили, бир қўшним мақтагани учун иккиланиб-иккиланиб бир келувдим. «Бахтингиздан очайми ё тахтингизданми?» деб сўради. «Тахтимдан» дедим. У қўлларимга чизиқ чизиб, «Синглим, сизга нуқта тушяпти. Сиз бир ой деганда каттагина ҳовли-жойли бўласиз. Фақат шу келаётган ойда уни олиб, бахт қушингизни ушлаб қолсангиз, қолдингиз – бўлмаса, сизда бундай имкон бошқа бўлмайди» деб айтди. Хурсанд бўлиб кетдим. Уйга бориб, дадасига маслаҳат солдим. Бирам йўлимиз очилди-ки, дадамиз дарров рози бўдилар. Эски шаҳардаги икки хонали уйимизни сотдик. Қуриб кетсин, темир бўлса, топилади-да, деб машинамизни ҳам пуладик. Ҳовлига озроқ етмай қолди. Орадан йигирма кунча ўтиб кетди. Ноилож бўлдик. Кейин кўни-қўшни, қариндош-уруғдан ҳам анчагина қарз кўтардик. Лекин қурғур хотин рост айтган экан, бир амаллаб, йигирма тўққизинчи кун шу атрофдан, дангиллама бўлмасаям, бундайроқ ҳовли-жойни сотиб олди-ей. Бало экан бу фолбин!



– Э, қойилман сизларга! – деди ёнимизда қуни-
шибгина турган бир эркак.

– Ҳа, жуда топиб айтар экан ўзиям, – дея кулиб
қўйди қошлари қалин бир хотин.

– Бугун нимага келдингиз унда? – дея сўради
момиқ рўмолли хотин.

Аёл одамлар гапини жон қулоғи билан эшитиб
турганигами, тоза ийиб кетди:

– Бугун ўғлимнинг масаласида келувдим, айна-
най, – деди.

– Ўғлингизга нима бўпти? – сўради момиқ рў-
молли хотин.

– Вой, ҳеч нима қилмаган. Яқинда йўл-йўлакай
кириб кетгандим шу опага. Ўғлим ўзгариб, инжиқ
бўлиб қолди, дедим. Фол очиб қўйди. «Яхшилаб
эйтибор беринг, ўғлингиз севиб қолган» деди.
Уйга бориб, сиқувга олдим ўғлимни. Ростдан ҳам
севиб қолган экан. Яна келдим опага. Ўғлим севиб
қолган қизни келин қилсам, яхши бўладими – ёмон
бўладими, опа, дедим. Фол очиб, бу қизга уйлан-
са, яхши бўлмайди, деди. Кейин исми «А», «З»,
«М», «Ш», «Ҳ» ҳарфлари билан бошланган
қизларда келин қилманг, деб айтди. Мен хўп деб
чиқиб кетибман...

– Кейин-чи, кейин? – дейишдик бирваракайига.
Бу аёл айтаётган гаплар расманасига ҳаммамизни
қизиқтириб қўйганди.

– Кейин... келиб ўғлимга айтдим шу гапларни.
Ўғлим хўп деганди...

– Хўш, хўш, кейин-чи? – тобора қизиқиб борар-
дик унинг гапига. – Кейин нима бўлди?



– Кейин нима бўларди, – деди аёл кўзларини жавдиратиб. – Кейин... мана, келдим яна.

– Ия, яна нима бўлди? Энди нима учун келдингиз? – деб сўради момиқ рўмолли аёл.

Хотин бир дам сукут сақлади. Сўнг сохта файласуфлик билан қошларини чимирди:

– Ўғлим гапимга қарши борди, – деди. – У ҳозир яхши кўриб қолган қизнинг исми Маҳфуза экан. «М» билан бошланаркан...

«Хўш, шунга нима қипти?», «Фолга шунчалик ишонасизми?», «Энди нима қилмоқчисиз?» Саволларни қаторлаштириб ташладик. Бир жувон ўхшатиб гап ташлади:

– Балиқ сувда туриб ҳам: «чанқадим», деркан, – деди. – Шуям ташвиш бўптими?!

– Нимаям дердим, қадимгиларимиз фолга ишонма, лекин фолсиз ҳам юрма, деган, – деди хотин. – Мен бошқа фолбинларни билмадимку-я, лекин бу хотинга ишонаман. Бир ойда ҳовли оласизлар, деганди, ана, айтгани бўлди, дедим-ку. Энди ҳозир олдига кириб, ўғлим топган қизнинг исми «М» билан бошлансаям, келин қилаверсам, ростдан ҳам яхши бўладими ёки ёмон бўладими, деб аниқлаштириб сўрамоқчиман. Ёмон бўлади, деса, унда ўғлимни бу қиздан совитиб, кичкина аммамнинг ўртанча қизи бор, Барно исми, «Б» ҳарфи билан бошланади, шунга иситиб беришини илтимос қилмоқчиман, айнанай...

Аёлнинг гапларига берилиб кетиб, янгаларимнинг фолбин олдидан чиққанини ҳам сезмай қолибман.



– Ука, зўр фолбин экан лекин, сиз ҳам бир кириб кўринг, – деб қистаб қолди янгамиз. – Сиздан нима кетди, шунча жойдан келиб, бир фол очирсангиз очирибсиз-да, бизнинг дардимизни бирдан топди-я...

Йўқ дейишимга қарамай, кўярда-қўймай киришга мажбурлашди. Раъйи қайтмасин, дедим.

Шошилмай фолбин ўтирган хона эшигини тиқиллатдим. Ичкаридан «Кириг» деган ўктам овоз эшитилди.

Хирагина ёритилган хона. Хонанинг икки бурчида иккита шам ёқилган, негадир, шифтда чироқ бўлишига қарамай, шам ёқилгани кишига андак ғалати туюлар экан. Эҳтимол, сеҳр оламига муҳит шундоқ яралар?

Сандалга ўхшаш бир тайпоқ столча устига кўрпа тўшалган, столнинг нариги томонидан бошига узун рўмолни ташлаб олиб, кўзойнак ортидан бургут кўзини қадаб қараб турган хотин «Тез-тез бўл, болам, одамлар кутиб турибди» – деди. Қаршисига ўтириб олдим.

Фолбин фавқулодда тезлик билан чап қўлимни ушлаб, қафтимга мойли қаламда чиза бошлади. Чизаётганда қитиғим келиб, кулимсирадим. Буни пайқади, чоғи, жиддий таъна қилди: «Шайтонга қулоқ солма, болам, шайтон йўлдан уради», деди. Ҳеч нима ни тушунмай анграиб қолдим.

Чизиб бўлгач, кўзларимга тик қаради ва:

– Болам, мен йўл кўряпман, – деди. – Яқинда узоқ сафарга чиқар экансан.

– Қаерга? – дедим ҳовлиқиб.



– Билмадим, лекин узокроқ йўл экан, – деди.

Фолбин қўлидаги мойқалам билан кафтимдаги нуқталарни бирлаштириб, ўйланиб қолди.

– Ўттиз ёшингда тўрт хонали уйинг бўлади, – деди.

Мен кулдим:

– Олган ойлигим бу, битимга оларканманми уйни?!

– Сан бола кулма, ман чин айтяпман, – деди фолбин хотин лаҳжасини ўзгартириб. – Ман айтдимми, бўлади. Кулсанг, тескариси келиши ҳам мумкин...

Фолбиннинг шамали таҳдиддан чўчидимми, ҳар ҳолда, тилимни тийишга уриндим.

У кафтимга бошқатдан тикилиб қарай бошлади ва ҳеч кутилмаганда:

– Ҳаётингда «Д» ҳарфи билан бошланувчи жуда яқин одаминг бор экан-а? – дея сўради.

Ўйлаб ҳам ўтирмай «йўқ» дедим. Чунки исми бундай ҳарф билан бошланадиган яқин одамим йўқ эди-да.

– Яхшилаб ўйла, бўлиши керак, – деди фолбин ажабланиб.

– Йўқ бунақаси, – дедим қатъий.

– Шунақами? Масалан, отангни исми нима?

– Отамнинг исми «Д» билан эмас, «Ж» билан бошланади. Жаббор ака, дейди отамни.

– Э, одамни аҳмоқ қилма сан бала, – деди хотин расмана жаҳди чиқиб. – Ахир русчада исм бошида «Ж»дан аввал «Д» ҳарфи қўйилади-да, балам... «Джаббар» бўлади-да...



Аввалига индамадим. Бу хотин фолни русча очар экан-да, деб ўйладим. Кулгим қистаб кетди. Хохолаб кулиб юбордим.

– Нимага тиржаясан, балам? – деди фолбин.

– Фолни ўзбекча очсангиз бўлмайдими, хола? – дедим кўзларимни уқалаб.

– Ман мактабда русча ўқиганман, – деди хотин жаҳли чиқиб. – Бор, кет, устимдан кулмай, ҳақинг ҳам керак эмас! Фолга ихлоси йўқларга фол кўрмайман!

Индамай чиқиб кетдим.

Ичкаридан фолбин хотиннинг: «Бурнига нарвон етмайди-я» деган шанғиллаши эшитилди.

Чиқишим билан янгаларим саволга тутишди:

– Қалай экан? Топдими?

– Жуда аломат фолбин экан, – дедим.

Янгаларим енгил тортишди. Бу гурбатхонадан чиқа-чиқа қарасам, мендан кейин бояги – ўғли «М» ҳарfli қизни севиб қолган, фолбиндан оғзига чўп ўлчатиб олган хотин кириб кетди.

Албатта, янгаларимга у хотин билан бўлган гурунг ҳақида ҳеч нима демадим. Қайтанга йўл-йўлаккай ўзларини гапга солдим. Айтишларича, ўша фолбин ростдан ҳам балогина экан. Амакимизнинг иши ортига кетишига исми «Қ» ҳарfli (эҳтимол, русчадан келганда «К» ҳарfliдир?) шахс сабаб бўлган экан. Қўй ва қўчқорларни ҳам, ҳўкизни ҳам ўғирлаганларнинг исми катта эҳтимол билан «Б», «М», «И» ёки «Т» ҳарфи билан бошланишини айтганмиш.

– Ростдан ҳам, аломат фолбин экан, – дедим янгаларимга. – Ҳамма нарсани билгич экан.




– Энди нима қилсак экан-а, Маҳмуджон? – деди янгам.

– Нимаям қилардингиз, янга, – дедим. – Энди фолбиннинг гапига кириб, қариндош-уруғу, қўни-қўшнилар, танишу нотанишлар орасидан исми «Б», «М», «И» ёки «Т» ҳарф билан бошланган «ўғри»ларни зимдан қидириб бошлайсизлар-да...

Янгаларим бош силкиб, гапимни маъқуллаб қўйишди.

Тошкент, 2014 йил, июль.



«Бугун дунёдаги энг «кекса» ит йигирма олти ёшида вафот этди...»

Деразаси жанубга қараган пастқам том олда, кундага чопонини тўшаб, ўнг қўлини манглайига тираганча, ковушининг учига тикилиб, офтобрўяда тобланибгина ўтирган Етмишев айвонда осифлиқ радиога ярқ этиб қаради. Мийиғида кулди.

«Оббо, хумпар-ей! «Вафот этди» эмиш. Иззат-икромни қаранг! «Марҳум» йигирма олти ёшда экан. Табаррук ёш-да! Дунёнинг тўрт томонидан одамлар отамлаб келгандир?»

Етмишев истехзоли кулди: демак, «марҳум»-нинг бир каромати бордир-да...

Етмишев кейинги пайтлар уйда ёлғиз қолса, радионинг қулоғини бураб, шу кунда устида ўтирганча бот-бот хаёлга чўмадиган, ўзига-ўзи ғудраниб, бйр нималар дейдиган одат чиқарган. Ўйлайди. Фақат бир нималарни ўйлайди. Бор – сўзлайди, йўқ – ўйлайди-да... Бироқ қани нафи тегса! Ўйлаб ўйига етган борми? Тағин фикрлари чувалашиб кетади, бошига оғриқ кириб, девордаги матоҳни ўчирганча, аччиқ чойдан ҳўплайди-да, кўрпа-тўшак қилиб ётиб олади...



«Қачон булар одам бўлади ўзи...» – дейди димоғи куйиб.

Бош оғриғи бошоғриқ бўлади.

Лекин бироз ўтиб, «кекса ит»нинг ўлими ҳақидаги хабар унга негадир нашъа қилди. Бу гапнинг тагида одамзоднинг майдалашиб кетаётганига ишора ҳам йўқ эмасдай эди. Кейин беўхшов илжайди: «Гапни қаранг, калтакдай. Ҳе, одам бўлмай кет...» – деди.

Етмишев ўрнидан туриб, чопонини қоқиб, даҳлизга кирди. Тўнини пахтаси титилиб, ичи пўла бўлиб қолган ёстиқ устига ташлади-да, узала тушиб ётди. Сўнг шифтга – орасидан қовжираган қамиш барглари чиқиб турган болор¹ларга бемақсад термулиб ётди. Хаёлларга эрк бергиси, бемаъни ўйлардан халос бўлгиси, ташвишларни бир дам унутгиси келди. Хаёллар ҳам, Етмишевнинг устидан кулгандай, ҳадеганда жонланавермади.

Ҳозир унга оғир. Бу орада кўнглини очиб, яйраб гаплашадигани йўқ. Тенг-тўшларининг кўпи ўзи билан ўзи бўлиб кетди. Бирови билан гапи келишмади, бировлари бу ёшларга етмади. Кампири ҳам ёлғизлатиб кетди.

Нафақага чиққан одам тез қарийди. Етмишев ўйлаб қолдики, шундай пайтда одам ишдан чиққан матоҳдай гап экан: ўтган ҳам, кетган ҳам бир тепиб ўтади-ю, ҳеч ким мундай бир азизроқ жойга олиб қўймайди...

¹ Уй томига ёпиладиган ёғоч тўсин.



Чолга шуниси алам қилади. Наздида, бола-чақаси, неваралариям фақат кечқурун йиғилгандагина гўё унинг борлигини эслаб қолишади...

Етмишев минг йилдан бери ёд бўлиб кетган шифтдаги болорни хаёлан қайта санайди: бир, икки, уч... Унинг назарида, болор худди камайиб қоладигандай. Ана, бешинчиси. Энг ингичкаси шу. Бир зум ўзини ўша болорнинг ўрнига қўйиб кўради. «Синиб тушса, у-бу кимни том босиб қолса-я. Э, қўйсанг-чи, қариётиб бунча ваҳимачи бўлиб қолдинг. Ана, қолганлари жойида қолади-ку, шулар кўтаради-да...»

Эллик йил мактабда бола ўқитган Етмишевдай одамга бу болаларча хаёллар қанчалик ғалати, аҳмоқона туюлмасин, ҳозир айтини чоғда кўнглида кечаётган қандайдир зардобли, тушуниксиз кайфиятни тарқатиш учун зарурдай эди шу.

Юзга яқинлашиб ўтган отаси бир гапни айтгич эди: «Кечқурунлариям, кундузи ёлғиз қолсам ҳам қўрқиб кетяпман, болам. Жуда қўрқоқ бўлиб қолдим...»

Етмишев шу гапни эсларкан, гўё, ингичка болор бир синиб тушадигандай, бир синиб тушмайдигандай, қайтанга қалинлашиб, кучга тўладигандай туюлди... Ўйлаб-ўйлаб, аросатда қолди: ҳар икки фаразнинг турган-битгани хомхаёл эканини билса-да, икковига ҳам ишонгиси келди. «Ишқилиб, том босгулик қилмасин-да...» – деди пичирлаб.

Етмишев кўзини бир-икки пирпиратиб, юмибочди. Ёнбошига ағанади. Шунда ёстиғининг тағи-



дан чиқиб турган кўҳна белбоғига кўзи тушди. Уни пийпалабгина қўйди ва ярим йилча аввал бўлган воқеани эслаб, ожизгина кулимсиради.

... Ўша куни ўртанча келини эртароқ ишдан қайтган эди. Бир пайт қайнотасининг чой-нонига қарайман деб, у ётган томга кирди. Кирди-ю, тарашадай қотиб қолди. Тўрда, узунгина болишда Етмишев, ияги белбоғ билан боғлиқ, кўзлари юмуқ, тепага қараб тарашадай қотиб ётарди. Келинининг ранги докадай оқариб, бирпас тили калимага келмай қолди. Сўнг дод солиб, ташқарига югуриб чиқди.

«Бувам кетиб қопти...» дея ҳаммани бошига йиғди.

Чоп-чоп бошланди. Катта ўғилнинг лойсувоқ уйига туташ қурилган узун томнинг айвони ковушга тўлди. Ўғил-қизнинг бари йиғилган. Бола-бақра, неваралар пойгақдан жой олган.

Уй тўрида Етмишев бува ётибди. Ёнида тўнғич ўғил – Отаёр пешонасига нам сочиқ босиб турибди. Хона диққинафас. Шу топда чивиннинг гўнғиллаши ҳам асабга тегиб кетади.

– Ота, гапиринг, энди, – дея ялинди Отаёр. – Одамни қўрқитманг-да мундай...

– Ҳа, ота, бўлди, гапиринг энди, – деди бўғзи куяётган қизлар ҳиқилламоқдан бери бўлиб.

– Биздан нима айб ўтди, бува? – сўради катта келин.

Етмишевдан садо чиқмади. Шифтга термулиб, тек ётаверди. Отаёр янаям хавотирланди. Тикилиб қаради. Отанинг танаси буткул мажолсиз...



Вожаб! Қоқсуяк қўлларида ғалати қорамтир доғлар пайдо бўлганини кўрди. Юраги, кимдир арралаётгандек, оғриқ ҳис қилди. Отасининг қаншарида ҳам билинар-билинемас қорамтир доғларга кўзи тушди-ю, ичидан зил кетди.

«Эҳ, отам-а, бола бўлиб, юзингизга мундоқ... қарамаганимгаям анча бўлибди-я... Суякларингиз терингизни шимиб олганини нега сезмадим экан-а? Манави доғлар қачон пайдо бўлди, ота?!»

Тўнғич ўғилнинг кўнгли қақшади. Отасининг манглайини нам сочиқ билан артди. Елпиган бўлди.

Шу пайт ташқарида мотоциклнинг «пат-пат» и эшитилди. Нима қиларини билмай, дам Етмишевнинг сўлғин юзига, дам уйга йиғилганларнинг ташвишли нигоҳларига даҳлиздан мўралаб боқиб, ҳеч нимани англолмай, диққати ошиб ўтирган неваралар, худди бу кўргиликнинг тезроқ ўнгланиб кетишини кутиб, нажот истаб, дарров чувиллашиб, овоз келган томонга югургилаб кетишди.

– Дўхтир поччам келди-ёв, ака? – деди иккинчи ўғил Нурбек.

– Бор, қара-чи. Тезроқ келсин, – деди Отаёр.

Нурбек дўхтир поччасини бошлаб келди. Почча ўтирганлар билан салом-алик ҳам қилиб ўтирмай, тўғри буванинг бошига борди. Қўлини пешонасига қўйиб, дарров ашқол-дашқолини олиб, текшира кетди.

– Ҳеч қандай хавф йўққа ўхшайди-ку, – деди почча. – Лекин барибир яхшилаб бир текширтириш керак бувани.

– Текширтирамыз, текширтирамыз... – деди Отаёр. – Шаҳарга оборсак ҳам бўларди, а, почча?



Почча гинг демади. Секин жойлашиб ўтириб, қайнотасидан сўради.

– Бува, яхшимисиз? Нима бўлди ўзи сизга?

Етмишевдан жавоб бўлмади.

Отаёрнинг кўзи йилтиллади:

– Отам гапирмаяпти, – деди. – Салима келин ишдан келиб қараса, ияги бойланган эмиш. Отам... кетиб қопти деб, қўрқиб кетдик ҳаммамиз. Шукурки, мана...

Почча ажабланди. Етмишевнинг тўнини тескари киядиган одатини кўрмаган, шу боис қайнотасининг ит орқа бўлиб қолганига унча тушунмади. Яна ҳол сўради. Етмишев ингранди. Кўзидан икки томчи ёш сизиб чиқди. Атрофига секин кўз югуртириб, хонани тўлдириб ўтирган бола-бақраси, невараларини гира-шира тусмоллаб, худди гўдакка ўхшаб, оғзи кемшайиб кетди. Анчадан бери болаларини бундайин тус-тугал кўрмаган эди...

Бутун уй буванинг оғзига тикилган. Етмишев қараб турди-турди-да, кейинчалик бутун қишлоққа тарқаб кетган латифанамо гапни айтди:

– Мен... – деб ихранди Етмишев. – ... мазам бўлмай қолди бутун. Мабодо уйқумдами, ўнгимдами ўлиб-нетиб қолсам... буларни бировининг ҳам хаба-ри бўлмай қолади, деб ўйладим. Ҳаммаси ишли-да, омон бўлгурларнинг...

Ўтирганларнинг юраги ачишди. Тилини тишлаб қолгани қанча. Отаёр эса йиғлаб юборди. Почча Отаёрни туртиб, оғирроқ бўл, деди. Кейин қайнотасидан сўради:

– Иягингизни ким бойлади, бува? – деди вазиятни юмшатиш учун кулимсираб.



- Ўзим... ўзим бойладим... – деди Етмишев.
- Оббо, бува-ей... – деди дўхтир почча.
- Ухлаб қопман-да... булар ияк бойлай олар-миди...

– Ўзиям ҳамманинг ўтакасини ёрибсиз-ку. Қўрқманг, ҳали кўп яшайсиз.


– Шунинг айтиши, почча, – гапга қўшилди келинлар. – Бувам одамни ёмон кўрқитди. Юрагимиз кинидан чиқай деди. Энди Салима келинниям бир қараб қўйинг, почча, мазаси қочиб ётибди нариги уйда.

Ўғил-қизлар Етмишевнинг тилга кирганига чуқур тин олишди.

Етмишев ўша воқеани эслар экан, юзига табассумга ўхшаш алланечук мавҳум бир ифода ёйилди. Бу худди боягина радиодан эшитган хабар – йигирма олти ёшида вафот этган энг «кекса» ит ҳақида ўйлаганида юзига балққан истеҳзога ўхшаб кетар эди.

Етмишев белбоғини силади. Сўнг ўша қилиғини эслаб, бола-чақаю неваралари олдида бошқа ўнғайсизланмаслик учун «далил»ни йўқотишни истаб қолди. Ўша қилиғини хотирдан чиқармоқчи бўлди. Белбоғни айириб, узиб отмоқчидек, икки ёнга тортди. Бироқ у кўҳна бўлса-да, ҳали пишиқ, маҳкамгина экан. Назарида, бу белбоғи ҳўв шифтдаги ингичка болорга боғлаб, невараларига арғимчоқ ясаसा ҳам узилмайдигандек эди...

2015 йил.



ҚАЙНОҚ ҚУЧОҚ

Андақул ака билан танишганимизга ҳам роп-па-роса бир соат-у ўн минут бўлибди. Мингйиллик қариндошдай бўлиб кетдик. Азбаройи танишганимиздан у менинг фамилиямни исм ўрнида қўллаб юборишни бошлади. Устига-устак, ортидан «болам»ни ҳам қўшиб қўяди.

Майли, дедим, ёши катта, сиркаси сув кўтармайди. Яқин оялпти-да ўзига. Бари гапи ҳазил-ку. Қолаверса, унинг машинасида кетаётган бўлсам, йўл олис...

Бир пайт Андақул ака машинасини йўл четига буриб, дўконча олдида тўхтади.

– Тутун ололай, – деди у тушаётиб. – Ҳам сал чигалёзди қиламиз.

Андақул ака сотувчи йигитга қараб қучоқ очиб борди. Йигит ҳам қучоғини очиб, диконглаб пешвоз чиқди. Бир-бирини маҳкам бағрига босишди, ҳол сўрашди. Бу йигит акамизнинг яқин дўстларидан бўлса керак-да, деб биз ҳам қўл бериб кўришдик.

Андақул ака оладиганини олиб, пул узатди, сотувчи йигит олгиси келмай қайтарди. Узатди-қайтарди. Охири олди!

Ана, дўстлик, мана ҳурмат-эҳтиром!

– Тутун билан сувни ярим нархига берди-я, – дейди Андақул ака машинага ўтиргач, мамнун қиё-



фада. – Икки ярим минг сўм ёнга қолди. Зап йигит-да, кўп яшагур!

Машинамиз довондан ошгандан сўнг яна тўхтадик.

– Бир-икки кило олма олайлик, меҳмонга курук бориб бўлмайди! – деди Андақул ака.

У машинадан туша солиб, сотувчи амаки билан қучоқ очиб кўришди. Унинг енглари кир бўлиб кетган чопонига илашган хасни эҳтиёткорлик билан олиб ташлади, ранги униқиб кетган кўйлаги ёқасини тўғрилаб, «куф-куф» деб қўйди.

– Олмадан икки-уч кило берсангиз, ота, – деди Андақул акамиз. – Савобга шерик бўлгимиз келди!

Қарасак, боғбон ҳам у узатган пулни олмаяпти. «Пули керак эмас, деҳқончилик-да, ука, болаларнинг насибаси экан-да», дейди.

Биз акамизнинг саховатию таниш-билишларининг тантилигига қойил қолиб турибмиз.

У уч кило олмани машина юкхонасига жойлаб, сотувчи амаки билан яна қучоқлашиб, хайрлашди.

– Бечора, буям ярим нархига берди-яй, – деди у машинани ўт олдиранган. – Бундан уч минг эконом қилдим.

Хуллас, манзилимизга бордик, тадбирни ўтказиб, мана, қайтиб ҳам келяпмиз.

Йўл яримлаганда, тарвуз-қовун сотадиган жойга тушдик. Андақул ака деҳқон-сотувчи томон «Э, қадрдоним!» дея қучоғини бор бўйи очиб борди. Қовунфуруш ҳам унга бир муддат термулиб турди-да, худди энасини таниб қолган бузоқдай югуриб



келди. Қучоқлашиш тобора қизиб, бири кўтариб, бири ерга қўяди, денг.

– Акам, икки тарвуз, икки қовун берсангиз, – деди Андакул ака. – Фақат энг зўрларидан бўлсин! Уялтирмайдиганидан танланг.

Сотувчи дўсти айтганидек энг сараларини ажратди. Акахонимиз бу сафар ҳам ярим баҳодаги пулни олишга сотувчини аранг кўндирди.

– Андакул ака, танишларингиз жуда кўп экан? – дедим, росмана ҳайратланиб.

– Қандай танишлар? – сўради у машинани катта йўлга бураркан.

– Мана, тарвузчи ака. Ярим нархидан ҳам арзонга берди. Шунчалик қалинмисизлар?

– Э-э, қаёқда, қалин эмасмиз. Умуман, бу одамни биринчи марта кўриб туришим.

– Қанақасига? – ёнимдагилар ҳам таажжубланиб сўрашди. – Олма сотувчи амаки, тутун олганингиз... Улар-чи?

– Ҳеч қайсисини танимайман.


– Ахир, бари билан қучоқлашиб кўришдингиз-ку? – сўрадик биз.

Андакул ака, хохолаб кулди. Ҳозиргина ёндирган тутунидан чуқур бир тортди-да, кўзларини қисиб шундай деди:

– Ҳа, энди, қучоқлашиб кўришган бўлсам, ана, фойдаси бўлди-ку. Шунгаям таниш бўлиш шартми? Қучоқнинг ўзи катта куч, бўталоқларим!

Ҳа, бўрини оёғи боқади, дейишади. Мен сизга айтсам, Андакул акани қучоғи боқар экан.

2014 йил



Қишлоқнинг чанг-чўнг, ўнқир-чўнқир илон-изи йўлдан чайқала-чайқала катта йўлга чиққан оппоқ машина улкан гужум тагига келиб тўхтади. Ундан қирқ-қирқ беш ёшлардаги тўрт киши узун-калта бўлиб тушди. Уст-бошини қоқа бошлашди.

– Шу... қишлоқнинг чангиям тоза жонга тегиб кетади-да, – деди соч-соқоли ўсиб, қошигача чангга беланган биттаси. – Ўн қадам юрсанг, моховга ошна бўлиб қоласан.

– Қўйсанг-чи, Султоний, – деди қориндор, эгнидан оҳорли кийим тушмайдиган Ботир чавандоз қип-қизил, сергўшт юзини рўмолча билан артаркан. – Шу чангдан чиққансан, ошна, қочиб қаергаям борардинг. А, нима дединг, Улуғ ошна?

Улуғбек шимининг почасини қоқар экан, бува-сидан эшитган тагдор гапни айтди:

– Тўғри, ошна, тупроқ, чангни қоқсанг – кетади, қочсанг – етади...

Ботир чавандоз икки қўлини бир-бирига қарсиллатиб урди:

– Ана! – деди қийқириб. – Кўрдингми? Қочсанг, изингдан е-та-ди...

Султон илжайди, учовлон жилмайди.



– Майли-да энди, шаҳаргаям чангга ботиб бор-майлик дегандим-да, – деди Султон паришонхотирлик билан. – Кетдикми?

– Кетдик! – деди Ботир чавандоз.

Яна қайтиб машинага ўтиришди. Ботир чавандоз олд ўриндиқ эшигини виқор билан очиб-ёпти. Машина қўзғалди. Теп-текис йўлда ғизиллаб кетди.

– Энди, ошналар, гап бундай, – деди Ботир чавандоз ястаниб ўтириб олгач, кайвонилик билан. – Шунча йилдан бери – Қулбой ошнамиз шаҳарга кўчиб кетгандан бери биринчи марта боряпмиз уйига. Эсда қоларли меҳмондорчиликни, «сюрприз»ни кўнгилга солганимизгаям етти-саккиз йил бўлди-ёв, а?

– Бўлди, бўлди, – деди Султон орқадан.

– Эса, «сюрприз»га яраша иш қилайлик...

– Нима қиламиз? – қизиқди Улуғбек.

– Ошнанинг уйига бостириб кирамиз! – деди Ботир чавандоз тантанали равишда. – Қулбой ҳаммамизни кўриб, оғзи очилиб қолсин!

– Йўғ-ей, – деди Султон. – Ўзимиз Қулбой қишлоққа келганда бирор марта уйга чақириб, меҳмон қилмаган бўлсак... Тагин мундай эркалик қилиб турсак...

Ошналар ўйланиб қолишди. Лекин барибир меҳмон – отойи худо, деганларидек, бўлажак меҳмондорчиликни бир зум тасаввур этиб, завқланишди. Ана, қаранг, улфат дўст – Қулбой эшикни очади-ю, қаршисида кимсан, қишлоқдаги болалик дўстларини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолади! Елим халғаларни тўлдириб, қишлоқнинг оби нони, мева-чева, тагин



дуркиллаб юрган бир ширбознинг ярим гўштини қоғозқопга ўраб, қўлларига тутган ошналари турибди-да! Бир нафас кўзларига ишонмайди, кипригини пирпиратиб қарайди ва қучоғини ланг очиб, ҳар бирини бағрига босиб, даст кўтариб туширади-да: «Бормисизлар-ей? – дея ҳайқиради. – Келадиган кунларинг ҳам бор экан-ку!» Кейин мезбон аҳли аёлига буйруқ беради: «Қани, тез бўлинглар, дастурхоннинг каттасини ёзинглар, топган-тутганларингни келтиринглар!»

Ошналар ҳар бири ўзича шундай хаёл билан банд бўлиб қолади.

– Лекин масаланинг бир нозик тарафийам бор, – дейди Ботир чавандоз махфий бир гапдан огоҳ этмоқчидай.

Бу гапдан ўй сурувчиларнинг хаёли тарқаб кетади. Яна нима гап экан? Бу чавандоз жуда режа тузгич-да. Аммо-лекин ошналар унинг гап-режалари доим жўяли чиқишига тан беради. Шу боис кўпинча унинг оғзига тикилишади. Демак, «сюрприз» масаласининг нозик томониниям кўра-билган бу чавандоз деганлари. Эл кўрган, давра сурган одам-да у...

– Хўш-хўш? – деди Улуғбек қулоғини чўзиб.

– У ер сенларнинг қишлоғинг эмас, ошналар, – деди Ботир чавандоз. – Шаҳар деган оти бор. Шунинг учун меҳмондорчиликда одамни шарманда қилманглар...

– Ия, ия?! – деди ошналар. Учовиям чавандознинг гапидан норози бўлиб, тўнғилади. Ахир у нималар деяпти? Ўзи-чи, ўзи? Қачондан бери аристократ бўлиб улгурди экан бу зотимиз? «Сенлар-



нинг қишлоғинг эмас», «одамни шарманда қилманглар»... Бу нима дегани? Ўзини мунча катта олмаса... Ўтди, ўтди, ошналарга ўтиб кетди бу гап: – Ким шарманда қилармиш сени, Ботир ошна?

– Умуман айтяпман-да, – деди «айбдор» чавандоз ўнғайсиз гапини андавалашга тушиб. – Масалан, шаҳарда дастурхонни ноз-неъматга тўлдириб ташлашади. Мева-чеваниям сархилидан қўйишади. Қулбойни биласизлар-ку, ўзимизнинг кадрга йиғлайдиган минг йиллик ошнамиз. Оддий қишлоғимиздан чиқиб, мана, шаҳарда кимсан, катта бир ташкилотда бўлим бошлиғи бўлиб кетди... Кўрасизлар, биз борсак, борини тўкиб-сочади. Лекин, айтдим-ку, дастурхонга ҳадеб қўл чўзаверманглар. Султоний, айниқса, сенинг нафсинг бузуқ, конфет-понфетларга узалаверма кўп, майлими?

Султон хижолат тортди. Лекин ҳақ гап айтилаётганда нимаям дерди. Гапни ҳазилга бурди-да:

– Конфетдан бошқа нарса есам бўладими, Ботурийжон? – деб сўради.

– Йўқ! – деди чавандоз жиддий туриб. – Одамни шарманда қилма. Қишлоқилар, деб устимиздан кулишмасин ҳамсоя-ҳалойиғи. Очофатлик қилма. Тушундингми?

– Бўпти-ей, – деди Султон. Ёнидагилар ҳам Ботир чавандознинг гапини маъқуллаш бошлади.

– Яна, ол, деса, овқатини хўриллатиб ичиб, чапиллатиб кавшаниб юрманглар, – қўшимча қилди чавандоз. – Кам-камдан, ҳар замонда у-будан тотиниб турсаларинг ҳам ўлмайсизлар. Қишлоққа қайтиб келсак, ўзимиз биламиз кейин....



– Қулбой ошна анавининг қандайдан қўяр экан-а? – тилга кирди жим келаётган тўртинчи ошна – Маҳмуд. – Импортнийсиданми ё ўзимизникиданми?

– Ўлибди энди, арзон-гаровидан қўйса, – деди Султон.

– Бу – аниқ! Зўридан, манавиндайдан қўяди, кўрасизлар, – деди Ботир чавандоз бош бармоғини юқорига ўйнатиб.

Ошналар тамшаниб қўйишди. Бўлажак зиёфатнинг иси гўё димоқларига кириб, бутун вужуди иштаҳаочар тегирмонга айланди: олдидан нима чиқсаям, икки ямлаб, бир ютадиган тегирмонга.

– Ўзи қачон қайтамиз, а? – сўради Маҳмуд. Афтидан, унинг қишлоқда қиладиган иши кўп эди. Магазин соясидаги чорпояда уч ошнаси ўтирган экан, улар туриб-туриб ҳаданглаб қолишди: «Кетдик, Қулбой ошнамиканикига борамиз! Таваккал-да! Худо билади, қачон борамиз шаҳар деганларига!» Ошналар бирпасда бозор-ўчар қилишди. Гапини эшитмай, унияма машинага шарт босишди-да, мана, судраб келишяпти. Қиёлмаганидан жим келяпти-да бу камбағалнинг боласиям.

– Энди... Қулбой бирон уч-тўрт кун туринглар, маза қилиб отамлашамиз, деб қолиши аниқ. Лекин сизлар ҳам менга қўшилиб, кетайлик, ошна, деб тез-тез эслатиб туринглар. Икки-уч кунда қайтармиз шунда. Бўлмаса, каталақдек «дом»даги ошнамизни қийнаб қўямиз.

– Тўғри, жуда тўғри, – деди Султон. – Икки-уч кунлатиб меҳмон бўлсак ҳам етади. Безор қилвормайлик яна-тагин шаҳарликларни...



Ошналар меҳмондорчилик ҳақида бир-биридан ажойиб ўй-хаёллар, ширин режалар билан, тамшаниб-тамшаниб борар эди. Катта теп-текис йўлда слиб бораётган машина уларни тобора ана шу ниятлар манзили томон яқинлаштирар эди.

Қуёш тикка келиб, йўлни жизғанақдек куйдираётган, асфальт йўлнинг устида чойидиш жўмрагидан чиқаётган буғдек ҳовур пайдо қилган бир пайтда ҳайдовчи сўради:

– Акалар, бир тушлик қилиб олмаймизми?

Дўстлар бир-бирига қаради.

– Шаҳарга қанча қолди ўзи? – сўради Ботир чавандоз ҳайдовчидан.

– Яна бир соатча юрамиз ҳали.

– Ҳа-а-а... унда тушиб ўтирмайлик, юраверайлик, бир йўла ошнализникида овқатланармиз.

– Қорин таталаб кетди-ку, – деди Улуғбек.

– Сабр қил, Улуғ! – деди Ботир чавандоз. – Ҳарна эртароқ борайлик, Қулбойнинг очил дастурхонига етайлик...

... Катта бир тут дарахтининг тагига келиб тўхтаган бизга таниш оқ машинадан ўзимизнинг тўрт ботир тушишди. Қўлларини белига тираб, обдон керишиб, оёқ чигалини ёзишди. Сўнг у ёқ-бу ёққа аланглаб, «дом» оралаб кетишди. Лекин... уйлар бир-бирига бунча ўхшамаса. Қайси бири Қулбойники экан? Ботир чавандоз ҳув бирда келганини эслади.

– Анави «дом» эди-ёв, менимча, – деди у. – Лекин квартирасини ҳеч эслолмаяпман. Кетдик, юрайлик-чи, сўраб-сўраб топиб олармиз...



Ошналар эргашди. Кўп қаватли уйга яқинлашган сари юраклари алланечук ура бошлаган ошналар хаёллар оғушида ўз режаси – «сюрприз»лари қандай завқли натижа беришини ўйлаб, майин табассум билан ошиқишарди. Бироқ, «дом» олдиди – кириш йўлаги атрофини ўраб турган, одам бўйи бўлиб тарвақайлаб ўсган четан девордан қайрилишлари билан, не кўз билан кўрсинларки, қаршисидан пўримгина кийиниб олган бир қадрдон чехра уларга қараб келаётганди! Бу ўша, ошналар қора тортиб, хонадонига илк бор меҳмон бўлиб келаётган Қулбой Узоқов эди.

– Ия, Қулбой ошна!! – дея айқирди Ботир чавандоз қулочини кенг ёзиб.

Қулбой ҳам кўзлари бир қувнаб, кучоқ очди. Кўришишди. Қолган ошналар билан ҳам бағрини очиб, саломлашди. Ошналар кўнглида: «Ҳозир оёғимизни ерга теккизмай уйига олиб чиқиб кетади» деган хаёл ўтаётган эди.

Бироқ, Қулбой шошилмади... У ёқ-бу ёқдан, қишлоқдан сўради. Анчайин ҳафсаласизлик билан, узуқ-юлуқ гаплардан олди.

• Ошналарнинг тарвузи қўлтигидан тушди... Шалвирабгина қолишди. Бир-бирига тикилишди. Ботир чавандоз нигоҳлари билан ошналарга тасалли берди: «Шошмай туринглар, ҳозир ҳаммаси жойига тушади, Қулбой кутилмаганда бизни кўриб қолиб, салгина эсанкиради-да. Биласизлар-ку, ошна-намиз азалдан оғир-босиқ, сизу бизга ўхшаб, ҳар нарсадан ҳаяжонланиб қолавермайди...»



Бироқ...

– Вой, ошналар-ей, бу ерда нима қилиб юриб-сизлар? Қайси шамол учирди шаҳарга? – деди охири Қулбой.

– Ўзимиз.... шундай... – деди Ботир чавандоз. Лекин қишлоқилигига борди: меҳмонга, сеникига келгандик, ошна, дея олмади. Кўнгил қурсин, бир чимдим иззат-икром, таклиф кутди: – Шунчаки, бир айланиб келгандик...

Қулбой лабини чўччайтирди, қошини чимирди:

– Ҳа-а-а... – деб қўйди. Орага пича сукут чўкди. Сўнг Қулбой ошналарга юзланди: – Энди нима қиласизлар?

Меҳмонлар довдираб қолишди. Бир-бирига разм солишди. Бу гап Ботир чавандознинг ҳамиятига тегиб кетди. Ўнғайсизланиб қолди:

– Эндими?.. Энди... Қишлоққа қайтамыз...

Ошналар Ботир чавандозга эътирозли боқишди, сўнг Қулбойнинг кўзига илтижоли нигоҳ билан синовчан тикилишди.

Жавобдан Қулбойнинг юзи ёришиб кетди.

– Э-э-э, шундай денглар?! – деди чиройи очилиб. – Шу десанглар, мен ҳам қишлоққа кетмоқчи бўлиб турувдим. Бўлмаса, мениям опкетасизлар-да, а?

Ошналар Қулбой кўрсатган йўлак бўйлаб, ҳозиргина келишган қишлоққа элтувчи катта йўл томон унинг ортидан ҳорғин эргашиб кетишди...

2015 йил, апрель



Қизғалдоқ иссиғи этни куйдирди. Кун тиккага келди.

Бу маҳал уч отлиқ адир адоғидаги қишлоққа ҳориб кириб келмоқда эди. Ҳаво дим, худди жазирамада ойналари очилмайдиган автобусда кетаётгандай ҳис қилади одам ўзини. Бурун катаклари кенгайиб-торайиб нафас олаётган отлар узун-қисқа кишнаб қўяди. Қишлоқнинг аллақеридан жавоб келади: чўзиқ кишнаш овози эшитилади.

Қора отлиқ – қирқ беш – эллик ёш атрофидаги қорамағиз, пешонаси аралаш чаккаларигача ажин туша бошлаган одам бир ҳовли дарвозаси олдида жиловни тортади. Ортадаги иккиси ҳам тўхтайди. Қизил байтал минган киши шошилмай, полвонларга ўхшаб виқор билан узангидан оёғини узади. Учинчи одам – озғин, эти-устухони аниқ кўриниб турган жиккаккина киши илдам юриб, қора отлиққа бир нималар дейди. Қора отлиқ унга қулоқ солмайди. Бир нималар деб тўнғилайди. Тортишади. Қора отлиқ норози кайфиятда тулпорининг юганини тортади, от депсинади. Жиккак киши эса елкасини қисиб, қайтади ва ҳовли дарвозасини тақиллатади.

Бир зумда дарвоза оҳиста очилиб, шойи рўмола ўраган аёлнинг қораси кўринади. Отлиқлар у билан



саломлашади. Аёл очиқ чехра ва хушҳоллик билан ичкарига манзират қилади:

– Келинг, меҳмон, сизни домла жуда интиқ кутиб ётибдилар...

– Янга, мен шеригим билан келдим, – дейди полвонкелбат одам.

– Вой, бемалол кираверинглар, меҳмон, қани у киши? – аёл шундай деб бошини дарвозадан чиқариб, ён-атрофга олазарақ аланглайди.

– Ҳув, ана! – дейди меҳмон икки кўзи ортида, нари кетаётган қора отлични кўрсатиб.

Аёлнинг авзойи ўзгариб кетади. Юз-кўзи нафратга тўлади.

– Йўқ, у қадамини босмасин бу ерга! – дейди. – У дунё-бу дунё уйимга кирмайди...

Полвонкелбат одам сесканиб кетади. Танг қолади. Қовоғи осилади.

– Унда хайр! Мен ҳам кетаман... – дейди ва ортга қайта бошлайди. Жиккак одам иккиланиб, у ҳам эргашади...

II

Аёзнинг қаттол қамчиси ситилиб, дастасидан ҳовур кўтарила бошлаган, осмону фалак тиниқлашиб, паркут булут сузаётган маҳалда Абдул Носирнинг илҳоми келди. Баҳор – унинг учун элкезар палласи. Ҳар йили воҳанинг қишлоқларини айланиб, полвону чавондоз, чўпонлар билан гурунгни кўнгли тусаб қолади. Таътилда соғлиқни бир тиклаб қেলাйлик, дея баҳона тўқийди-да, қўшни туманларга қараб



кетади. Одамлар ортмоқлаб олган тўрвахалтасини кўриб, санаторий-панаторийга кетяпти, деб ўйлайди. Қайда, Абдул Носир хастамидики, санаторий борса... Шунчаки, даштни, кенгликларни, полвонлар гурунгини хумор қилади.

Гурунг ҳам оддийгина бўлмайди. Абдул Носир полвонлар турса туради, ётса ётади. Тўйга деса, эргашади. Қадрдон бўлиб қолган чўпонлар ҳам унинг гурунгини яхши кўради. Бор-будини олдига тўкиб, меҳмон қилади. Чўпонлар билан ҳафталаб адирдан бери келмайди. Чўпоновқат ейди. Кундузлари оғзига толқонни солиб, сўриб юраверади. Сурувда нима кўп – думбасини кўтаролмай қолган жайдари қўй кўп. Чўпонлар бирортасини ушлаб, шартта думбасини кесишади-да, қўйворишади, қўй бечора оламини бузиб маърайди, ўзини ўтга-чўққа уради, орқасига тумшук чўзиб, гир айлана-айлана нари кетади, чўпонлар эса думбани хомлигича сариёғдай ингичка кесиб, туз сепиб, нон орасига қўшиб ейишади. Яйловда бундан ширин емак бўлмайди...

Чавандозлар билан ҳатто кўпкарига бориб қолса, ҳеч курса, қоқмада от чопади.

Абдул Носир уйга қайтгач, ҳафта – ўн кун мук тушиб, кўрган-кечирганларини қоғозга тўқади. Шу кўйи навбатдаги асарлар дунёга келади: бири ҳикоя, бири қисса бўлади. Эл уни ютоқиб ўқийди. Кўзига суртиб ўқийди. Абдул Носирнинг гурунгида бўлишни орзулаб юради.

Мана, куни кеча тоғли туманлардан бирига эндина етиб бориб, кўп йиллик қадрдонининг уйига кўноқ бўлганди. Ҳали полвонлар билан кўришиб



улгурмасидан узоқ йиллар аввал бирга ишлаган, ўзидан ёши кичикроқ бир олим – Жовли Лапасов дараклаб келди.

– Абдул Носир ака! – деди у муддаога кўчиб. – Тоғамиз ижодингиз ишқибози. Анча йилдан бери бетоб, ана кетаман, мана кетаман деб ётибди. Уч-тўрт марта менга илтимос қилганди. Кеча туманимизга келганингизни қишлоқдошлардан эшитиб, яна тайинлаб сўраттирибди. Шу кишини бир зиёрат қилиб ўтсангиз, кўнгли кўтариларди...

Абдул Носир йўқ деёлмади. Ҳамма режасини ўзгартирди-да, розилик бериб юборди. Ташқарига чиқишса, Жовли Лапасов ёлғиз эмас, ёнида бир шериги, жиккаккина одам ҳам кутиб турибди. Уйдан чиқишаётганда Жовли Лапасов ўзининг қора оти юганини меҳмонга тутқазмоқчи бўлганди, мезбон ҳайҳайлаб қолди:

– Қўйинг, ака, ҳар келганда менинг қизил байталимин мианади бу киши. Ўзиникидай бўлиб қолган, – деди.

Лапасов тортишиб ўтирмади. Учови уч отда йўлга тушди. Масофа олис, отлар бир маромда туёқ ташлайди. Худди гўдакни аллалаётгандай одамни мудроқ босади.

– Жовлибой, тоғангиз нега бетоб? Қаери оғрийдими? – деди Абдул Носир эгарнинг қошига қамчининг қулоғи билан силгиб, эрмаклаб экан.

Лапасов олис-олисларга тикилганча, хомуш тортиди. Чуқур хўрсиниб олди.

– Икки марта инфарктни ўтказди, – деди сўнг. – Юраги чарчаган, ака, юраги.



У бу гапни жуда чукур қайғу оҳангида айтди.

– Оғир ишда ишлаганми? – сўради Абдул Носир.

– Иши-ку, унчалик оғирмас эди... – деди Лапасов. – Ҳаёти оғир, ака, ҳаёти.

– Хўш?

– Ие, ака, минг йиллик гап, – истар-истамас ҳикоясини бошлади Жовли Лапасов, қамчисини отнинг жабдуғига бепарво сермаб кўяр экан. – Тоғамиз адабиёт ўқитувчиси эди. Кўп йиллар аввал эди, у пайт мен эндигина илмий иш бошлаган, бўйдоқ эдим. Нимадир бўлди-ю, шаҳар кетаман, университетда дарс бераман, деб қолди. Хурсанд бўлдим, энди косаси оқариб, биз жиянларга ҳам эпкини тегиб, елкамиз шамол кўрар, деб қувондим.

Шаҳарда ижарада яшай бошлади. Оиласи қишлоқда қолди. Тез-тез қишлоққа қатнаб турди. Орадан йил ўтиб, ҳар икки ҳафта, сўнг уч, кейин ойда бир келадиган бўлди. Янгамиз хавотир билдирса, иш кўп, хотин, юмуш ортиб, бош қашлагани вақт қолмаяпти, дерди. Аёли содда эди, чиппа-чин ишонар, давлат иши тугайдими, отажониси, кўп ишлаб, ўзингизни олдириб қўйманг, деб авайларди.

Янгамиз кўп меҳрибон эди. Тоғамиз бундан ўзини ўнғайсиз сезарди. Лекин начора, эркак дегани ҳамма гапни ҳам аёлига айтавермайди-да... Лекин тоғамизнинг қочгани қишгача бўлди.

Ҳамсоя аёллардан биттаси шаҳарда тоғамизнинг хушбичим бир аёл билан юрганини кўриб



қолиб, янгамизга чаққан. Янгамиз шаҳарга қараб ўқдай учган. Тўғри университетга бориб, қиёмат қойим кўтарган, тоғамизни дарс ўтиб турган жойидан етаклаганча, қишлоққа олиб келган. Тоғамиз фoš бўлгач, ҳам севимли ишидан, ҳам обрўидан айрилган. Қариган чоғида муҳаббат қўйиб, яширинча яшаб юрган шаҳарлик аёл ҳам ундан юз ўтирган. Лекин тоғамиз... Жуда орқаш одам-да. Элнинг гап-сўзини оғир олди. Кўча-кўйга кам чиқадиган, ошна-оғайнига ҳам қўшилмайдиган бўлди. Кун узоғи тўрт девор орасида тимирскиланиб, шундоғам обод ҳовлини яна обод қилиб юрди. Кечаси билан миҳжа қоқмай китоб варақлайди... Кўп кўрганман: тоғамиз сизнинг ҳикояларингизни кўз узмай ўқийди. Бир папка қилиб йиғиб қўйганини биламан. Лекин...

Жовли Лапасов бошини қўйи эгганча, бир нафас тин олди. Абдул Носир ва жиккак жўраси жим тинглаб келаётганини фаҳмлагач, давом этди:

– Барибир дунёнинг ишлари қизиқ экан-да, ака, – деди. – Ҳеч ким индамаса ҳам, айбини юзига солмаса ҳам, одам ўзини ўзи еб битирар экан. Одамнинг ихтиёридан ташқарида бир нарса бор, у сизнинг айтганингизга бўйсунмайди ҳам, буйруғингизни бажармайди ҳам. Бу – Виждон экан, ака. Ана шу нарса тоғамизни адо қилди. Бора-бора юрагига жабр қилди...

– Унда савобини тезроқ олайлик, Жовлибой! – деди Абдул Носир меҳрибонлик билан.

Жовли Лапасов бош ирғаб маъқуллади ва отнинг биқинига ниқтади.



...Бизга таниш ҳовли. Уч отлиқ. Абдул Носир қизил байтаддан тушгач, Жовли Лапасов энтиқди. Сўнг оҳиста шундай деди:

– Абдул ака, мана шу уй тоғамизники. Сафар ошнам билан гурунғ қилиб чиқаверасизлар, мен сизларни уйимда кутиб тураман. Сафар, – деди у сўнг жиккак одамга юзланиб, – меҳмонни ўзинг бошлайсан...

Домла бу ҳолга лол қолди:

– Ие, Жовлибой ука, бу ёғи неча пулдан тушди? Ўзингиз бошлаб кирмайсизми? Мезбон ўзингиз-ку? – деди таажжубланиб.

– Йўқ, ака, хафа бўлманг, мен киролмайман... – деди Лапасов узрхоҳлик билан.

– Нега?

Лапасов сукут сақлади. Бу пайтда унинг ичини ит тирнаётган эди. Жиккак одам – Сафар отдан тушиб, олдига борди, ундай қилма, ошна, шарт кириб борсанг, меҳмон атойти худо, сени ҳеч ким кўкрагингдан итармас, деди. Лапасов кўнмади. Сафар қайтиб келиб, Абдул Носирнинг ўнгиридан ушлаб, секин чеккага тортиди.

– Ака, уни кўп қичаманг. Барибир кирмайди. Йигирма беш йилдан бери тоғасининг остонасини ҳатлаб ўтмаган.

– Нима учун ахир, ука?

– Янга қўймайди...

– Нимага қўймайди?

– Ие, сўраманг, ака! Аёл зотининг қаҳри келса, шуйтиб-шуйтиб дунёни чаппа қилвораркан-да.



Асал заҳарга, кун зулматга айланар экан. Жовли тоғанинг энг яхши кўрган, оқибатли жияни эди. У ўша қиёматдан кейин тоғанинг шаҳарда қолган иккинчи оиласи билан ёлғиз ўғилчасидан хабар олиб турар эди. Янга буни ҳам билиб қолиб, хонадонидан унинг оёғини бутунлай узган.

– Шунча йилдан бери қариндош-уруғнинг кўзи қаерда? Буларни яраштириб қўйса бўлмайдами?

– Қанийди, ака. Қариндош-уруғ, хешлар қанча уринди. Янгага ялинишган. Ҳеч фикридан қайтмаган. Эҳ-ҳе, қишлоқ кайвонилари, бутун элимиз гапига сўзсиз қулоқ осадиган эшонлар, ҳатто пирларимиз ҳам ўртага тушган. Фойда бермаган. Янга қасамига жуда қаттиқ турган.

Абдул Носир бу гапни эшитгач, қаттиқ ларзага келади. Вазият у ўйлаганидан ҳам мураккаб эди.


– Худо урган хотин экан-ку, унда, – деди ўзига-ўзи пичирлаб. – Бу ерда иззатимиз йўққа ўхшайди унда...

Иккиланиб турди-турди. Бу маҳал Сафар дарвозани тақиллатди. Футсат ўтиб, дарвоза шошилинич очилиб, таниш аёл кўринди...

IV

– Унда хайр! Мен ҳам кетаман... – деди Абдул Носир ва шаҳд билан ортга қайта бошлайди...

Шунда... шунда янга саросимага тушиб, икки ўт орасида қолди: кирсин деса, йигирма беш йиллик адоват ҳали тарқаманган, кирмасин деса, эри ўлим тўшагида. Ахир у неча вақтдан бери полвонлар ҳақида



ёзиб юрган адиб Абдул Носир билан кўришиш истагида уни кутиб, илҳақ бўлиб ётибди. Ҳозир шунча жойдан қадами етган, кимсан эл таниган адибни, тагин меҳмонни остонадан қайтарса, айби чорак асрлик иснод – одамларнинг гийбати-ю, улуғларнинг қаҳрига қўшилиб, елкасидан зил-замбил бўлиб босишини ўйлади. Бу юкни бир муддат ҳис қилиб кўрди. Шу жиянни деб элга яна гап бўлиш, ёмонотлиқ бўлиш нақадар оғир. Энг ёмони эри боягина: «Меҳмон ёлғиз келмайди... Яхши кутиб олинглар» деганди. Гап якунида ихраниб, паст овозда: «Сўнгги илтимосим» дегандай ҳам бўлувди-ю, негадир эътибор бермаган экан: хаста одамнинг одатдаги инжиқлиги деб тушунган экан... Ҳа, эрининг кўнгли сезган, сеза туриб шундай деган. Эҳтимол, у эрининг энг сўнгги истагини бажараётгандир? Йигирма беш йилдан бери сўзида қатъий туриб, ичдан голиблик туйган бўлса-да, эрининг бундан қанчалик эзилиб, азоб тортиб яшаётганини ўз кўзи билан кўриб келяпти-ку?! Эртага элда меҳмонга шарт қўйибди, деган гап тарқалса, нима деган одам бўлади? Шунчаси етмайдими?

Аёлнинг саросимаси ортди. Кўзини чирт юмди, бир томчи ёш қалқиб чиқди. Сўнг:

– Қайтинг, меҳмон!.. – деди. – Майли, уям кира қолсин...

Бу гап худди адирлар бағридан, ҳув олисдаги тоғлар тўшидан отилиб чиққандай бўлди!

Бу пайтда кўча бошига – муюлишга етай деб қолган қора от тақа-тақ тўхтади. Жовли сувлиқни қўйиб юбориб, илҳақ ортга қайтди.



Икки табақали деразанинг бир кўзи қия очилган, дарпардаси икки ёнга илиниб, баҳорий ҳаво кириб турган хонанинг тўрида пастак ёғоч каравотда тоға ётибди. Эндигина олтмишдан ошгану етмишга етмаган тоғанинг ҳолига ҳавас қилиб бўлмайти: кўзининг суви қочган, нурсиз. Мажолсиз танасини аранг қимирлатади.

Хонага биринчи бўлиб Абдул Носир кирди. Тоға ўмганини сал кўтариб, чиройи очилиб қўл узатиб кўришди.

Сўнг... жияни кирди-ю, тоғанинг дийдаси юмшаб кетди, лаби титраб, кемшайиб кетди. Жиян кела солиб, тоғани бағрига босди. Улар ўзини йўқотиб қўйди. Тоға – жиян каравотда ўтирган кўйи қучоқлашиб, йиғлашиб, бир-бирини узоқ вақт бағридан бўшатмай омонлашди...

Кўзидан икки томчи ёш сизиб чиққан Абдул Носир не-не давраларни кўрмаган, не-не воқеаларга гувоҳ бўлмаган эди. Лекин бундай қувончни, дийдорни илк бор кўриб, ичида бир нима чирт узилгандай бўлди.

Сафар ҳам кўзини дастрўмоли билан артди. Нариги хонада аёл кишининг ҳиқиллаб йиғлаётгани эшитилди.

...Номозшом маҳали янга жиккак одамни чақирди:

– Сафарбой, ука, бир совлиқ бор, шуни сўйиб беринг, қозонга босайлик. Акангиз айтганди, эсимдан чиқай дебди шу...



Сафар тоғанинг ишораси билан тоқчада – қинини чанг босган қассоб пичоқни олганча чиқиб кетди.

У кетгач, тоға ичикиб гапирди:

– Абдулжон ука, келиб яхши қипсиз. Анчадан бери бир кўришишни орзу қилардим. Қаранг, дардим энгилашгандай бўлди, ука. Шунча кайвони, ҳатто пирларимиз қилолмаган ишни сиздай полвон ёзувчи уддасидан чиқишингизни билгандим... Янгангиз бир умр мени кечирмаса керак деб ўйлагандим. Бу хотин темирдан ўтган экан. Темирниям эритса бўлади... Отангизга раҳмат, ука, келганингизга бошим кўкка етди. Жияним... Қадамини етказганига шукур. Умрим узайгандай бўлди.

... Дастурхон қуюқ тузалиб, товоқларда қовурдоқ олиб кирилади. Суҳбат ярим тунгача давом этди.

Абдул Носир кетар чоғида тоға бир эскироқ китобни узатди:

– Шунга бир дастхат ёзиб беринг, ука. Эсдаликка...

Абдул Носир китобни қўлга олиб қаради: ўзиники. Полвонлар ҳақида изтироб билан битган қиссаси. Китобнинг у ер-бу ерига қалам билан чизилган, эҳтимол, энг муҳим деб билган жойлари белгиланган эди. Абдул Носир дастхат кўйиб бўлиб, тагига чизилган бир гапни ўқиди. Унда: «Эл манаман деган мансабдор ёки кайвонини тан олмаслиги, менсимаслиги, йўриғига юрмаслиги мумкин. Лекин полвонининг гапини олади. Ҳеч қачон полвоннинг гапини ерда қолдирмайди», деган битик битилган эди.



Абдул Носир жилайди: «Эх, домла, домла...
Ичингиз тўла дард экан-ку!...»

Абдул Носир тоға билан хайрлашаётиб, кўзига қаради: бу нигоҳда тушунтириб бўлмас маъно, илтижоми, йўқ, илтижо ҳам эмас, мунг бор эди. Бу нигоҳ худди ёруғ дунёга эндигина келиб, ҳали тириклик нималигини ҳис қилмасдан бўғзига бўрининг сўйлоғи ботган оҳу боласининг кўзидаги мунгга ўхшарди. Абдул Носир буни кейинчалик, ўша тоға ҳақида ёзган дардга тўла қиссасини эндигина бошлаган чоғда Жовли Лапасов қўнғироқ қилиб айтган шумхабардан сўнг билди: бир ойлик умри қолган одамнинг кўзида ўзи ана шундай маъно бўлар экан, шекилли...

Тошкент, 2016 йил



– Ассалому алайкум, Малика опа! Яхшимисиз?

Бозор айланавериб, силласи қуриёзган Малика шошиб у ёқ-бу ёққа қаради. Бир аёл унга тикилиб турарди. «Менга гапиряптими ё бошқа бировгами?» деб ўйлади-да, жим тураверди. Нотаниш аёл унга қараб яна салом берди. Бу сафар у алик олди.

– Тузалиб қолдингизми, опа? – меҳрибонлик билан сўради нотаниш аёл.

– Ҳа, раҳмат... – деди Малика.

– Ўзи ҳамма тумов бўлиб ётибди, – деди нотаниш аёл. – Қор ёғмаяпти-да, опа, ёғса, ҳамма касалликни бир босиб кетарди...

– Тўғри айтасиз, – деди Малика. У нотаниш аёлнинг кимлиги, қаерда кўрганини эслашга уринса-да, ҳеч эслолмади. Меҳрибонлик қилиб, ҳол сўраб турган одамдан кимсан, деб сўраш эса ноқулай.

– Ишга чиқиб кетдингизми? – сўради нотаниш аёл.

– Ҳа, раҳмат, чиқдим.

– Худбин, кал бошлиғингиз уришмадиларми? – кулди у.

– Йўқ, нега уришарди...

– Анави дугонангиз-чи, Гуля? Куала-Лумпурдан қайтиб келдими ё ҳалиям ялло қилиб юрибдими ўша ёқда?



– Келди, кеча ҳафта келганди... – Малика нотаниш аёлнинг кимлигига тобора қизиқиб борарди. Ахир унинг бошлиғи кал эканини қаердан билади? Дугонаси Малайзияда ялло қилиб юрганини-чи? Бу ерда бир гап бор. Ёки у...

– Сўраш ноқулай-ку, лекин ичим ачиб кетяпти, опа, – деди нотаниш аёл узрхоҳлик билан. – Қизингиз уйига қайтиб бордимиз ё ҳалиям аразлаб, ёнингизда ўтирибдимиз?

«Оббо, бу нимаси бўлди энди? Бу хотин ким бўлди экан-а? Ё янги кўчиб келган кўшниларданмикин? Йўғ-ей, маҳаллага янги одам келса, бирпасда ҳамма билади. Ёки эримнинг таниш-панишимикин? Қайдам... Кимлигини сўрасаммикин? Шошмай турай-чи, нима бўларкин».

Малика жавоб беришга шошилмай, аёлни зимдан кузатди, танишлари орасидан эслашга ҳаракат қилди, лекин хотира ўлгур бу қиёфани ҳеч тополмади.

– Куёвимиз олиб кетди, – деди сўнг синиқ овозда.

– Ҳа, яхши қилибди, опа, – деди нотаниш аёл ним табассум билан. – Шунча ўтирди, куёвингизнинг кўзи очилиб, энди аввалгидай оёқ ости қилмайди қизингизни. Қадрига етадиган бўлади.

«Вой, ўлай, бу хотин куёвимни ҳам танийдимиз ҳали? Ундан чиқди, қизимни неча марта калтаклаб, онаси иккови хор қилганини ҳам эшитган чиқар?»

Нотаниш аёл эса тинмай савол берарди:

– Уҳ-ху, 8-мартда хўжайинингиз совға қилган кўйлак шуми?



- Йўқ, буни ўзим олганман ойлигимга.
- Ия, совға қилмаганмидилар?
- Гул билан пайпоқ обергандилар...
- Ҳа, айтганча, пальтони нима қилдингиз?
- Қайси пальтони?

– Тимсоҳ терисидан тикилган пальтонида? Кирхонага қайтариб олиб бориб, нотўғри дазмол қилиб, яроқсиз қилиб ташлашгани учун пулини ундириб олдингизми?

– Ҳа, уми?... Йўқ, ундиролмадим. Пальтонинг чекини сўрашди. Уни кўшнимиз Салимахон Дубайдан олиб келган, чеки йўқ, дегандим, унда ундиролмай-сиз, дейишди...

– Чакки бўпти-да, опа, шундай қимматбаҳо пальто-я... Эсиз-эсиз, ичгинам ачиб кетди-я...

– Вой, нимасини айтасиз, уларнинг аҳмоқона дазмоллашидан кейин пальтонинг табиий ҳиди кетиб қолди...

Нотаниш аёл тин олди. Қўлидаги сумкани ерга қўйиб, қадини тиклади. Кейин яна сўради:

– Малика опа, яна бир гапни анчадан бери ўйлайман, лекин сизга ҳеч айтолмай юргандим...

– Нима экан? – деди Малика қулоғи динг бўлиб.

– Шу... Ўзингиз биласиз-ку, ҳозир ғийбатчилар ҳам кўпайиб кетган-да. Ҳалиги... Муродхон деган одам билан ростдан ҳам... учрашиб юрибсизми?..

– Вой, ўлай, бу нима деганингиз? – деди Малика аччиғи чиқиб. – Ким у Муродхон?

– Ие, Муродхон ака-чи, сочи узун бухгалтер одам...

– Ҳа-а-а.. Уми? Сиз уни қаердан танийсиз?



– Айтдим-ку, шундай гап юрибди экан. Ғийбатчилар-да...

– Ишонманг, ғийбатга. Мен уни умуман билмайман.

Маликанинг юзи ловуллаб қизимоқда эди. «Одамларга ҳам ҳайронсан, ер тагида илон қимирласа, билади-я...»

– Майли, буларни қўяверинг, опа, – деди нота ниш аёл жиламайиб. – Қалай, янги олган оқ шимингиз қулаймикин?

– Қулай экан, – деди Малика. – Тўй оқшомларига киймоқчиман.

– Қулупнайли торт пиширишни ўрганволдингизми?

– Зўрға ўргандим. Рецептини билсангиз, қийин эмас экан...

– Ҳалиги, ғилай қўшнингиз Зебо сатанг билан ярашдингизми?

– Ҳа... бир ойча гаплашмадик. Ҳозир апоқ-чапоқ бўп кетганмиз.

– Яна бир нарсага ҳеч ишонгим келмаяпти-да, опа. Ўша куни эрингиз ростдан ҳам майкасини тескари кийиб келибдими уйга? Лаббўёгингизни неварангиз еб қўйгани-чи? У ҳам ростми?

Уҳ! Малика ҳайрону лол қолди. Ахир бу аёл ким ўзи? Нега у бунча нарсани билади? Бутун сир-синаотидан хабардор экан-ку? У ёқда ишхонаю дугоналари, бу ёқда Муродхон ака-ю, оқ шим, ҳатто, эрининг майкасини тескари кийиб келгани-ю, неварасининг лаббўёқни еб қўйгани-гача қаердан билади ахир? Жосус деса, жосус



деганлари бундай аҳмоқ одам бўлмайди. Таниш деса, таниш эмас...

– Ростликка-ку, рост, – дея чайналди Малика. – Лекин сиз буларни қаердан биласиз?

– Ҳа энди, опа, биламиз-да...

Маликанинг сабри тугади. Унинг кимлигини билгиси, «шпион» ёки ғийбатчилигини аниқлаб, шармандасини чиқармоқчи бўлди. Ахир унинг бутун сирини билиб, кимларгадир гап тарқатиб юрган ҳам шу хотин бўлиб чиқар? Айтди-я, боядан бери тинимсиз савол беряпти. «Ўзи ҳақида ҳеч нарса демадиям. Бу бекорга эмас. Гап ўғирлаб, яна кўшиб-чатиб, бўрттириб, бошқаларга сасиб юрадиган хотинлар тоифасидан бўлса керак... Шошмай тур сен...»

Малика шундай ўйлаб, секин сўради:

– Узр-ку, ҳурматингизни қилиб, боядан бери шунча саволингизга жавоб бериб ётибман. Мен сизни таниёлмадим? Кимлигингизни билолмадим ҳам...

– Вой, опа, нега ундай дейсиз? – деди нотаниш аёл оғзини ушлаб кулар экан. – Мен Турсунойман. Бўриева. «Фейсбукда» дўстмиз-ку, ахир?! «Друзя»нгизда борман-ку...

Маликанинг юраги «шиғ» этди ва тилини тишлаб қолди.

2016 йил



Тўқсонбосди маҳали эди. Тиловнинг байтаал чопиб бўлса-да, пойга оламан, деб қариллаб юрган пайтлари.

Бўсагадаги ола пўстакнинг устида «хур-хур» ухлаб ётган мушук ёнига тушган чопоннинг шовурига уйғонди; кўзини эринибгина очди, чўзилиб керишди, олд оёғи билан юзини ювди.

– Пишт-ей! – деди хўжайин асабий. – Тур йўқол, кўзимга кўринма...

Мушук мушук бўлиб, хўжайиндан дағал гап эшитди. Хуркиб турди-турди, олазарақ хўжайинига қаради-ю, думини писиб, чиқиб кетди.

Мушукнинг ҳатто миёвламагани ҳам Тиловга галати туюлди. «Бекор қилдим-ов шуни, – деди. – Нима айби бор эди унинг?»

Дўхтирнинг сўнгги гаплари қулоғидан кетма-япти. Энди нима қилади? Хотини ҳам бу ёқда тизиллаб йиғлагани-йиғлаган. Дардини эшитар қулоқ йўқ. Тилов у ёғидан ўтади, аврайди – бу ёғидан ўтади, овутади, фойдаси йўқ, илло, ўзининг ҳам кўнгли гаш. Бу гашлик тобора кучайиб борар, хотиннинг шишиб кетган кўзларига қараб, юраги ачишади; нима қилсин, куйгандан куйиб кетяпти. Хотини юкли бўлиб, кўйлагининг бурмаси кенгая бошлаган маҳали сувчечак тошди. Оғир тошди. Ундан сўнг



боши хасталиқдан чиқмади. Буям етмагандай, беморликдан зада хотини асабий бўлиб қолди-ю, тез-тез жанжал чиқа бошлади.

Дилсиёҳлик ортгандан-ортиб бормоқда эди. Тиловнинг ичига чироқ ёкса, ёришмайди. У хонага ўтади – ўтиргани жой тополмайди, даҳлизга чиқади – туролмайди. Уйқусидаям ҳаловат йўқ. Дўхтирнинг гапларига ишонмай, хотинини синамол бошқасига кўрсатгани олиб борди ҳам. Уям ўша гапни айтди: юкли хотинга чечак чиқса, қорнидаги боласи туғма кўр бўлиб туғилиши мумкин экан... Аппаратга ҳам туширди, мужмал қилишди, аломатлари бордай, дейишди... Билгич эл-халқ ҳам айтди, эшитгани бошини сарак-сарак қилди.

Уч кунки, иккиси ҳам ич-этини еб ётибди. Оғир-оғир, Тиловга оғир бўлди-да. Туғилажак зурриёдини, унинг тақдирини ўйлаб бир эзилса, хотинининг ҳолига боқиб, икки куюди. Манави беозор мушукча ҳам кўзига офат, ажина бўлиб кўриняпти.

Тилов даҳлизга чиқиб, эски бир тайпоқ хонтахта ёнига узалди. Ўнг қўлини бошига тираб ётди-ётди, бўлмади. Хаёли минг кўчага кириб чиқди.

Нега бундай бўлди, Тилов? Ахир ўғилларинг соппа-соғ туғилган эди-ку?! Дуркун бўлиб катта бўляпти-ку? Уруғ-аймоғингда кўр йўқ эди-ку? Ё хотинингнинг насида бормикин? Йўғ-а... Уйланаётганинда ота-онанг етти пуштини суриштирган эди. Яхши эслайсан буни. Аёлингнинг биттагина камчилиги чиққан, Жўлли соқов деган узокроқ бир амакиси бор экан. Суриштирса, уям туғма соқов



эмас экан: бӯзбола пайти Оқсув қишлоғидан тунда ёлғиз ўзи байталида келаётганда олдидан туйқус бир шарпа чиқиб, отни ҳуркитган, байтал ўзини қирга уриб, уни ташлаб қочган, зумда ғойиб бўлган сирли шарпадан қаттиқ қўрққанидан бир муддат буткул тилдан қолган, кейинчалик сал-пал дудуқланиб, гапира бошлаган, энди тузалай деганда, одамларнинг масхаралаб, устидан кулавергани туфайли уятдан яна гапиролмай, баттар тилдан қолган экан. Соқовлик-ку насл сурмайди. Лекин...

Унда нега бундай бўлди, Тилов? Боланг ногирон туғилса, бир умр ўзингни айбдор ҳис қилмайсанми? Хотининг-чи? Болангнинг ўзи-чи? Айбдор эмаслигингни қандай тушунтирсан? Ахир у...

Эсла, нимадир хатойинг бор сенинг. Хотирингдан ўчгандир. Ё тақдирга тан бериб яшайсанми? Йўқ, ундай қилолмайсан. Ногирон болага қарашга юрагинг дов бермайди. Ахир ўзинг кўзи ожизликнинг нима азоб-уқубат эканини яхши биласан-ку...

Ана, хотининг ёстиқни жиққа ҳўл қилиб, нариги хонада ётибди, болаларинг ташқарида қий-қириб ўйнаб юрибди. Сен бўлсанг бу ерда... ўпканг тўлиб ўтирибсан. Майли, ҳеч бўлмаса, ҳозир, ёлғиз пайтингда бир бўшашиб ол. Ўкириб-ўкириб йиғласанг ҳам майли, ҳеч ким эшитмайди барибир. Шум хабар ҳаммани карахт қилиб қўйган, сени тушунишар.

Алам қилди. Кўзи йилтилади. Нимадир ичидан қуйилиб келди. Бўғзи ачишди. Киприклаари оҳиста уланди.



Э, воҳ! Кўзи юмилиши билан неча кундан бери ўйлаб ўйига етолмаётган одамнинг хаёлида яқин ўтмишидан – талабалик йилларидаги бир манзара чақиндай чақнаб ўтди.

...Етаклашиб келаётган икки йигитни ҳамма қиёматлик дўст, дерди. Қурбонжон оқибати бўйидан баланд Тиловдек ошнаси борлигидан терисига сигмай юради. Нима қилсин, Қурбонжон – ногирон. Кўзи ожиз. Дунёни нинанинг тешигидан мўралаганчалик ҳам кўролмайди. Унинг кўзи – Тилов.

Тилов деганлари у пайтларда жуда бамаъни йигит эди. Новча, буғдойранг, кўзлари қисикқина сертавозе бу йигитни мисоли Ҳотамтой дейсиз. Ҳар ерда ҳар кимнинг ҳожатини чиқариб кетаверади. Бировнинг дилини оғритмайди. Сочини калта кузаб, доим мовий бўйинбоғ тақиб юради. Елкасига каттагина сумкани осволганча тиним билмайди. Ўқиш, иш деб, оёғи олти. Бутун курс уни яхши кўради. Одамшинаванда-да Тиловбой. Елкаси йўқ айримлар: «Зарилга – зарил, Тиловга нима зарил буларни тақимига босиб юришнинг?» дея ғайирлик қилгиси келар, Тилов эса бундай гапларга парво ҳам қилмасди. Ота-онасининг арзандаси бўлиб юрганлар дўстлик нималигини қаердан билсин, ахир.

Манá, ҳозир ҳам у Қурбонжонни етаклаганча дарсга кириб келиши билан курснинг юзи ёришиб кетгандай бўлди. Фақат бурун-қулоғигача тук босган фалсафа ўқитувчиси Махсумов домлагагина бу кечикиш хуш келмади. Қовоғини осиб, минғирлаганча ўтиришга изн берди.



Тилов Қурбонжонни ўрта қатордаги партасига ўтирғизиб, ўзи ёнига чўқди. Қурбонжон пайпаслаб сумкасидан брайл ёзувидаги китобини чиқариб, парта устига қўйган эди ҳамки, елкасига кимдир «гурс» этказиб урди. Қурбонжоннинг юраги қинидан чиқаёзди.

– Бугунги байраминг – Халқаро ногиронлар куни билан табриклайман, ошна! – деди қўл ташлаган шивирлаб. – Бундан ҳам баттар кўр бўлиб юргин!

Бу яна бир яқин дўсти Беҳзод эди. Уям ногирон, қисматдош. Бироқ иккиси ҳам илмталаб, беҳад қувноқ йигитлар. Шундай ҳазил-латифалари борки, эшитсангиз, этингиз жимирлаб, ҳайрон қоласиз. Ҳозиргина эшитганингиз табрикнинг оҳангги ўзгармайди ҳеч...

Қурбонжон ҳам бўш келмади:

– Сениям табриклайман, «шахло»! – деди шивирлаб.

Улар илк бор танишуви чоғида бир-бирига қараб: «Кўзларингиз мунча шахло экан...» деганини кейинчалик эшитиб, курсдошлар роса кулган.

Ҳозирги ҳиринг-ҳиринг ҳам бежиз эмас эди. Баъзан бу икковлон бир-бирининг оёғини атай босиб олиб, жўрттага қаттиқ чинқириб қолишарди. Тагин кўнглига ҳазил ҳам сиғарди буларнинг.

– Кўзинг кўрми? Нега оёғимни босасан? – дея бақиқарди Қурбонжон ёлғондан.

– Ўзингнинг-чи? Ғилаймисан, мен босмадим-ку? – дерди «Шахло» ҳам пўписи қилиб..



Иккови кўзининг пахтаси чиқиб, тергаб, туртиб-суртиниши тингунча ҳамма қорнини уқалаб куларди. Уларнинг феъли-хўйи ҳаммага маълум, ҳеч ким ажабланмайди, қайтанга завқ-шавқ билан кўшилиб куларди. Бундай чоғларда айниқса Тилов яйраб кетарди. Қурбонжоннинг елкасига қоқиб, яша, жўра, яша, дерди кўзларини ишқалаб. Сўнг тирсагидан тутиб, шошилинч аллақаерларга кетиб қолишарди. Эртасига дарс маҳали Қурбонжон оғзи тўлиб мақтарди.

– Жон дўстим бу – Тилов. Ҳар куни институтга олиб келиб, олиб кетади. Кеча ҳатто бозорга тушиб чиқишим керак, дегандим, обориб, уйимга ташлаб кетди. Шундай оқибатли дўстларимиздан айирмасин-да, ишқилиб, – дея шукрона келтириб қўярди.

Қурбонжоннинг мақтанганича бор. Тилов қарга борса, уни етаклаб кетади. Кино, театр, бозор, ҳатто кези келганда, хеш-қариндошларининг тўйигаям, маъракаларигаям ҳамроҳ қилади. Бунга Тиловнинг таниш-билишлариям кўникиб кетган, етакласа, бир бечора ногиронни етаклабди-да, савоб ҳам керак, дея ундан мамнун бўлишарди. Гоҳ Қурбонжон, гоҳида «Шаҳло» билан етаклашиб, чақчақлашиб юрган Тилов кўча-кўйда ҳам одамларнинг раҳмати, олқишини олар, бундан кўнглида ўзгача завқ ҳам туярди.

Ана шундай кунларнинг бирида Тиловга кўнглироқ бўлди. Қишлоқдош-синфдоши туғилган кун қилаётган экан. Тилов ўйлади-ўйлади, охири Қурбонжонникига йўл олди. Унинг истиҳоласини эшитиб



ҳам ўтирмади, бирга бора қол, ўзимнинг қишлоқ-дош жўрам бўлади, сениям таништириб қўяман, бир яйраб келасан, дея қўярда-қўймай етакламоқчи бўлди. Қурбонжон оёқ тираб олди, нотаниш бўлса, мен нима қиламан у ерда, ошна, ортиқча гап-сўзга қоласан ўзинг, менинг туришим бу бўлса, деди. Тилов Қурбонжоннинг истиҳоласини тушуниб турган эса-да, ёлғиз боришга унамади. Ранжиганнамо тутди ўзини. Йўл-йўлакай, «Шаҳло»ни ҳам ҳамроҳ қилишни айтгач, Қурбонжон рози бўлишдан ўзга чора тополмади.

Туғилган кун соҳиби кўримсизгина, афтидан талаба зотигина яшаши мумкин бўлган харобгина ҳужра эшигини очар экан, бир Тиловга, бир унинг ёнидаги ногирон йигитларга қаради, сўнг шошилинч ичкарига манзират қилди.

Тилов ҳамроҳларини, кейин дастурхон атрофида ястаниб ўтирган мезбоннинг ўн чоғли дўстини бир-бир таништириб чиқди. Дастурхон одмигина тузалган бўлса-да, фойзли эди. Ноз-неъматлар етарлича, бир-икки «бўйни узун»дан ҳам кўриниш бериб турибди.

Гурунг авжига чиққанда, Қурбонжонга, азбаройи даврага яқинлик ҳиссини уйғотиш учунми, ҳарқалай, жон кирди. Тилов ҳақида жуда оҳорли таърифлар берди. Мақтовга «Шаҳло» ҳам орасира қўшилиб турди. Ҳожатбарор, шинаванда дўстини киши билмас мақташди. Эшитганлар ҳали-ҳамон оқибат, дўстлик деган нарсалар борлигини айтиб, шивир-шивир қила бошлашди. Бунинг шарафига қанча-қанча пиёлалар жаранглаб кетди.



Бир маҳал Тиловнинг қўл телефони жиринглаб қолди. Кайфи тароқ Тиловбой, тоғлик эмасми, худди отасининг «Боғи эрами»да юргандай, бутун маҳаллани бошига кўтариб, гаплашди:

– Ало? Нурмат? Сенмисан? Ҳа, нима гап? Нега кўчада қоласан? Қаерда? Ҳа, йўлкирага пулинг қолмадими? Ие, узр, жўра, мендаям шу аҳвол, ҳемирим ҳам йўқ эди-я...

Кейин Тилов даврага бир кўз югуртирди-да, муҳим бир махфий гапни айтмоқчидай, туриб, на-риги хонага чайқала-чайқала чиқди. Қўли билан оғ-зини маҳкам пана қилиб гўшак учини бекитди, жуда паст овозда шивирлади:

– Нурмат, жўра, манзилни айтаман, шу ерга кел-гин, бир иложини қиламиз. Пул чиқмаса, ана, ёнимда иккита ногирон курсдошим бор. Танийсан уларни. Шулардан биттасини етаклаб кетасан. Автобусга ҳам, метрога ҳам пул тўламайсан... Етакловчисиман дейсан, бўлди. Уларни етакловчиларгаям «льгота» бор-да... Вой-бу, нега тирик товон бўларкансан? Ичингни оғритадими текин улов? Ўзи биттасининг даҳмазасини ўйлаб, қандай қилиб уйига обориб қўй-сам экан, деб турувдим. Келақол энди, ошна?..

Тилов кўзлари сузилиб, телефоннинг қизил туг-масини босди. Хаёлан доим пулга дориқиб, қарз сўраб юрадиган бечораҳол Нурматни кўз олдига келтирди.

«Хайрият, – дея ўйлади. – Яхшиям, шу инвалид курсдошларим бор. Уч йилдан бери ўқишгаям, иш-гаям, бозоргаям текин бориб юрибман... Ҳам савоб, ҳам текин улов, дегандай...»



Тилов бизга таниш базм дастурхонига қайтиб кирганида, Қурбонжон ҳалиям у ҳақида, одамгарчилиги тўғрисида мамнун бўлиб сўзлаб ўтирган эди...

Мана, Тилов ўша оқшомдаги гапларни куни кеча бўлгандай аниқ-тиниқ эслади. Икки ногирон ошнасининг мақтовлари мойдай ёқиб тушгани, мезбон жўраларига кўзини қисиб, қара, қандай савоб ишлар қилиб юрибман, дегани, мастлик экан, камига ногирон йигитларнинг ҳар бир гапини қўл ишоралари билан кўрсатиб, калака қилгани, кўчадан пулсиз қолиб, ижара уйига етолмай қолган Нурматга «жонли текин йўл чиптаси» – «Шахло»ни кўшиб юборгани – барча-барчасини хотирлади.

«Эҳ, нодон! – деди хўрлиги келиб. – Аслида мен, ўзим кўр бўлган эканман... Савобим бир танга, гуноҳим минг танга бўлган экан-ку. Жазоимни бердими энди?»

Қурбонжон! Беҳзод! Биламан, ўша пайтлар менинг нобакорлигимни билгансизлар, сезгансизлар... Нега мен аблаҳнинг бетимга тупурмадинглар? Билмаган бўлсанглар-ку, яхши, лекин нега мен бундай эдим? Энди, мана, ўзимнинг ҳам туғилажак боламнинг кўзи... йўқ, айтишга тилим бормаяпти. Э, воҳ, нега ахир? Сизларни яхши кўришим ҳақиқат эди. Лекин кўнглимнинг бир четида барибир устингиздан озгина кулгим келгани, сизларни етаклаб, одамлар кўзига яхши кўрингим, доим сизлардан фойдалангим келганини ҳеч кимга айтмаганман, айтолмаганман-ку?! Ие, нимасини айтай, жўралар! Ўтган умр ҳам отилган ўйдай гап экан, ҳеч нарсани ортга қайтариб бўлмас экан...



Елдим-югурдим. Бизнесмен танилдим. Қаранглар, шунча ўзгарибман, бизнес қилибман. Ўйласам, сизларни ҳам бизнес қилибман-а... Ай, мен ўзимни одам санаб юрибман-а...

Тиловнинг елкаси силкиниб-силкиниб, юзини болишга қўйди.

...Ойи-куни битиб, инграб, хотини белги берди. Тиловнинг ўпкаси тўлиб, онасини қўшиб, тоғ-тош оралатиб, Морсаройга олиб борди.

Кўк халат кийиб, хонага кириб келган ўша – боланинг тақдирини айтган дўхтирдан ҳам, новча доядан ҳам кўзини олиб қочди...

Аёлини дўхтирларнинг қўлига топшириб, икки кўзи ерда, индамайгина чиқиб кетди. Туғуруқхона атрофида қуюқ дарахтзор тагидаги ўтирғичга чўкди. То тунга қадар жилмади. Кўнглидан ўтганини ёлғиз ўзи билди.

Бир маҳал тунги чироқ ёруғида шовқин солиб бир шарпа пайдо бўлди.

– Бўриеванинг эри сиз эмасми, ака? – дея сўради ҳамшира қиз.

Тилов жон ҳолатда ўрнидан туриб кетди.

– Менман!.. – деди қалтираб. – Нима бўлди? Тинчми?

– Тинч бўлганда-чи! Табриклаймиз! Ўғил-а! – деди жилмайиб. Унинг жилмайиши хирагина тунги чироқ ёғдусига қўшилиб, бутун борлиқни ёритиб юборгандай бўлди. Бироқ Тилов ҳамон жим турар, суюнчиталаб ҳамшира эса табассум билан, ортиқ гап айтолмай, ундан жавоб кутарди.



Бир туки ўзгармаган Тилов хомуш, гўё аза тутатгандай, ҳамширанинг қўлига озроқ тутқазганча, оғир қадам босиб, туғуруқхонага қараб юриб кетди.

Йўлақда бояги икки шифокорни – пешонасидан реза-реза тер чиқиб турган доя ва дўхтирни учратди.

– Дўхтир, аёлимиз яхши қутулиб олдимиз? Чақалоқнинг... тўрт мучаси соғми? – деди зўрға бошини кўтариб.

Дўхтир жилмайди.

– Ука, – деди. – Ҳеч хавотир олманг! Она-бола соппа-соғлом! Баъзан дўхтир ҳам адашади... аппаратни ҳам одам яратган...

Тиловнинг юраги дуккиллаб уриб кетди.

«Хайрият! – деди. – Ўзинга шукур, Худойим! Беадад шукур..»

2015 йил



Ўша гал қишлоққа борганимда тўс-тўполон, кий-чувнинг устидан чиқдим. Ҳамсоялар тўпланган, ҳаммасининг кўзи бежо, бесаранжом, бири олиб – бири қўйиб бақирар, асабийлашар эди. Бу шовқин эса, турган гапки, бутун қишлоққа тарқалиб, эшитган борки, бир нимадан куруқ қолгандай, йўртиб келарди. Аксар ҳовли дарвозалари, пастқам деворлардан рўмоллар ҳам мўралаб, тўполонни томоша қилар эди. Берироқда бир тўда болакай, чамаси, издиҳомга боришга юраклари бетламай, ҳадиксирабгина турарди. Болалар: «Амаки, пичоқлашиш бўляпти», дейишди. Юрагим орқага тортиб кетди.

Тўрвамни дарвозамиздан ирғитдим-да, ўша томон югурдим. Оломон доира ясаб олган, суқилиб кириб қарасам, ўртада бир сигир ва эшак чўзилиб ётибди. Говмиш чала-ярим сўйилган, қорни ёрилган, қон оқяпти. Ҳангининг ҳам биқинидан қон сизиб ётибди; тупроқ усти қип-қизил ҳалқоб.

– Буларга нима қилди? – деб сўрайман ёнимда турган ҳамсоямиз Тўра акадан.

– Шоди бува ўроқ билан сопти-да, – деди у кулоғимга шивирлаб. Ўрганиб кетганмиз, Тўра ака ҳар гап охирига «да» қўшиб гапирди.



– Нимага? – дейман ҳангу манг бўлиб.

– Бўрон жандачининг моли Шоди буванинг деворини шохлаб, бир қулочини ўпирибди-да. Шоди буванинг аччуви келиб, жандачининг чўпон неварасига ўшқирибди-да. Гажир бола гап қайтариб, сўкиб қочган экан, молини «ғийқ» қипти-да, – деди Тўра ака лабининг бир четини чучайтириб, тишини ғалати ғичирлатар экан. – Буванинг ўзи сигирни ўроқ билан зўрға ҳалоллаб олибди-да. Жандачи бува келиб қасдига Шоди буванинг эшагини сўйибди...

Товба, буларни нима жин урган ўзи? Нега шунчаликка боришди экан? Бундай «қотиллик» ка нима мажбур қилди экан уларни? Қарасам, жандачининг ҳам, Шоди қоранинг ҳам уст-боши қон, ваҳимали одамга айланиб қолган.

Можаро сабабини ўйлаб, хаёлимга келган биринчи тусмол ҳув анави тор кўча бўлди. Нафақат бу ўртада, балки дунёдаги энг тор кўча қаерда десаңгиз, кўзимни юмиб ҳам топиб бораман: бу бизнинг Кемирчак қишлоғимизда, Ботир муаллим билан Шоди қоранинг ҳовлисини ажратиб турадиган мана шу кўча! Мисоли қилкўприк дейсиз. Эни ярим қулочгина-ей. Бу кўчада икки одам қарама-қарши келиб қолса, бири ортига қайтиб, иккинчисига йўл бериши лозим. Бўлмаса, ё устидан учиб ўтишга тўғри келади ёки оёғи тагидан эмаклаб.

Аслида Кемирчакда тор деган томорқа-ҳовли ҳам қарийб ярим гектар келади. Ерим танг деб зорланадиган мардумнинг ҳам ҳовлиси Бухоро амирларининг саройидан кенгроқ. Қизик, тўрт томони



ййдоқ, экинзору дала-дашдан иборат шундай кенг-мўл қишлоқда нега бундай тор кўча пайдо бўлиб қолган, ҳайронман.

Одатда қаергадир шошиб турган одам ноқулай, ўнқир-чўнқир бўлса-да, яқин йўлдан юради. Биз ҳам болалик пайтимизда шу «қилкўприк» кўчадан кўп ўтардик. Бу йўлда, боя айтганимдек, икки одам рўпара келса, бири ортига қайтиб, ўтказиб юборади. Кичиклар – катталарни, аёллар – эркакларни. Лекин баъзан отли-эшаклилар ҳам йўл солиб қоларди-да. Агар от ва эшак рўпара келса, доим отлиқ йўл бўшатар эди. Сабаби эшакнинг юриши қийин.

Биз кўпинча шу ердан ўтаётганда, эшакни ўз майлига қўйворганча, эгарда тик туриб, девор оша тарвақайлаб кетган дарахтларга қўл чўзардик. Чап тараф – Шоди қоранинг олхўрисида, ўнг тараф – Ботир муаллимнинг олмасига узалиб, мева териб ўтардик. Даштга кетаётганда ҳам, қайтаётганда ҳам шу аҳвол эди. Бундай «қароқчилик»ни кўриб қолишса-да, деворнинг икки томони ҳам индамас, ўзимизнинг ҳамсоя болалар-да, деб қўйишар эди.

Даштдан ҳориб келаётган подачи болалар молининг йўлини шу кўчага буриб юборар, бутун қишлоқни чанг қошлар, ҳеч ким пода йўлини тўсмас, моллар ҳам бир-бирини деворга қисиб, шаталоқ отиб югуриб ўтар, тек ўтиш қайда, атай қилгандай, келиб-келиб шу торгина кўчада тезак ташларди. Бирпасда ҳамма ёқни тезагу қий ҳиди тутиб кетар, пиёдага оёқ босгани жой қолмас эди.



Шамол Ботир муаллим томондан эсса, қий ҳиди Шоди қораникига, Шоди қора томондан эсса, Ботир муаллимникига таралар, бу пайтда кўпинча ҳар ик-кисининг ҳам аҳли аёли, келинлари поданинг қайтар маҳалини кутиб, у ўтиб кетмагунча ҳовлига сув ҳам сеполмай, гилам ҳам тўшаёлмай ўтиришарди. Туёқлар товуши тиниб, чанги босилгач, райҳонлар устига бир челақдан сув сепиб юборишар, унинг иси таралиб, хушбўйи димоққа етгачгина ҳамсоялар оиласи жамул-жам, соя-салқинда овқат сузиб, косага қошиқ урарди.

Шундай чоғларда икки ҳамсоя ҳам хув минг йил-лик бир воқеани – аразлашиб, «ора очди» қилиш учун элнинг кўча ҳақиға хиёнат қилиб, басма-басига шу деворларни тиклаб, дунёни тор қилганини эсла-шар, ичида ҳали-ҳамон бир-биридан қаттиқ гинадор бўлса-да, ҳеч тилга чиқаришмас эди.

Мана, биқинига ўроқ тортилган сигирнинг устида Шоди қора хафа, миясида минг ўй билан турибди. Ёнида Ботир муаллим, ўнг томонида си-гирнинг эгаси Бўрон жандачи газабнок қиёфада. Жандачи ҳар замон – ҳар замонда эшакка – неварасидан эшитиши билан югуриб келиб, жаҳл устида ўзи биқинига пичоқ урган Шоди қоранинг эшаги жасадиға қараб-қараб кўяди.

– Ҳамсоя, бўлди энди, айб менда, дедим-ку, – тавалло қилди Шоди қора. – Молингизнинг пулини бераман. Беролмасам, жон бошига жонлиқ оласиз. Хўш денг, энди?

Бўрон жандачи ўлгудай қайсар, хасис бўлса-да, ичида кири йўқ одам эди. Жандачи Шоди қорадан бир-икки ёш каттароқ, сенсираб гапирди:



– Бекор айтибсан, ай қора! – деди. – Энди бу кўчада биров – тождор, биров – бождор бўп қолдимиз? Менга сенинг садақанг керакмас.

– Садақа деётганим йўқ-ку, ҳамсоя, – деди Шоди қора. – Мол ўрнига мол деяпман...

– Йўқ, бундай гап кетмайди! – овозини баландлатди жандачи. – Мен сен билан мелисада гаплашман!

Бу гап Шоди қорага ўтиб кетди. Рапидадай келадиган бети қизарди. «Икки ҳамсоя арзимаган мол учун мелисалашиб юрадими энди?», дея ўйлади. Жандачининг юзинг-кўзинг демаётгани, минг йиллик ҳамсоячилик орасига мелисани тикиб, дарз кеткизаётгани алам қилди:

– Эй, жандачи! – дея бақирди. – Менга деса, «налоговой»га бормайсанми? Авлиёси келсаям, дабдала қип ташлайман лекин!

Одамлар кулди. Шоди қора дунёда бир кучни билади, тан олади: бу солиқчилар! У солиқчиларни мелисадан ҳам, прокурордан ҳам кучли, деб ўйлайди. Ҳув баққоллик қилиб юрган замонлар майда-чуйдасининг ёнида яширинча ароқ ҳам сотган, дейишади. Қайсидир байрам арафасида бозор яқинида – ёймада ароқ пуллаётганида солиқчилар таппа босган. Мастон лофчи танглайини кўтарган бир-икки гулдироқнинг айтишича, қорани машинага тикиб, олиб кетишган. Машинага чиқаётиб, жандачи одамларга бақирган: «Бола-чақамга айтинглар, қамалиб кетсам, кутсин», – деган. Анча вақт овора қилишган, бор-будини шилиб, тавбасига таянтириб, қўйиб



юрборишган. Шу-шу солиқчи деса, лабига учук тошади.

Ўзи Бўрон жандачи Шоди қоранинг ҳамсоячиликини ўртага қўйиб айтган гапларига сал кўнгила тўшаб турибди. Бироқ мол аччиги – жон аччиги. Ерда ётган сигири эндигина соғинга кирган, уйда қашқа бузоқчаси қолган эди. Яна бу сигир... Жандачи шуни ўйлаб, ҳеч кимнинг тасаллиси қулоғига кирмаяпти. Ичи ёниб кетяпти.

– Сени ҳамсоя деб иззат қил турсам, – деди жандачи куйиб. – Одаммас экансан-ку... Шу пайтгача индамаган бўлсам ҳам, энди кўрасан... Мелисага бермасам, жандачи эмасман!

У шундай дея шахт билан одамлар орасидан сирғалиб чиқмоқчи бўлди. Оломон йўлини тўсди.

– Оғир бўлинг, Бўрон ака! – деди Ботир муаллим жандачини чопони ўнгиридан тўхтатиб, елкасига қўлини қўйганча. – Уят. Элчилик, ҳамсоячилик бундай бўлмайди.

– Бу гапингизни манави жон ҳамсоянгизга айтинг, домла! – деди жандачи дарғазаб бўлиб. – Ўзи сиздаям айб бор, домла. Худди Худо қисгандай, девор солгансиз.

Муаллим тилини тишлади.

– Боринг! Боринг, ўша шапкалиларингизга! – деди Шоди қора ўдагайлаб.

– Бораманам! – ўчакишди жандачи. Сўнг зарда билан қўшиб қўйди: – Мен битта гапираман!

Бўрон жандачи муаллимнинг қўлидан юлқиниб чиқди. Муаллим, Рўзи кўр иккиси яна куч билан тутиб қолди.



– Нимага бунча ўзингдан кетасан, Бўрон! – деди Рўзи кўр. – Мелиса-пелиса қилиб юришга уялмайсанми? Шунча ҳамсоя турганда-я? Биз ҳали ўлганимиз йўқ-ку?!

Ҳа, Рўзи кўрнинг гапи ўткир бўлди. Эсини киритгандай бўлди.

«Тўғри, Бўрон бува!», «Рўзи ака рост айтяпти», – деди оломон. Жандачи тўхтади. Одамларга қулоқ илди.

– Менга қаранглар! – деди Рўзи кўр. – Мелиса нима қилади? Бировингнинг олдинга тушиб иккинчингнинг уйингни куйдириб юбориши мумкин. Мен эса, ҳаммангни бир кўзда кўраман!

Оломоннинг тунд юзи ёришди. Чунки Рўзи кўр бисотидаги мана шу ягона кўзи билан ҳамма-ни бирдек кўришга мажбур ҳам эди-да. Болалигида чап кўзи оқиб тушган, ўша пайтда эл Рўзи кўр деб атаган. У ҳам бунга ўрганиб қолган, ҳеч кимдан хафа бўлмас эди.

Қишлоқда Рўзилар кўп, лекин Рўзи кўр битта. Ҳамма уни танийди, кайвони бўлиб ном чиқарган. Ҳатто, бир гал қайсидир шоввоз тўй қилганида, шошганиданми ё азбаройи эътиборсизлик қилибми, тўйхатга «Ҳурматли Рўзи кўр ака» деб ёзиб, шахсан ўзи молбозорда қўлига тутқазиб кетганида ҳам ўпкаламаган. Кулиб қўйиб, тўйига борган.

Одамлар ҳозир, эҳтимол, ўша воқеани эслаб, гапига қулоқ солиб тургандир.

– Ҳозир ҳаммасини ўзимиз ҳал қиламиз, Ботир домла, бери келинг-да! – деди Рўзи кўр одамлардан сал нарига ўтиб.



Ботир муаллим боргач, бир нималарнидир айтди. Муаллим жим туриб эшитди ва бош ирғаб тасдиқлади. Сўнг:

– Шоди ака, Бўрон ака, сизлар ҳам мундай келинлар?

Иккови ҳам бир-бирига ўқрайиб, истар-истамас қадам ташлашди.

– Эса гап бундай, халойиқ! – деди Рўзи кўр бирпасдан кейин тантанавор оҳангда. – Бўлар иш бўлибди. Жанжалу «сен-мен»нинг кераги йўқ. Фойда билан зарар хуржуннинг бир кўзида бўлади, ўртоқлар! Масалани оддийгина ҳал қилиб кўяйлик. Ботир муаллим ҳам шундай деяпти. Хуллас, ҳозир Шоди бува ҳалоллаб улгурган манови молнинг терисини шилиб, гўштини нимталаймиз. Ҳамма ўз қулоғига яраша, рўзгорининг эҳтиёжига қараб, олсин. Шуйтиб буларга ёрдам бермасак, ҳамсоачилигимиз қаерда қолади? Пулини шомгача етказасизлар энди. Хўпми?

– Хўп, Рўзи бува, хўп! – деди томошаталаб одамлар. – Маслаҳатни марддан сўра, деганлар, бува, албатта етказамиз!

– Сизлар нима дейсизлар? – деди Рўзи кўр жанжаллашаётган тарафларга юзланиб. – Маъқулми?

– Бўлмайди! – дея тажанглашди Бўрон жандачи норози бўлиб.

– Сабаб? – сўради Рўзи кўр.

– Рўзи ака, тушунинг, менга барибир эди, лекин...

– Хўш-хўш? Нима «лекин»?

Жандачи пастроқ товушда деди:



– Бу соғин сигир, билсанглар агар, уйимга қайтиб келиб ўтирган кенжа қизимники эди... Тирик етим неварамнинг оғзи эндигина оққа етган эди. Уларга энди ўнта соғин сигир олиб берсам ҳам, пулини ўн чандон ортиғи билан йиғиб берсангиз ҳам татимайди. Бўрибой неварагинамнинг яхши кўрган моли эди-да. Энди унга нима дейман...

Бўрон жандачи бу гапни айтаётиб, овози титраб кетган. Шоди қора эса гап нимадалигини англади. Таъсирланиб, кўнгли юмшади.

– Бошидан шундай демайсизми, ҳамсоя? – деди. – Мен сизни бир туёқ учун тиррақилик қияпти деб, хафа бўлаётган эдим.

– Ие, қўйсанг-чи, – дея қўл силтади жандачи. – Сен билан гаплашгим келмаяпти...

– Менга қаранглар, – деди Ботир муаллим ўртага тушиб. – Рўзи бува тўғри қияпти. Аслида бу тор йўл, кўча ҳаммамизники, ҳамсоя. Шунинг учун, деворимни йиқитди, молимни сўйиб ташлади, деб хафалашиб ўтиришимиз ярашмайди. Болаларимиз, невараларимиз катта бўляпти, уларни бир-бирига адоватли қилиб, бегоналаштирмайлик. Элнинг яхшисиям, ёмониям ўзимизники. Бугун шу йўл учун қон чиқардик, деб ҳисоблайлик, тамом. Ҳамсоя, неварангизни ўзим кўндираман, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин!

Бўрон жандачи бир муддат ўйланиб турди. Муаллим – муаллим-да, гаплари жўяли туюлди. Сўнг:

– Ҳай, майли, нима бўлса, бўлди энди, – деди.

– Хўш, унда менинг ҳангим-чи, ҳангим? Уни нима қиламиз? – сўраб қолди Шоди қора хавотир билан.



– Қўрқма, ўрнига ўзимнинг оқ ҳангимни бераман! – деди Бўрон жандачи.

– Бўлмайди! – деди Шоди қора. – Менинг ҳангим йўрға эди. Сизники йўртоқи.

Ҳамма кулди. Рўзи кўр яна томоқ қирди:

– Ҳой, Шоди қора, мунча майдалашасан энди?

Шоди қора индамади. Ўзларинг биласизлар, дегандай қўл силтади.

Ажрим Рўзи кўр айтганидай бўлди. Ботир муаллим билан бир уринишда бечора жонлиқнинг гўштини нимталаб, тарқатишди.

Элнинг раҳми келса, қуриган қўл тўлармиш, эл ният қилса, қирлар тоққа айланармиш. Эл жандачига ачинди. Унинг рўзгори бузилиб, ота уйига келиб ўтирган қизига, муштдай неварасига раҳми келди. Бир кило гўшт олганлар бир ярим килонинг, икки кило олганлар икки ярим килонинг пулини келтириб берди. Бирпасда соғин сигирнинг пули йиғилди.

Бўрон жандачи қанча хасис бўлмасин, бугун мард кетди. Сигирининг пулини хаёлида бозор нархида бичиб кўрди-да, бир дастасини Рўзи кўрға қайтарди:

– Буни Шодига беринг! – деди қатъий оҳангда. – Девори йиқилди. Ҳангисиям йўрға эди...

– Йўқ! – деди Шоди қора қўлини пахса қилиб. – Ўзингизнинг ҳақингиз у. Бизники бир ҳаром ҳайвон-да... Неварангизга велосипед обераисиз ҳеч бўлмаса...

Воҳ! Қаҳр меҳрга айланди, жанжал биродарликка!



Қишлоқ бу жанжални, «қирпичоқ»ни гурунғ қилавериб, зерикди. Бугун кўп-да тилга олавермайди, албатта. Бироқ эсдан ҳам чиқармади.

Мен эса...

...Ўзи бу воқеа нега ҳозир эсимга тушиб қолди?

Сизга ҳам айтиб бердимۇ нега хаёлимга келиб қолгани қизиқ бўлди. Ҳикоя қила туриб, рости, ўйладим: бир пайтлар шу торгина кўчадан ўтганда дунё ҳақида, фақат хаёлимдагина гавдаланадиган буткул ўзга олам ҳақида хаёл сурардим. Эшак устида олма узардим – хаёлга чўмардим, олхўрига узалиб – ўйга толардим. Айқириб-айқириб оқаётган дарёлар, тубсиз, чек-чегарасиз уммонлар, осмонга бош суяб турган тоғлар, сарҳадлари дунёнинг нариги четига туташган улкан шаҳарларни бориб кўришни, икки эни бир тош келадиган озода йўлларда юришни орзу қилардим. Бундан завқланардим.

Бугун-чи?

Сочимга оқ оралаб, элликка яқин юртни кезиб, дунёнинг ажиб синоатларини, манзилларини кўрган мендек одам ўша болалигим ўтган кўримсиз, пахса деворлари нурай-нурай деб қолган, эчки-улоқ, қўй-қўзи тирғалавериб, эшак-от жабдуғи тегавериб, деворлари ширғай бўлиб кетган торгина кўчани соғиндиммикин? Болаликдаги каби бир бора ўша йўлда оёқ яланг бўлиб юришни кўнглим тусадиммикин? Аллақачонлар ёруғ дунёни тарк этиб кетган Шоди қора, Бўрон жандачини нега хотирлаб қолдим? Ҳозир қариб, мункиллаб қолган бўлса-да, кўча-кўйда кўришганда ҳалиям «Ҳа, амаки, бормисиз?» дея доим ширин гапирадиган Ботир муал-



лимни, элнинг хизматини қилиб чарчамаган Рўзи кўр бувани эслаб қолганим боиси нима?

Қаранг-а, ўша тор кўча ҳақида сизга ҳикоя сўйлай туриб, энди андак истиҳола ҳам қиляпман: тор кўчамизни борича, ўз ҳолича, тайинарли тасвирлаб бера олдимикин? Тагин бир хавотирим бор: бошқалар ҳам ҳамсояларим ҳақида «Булар мунча майдақаш, фикри тор одамлар экан», деган ўйга бормасмикан?..

Э, борса, борар! Нима бўпти? Биз шундай бўлсак, нима қилайлик? Аслида айб бизда ҳам эмас-да. Ахир... Ўзингиз ўйланг, биз кенг далалар бағридаги бир оддий қишлоқнинг ана шундай тор кўчаларида катта бўлганмиз-да. Бўйимиз ҳам, энимиз ҳам, қаричу дунёқарашимиз ҳам шу кўчаларимизга мос-да... Эҳтимол, сизни ҳам, бошқаларни ҳам, Рўзи кўр айтганидай, азбаройи «ҳаммани бир кўзда кўриб», воқеа сўйлаб ўтирганимиз «айб»имиздир ...

2016 йил



Кўздан нари – кўнгилдан нари

Мақол

Хаёл – ёмон, дейдиганлар ҳақ. Одам, аччиқ-дир, шириндир, хаёл билан бўлиб, кўп нарсадан, ҳатто, ўздан ҳам узоқлашиб кетиши мумкин. Узоқлашув ва Танишув. Жуда қизиқ...



Талаба эдим. Қаҳратон қиш. Янги йил арафасида таътилга чиқдик. Пойтахтдан уйга – Чироқчи туманидаги Кўкдала қишлоғига кетишим керак. Поездга чипта олишга улгурмадим. Одатда, байрамолди йўловчи кўп бўлади. Транспорт нархи ҳам шунга яраша – осмонга сапчийди. Чамаласам, таксига ҳам пулим етмайди. Ноиложман. Айланиб ҳам, ўргилиб ҳам нисбатан арзон улов – жонажон автобусда кетишга мажбурман.

Автобус зўр-да! Ҳаётда ҳеч учрашмаган, танимаган одамлар билан маълум муддат «яқин таниш» бўлиб борасан. Манзилингга етдингми, хайрлашасан-да, кетасан. Кейин уни ҳаётингда яна кўрсанми-йўқми – айтиш қийин. Бунинг аҳамияти ҳам йўқ аслида. Лекин шундай йўловчи-йўлдошларга дуч келасанки, улар ҳаётингда туб бурилиш ясаб юбориши ҳам мумкин.

...Йўл ҳақини келишгач, автобусга чиқдим. Бўлғуси йўлдошларимга бирма-бир назар ташлай-

ман. Бирорта ҳам таниш йўқ. «Эҳ» дедим. Ҳам-сӯхбатсиз қийналасан-да. Боз устига, сал одамовироқман, киришувчанликдан асар ҳам йўқ. Кайфиятим бир нави бўлди. Кўрсатилган ўриндиққа маҳкам жойлашиб, ён-атрофимга назар ташладим. Ҳамма ўз ёнидаги билан гинғир-гинғир гаплашади. Ёнимда ўтирган йигирма беш-йигирма олти ёшлардаги йигит мен билан саломлашгач, роса гаплашишга уриниб кўрди. Жиним суймади. Қисқа жавоб қайтарардим-у, савол бермадим. Фойдасини билмагач, у жим кетаверишга аҳд қилди, шекилли.

Пойтахтдан узоқлашяпмиз. Ҳаво совуқ. Қишнинг изғирин шамоли мункиллаб қолган чолдай имиллаб бораётган автобусимизнинг ойналарини «чийиллатиб» куй чалиб ўйнайди. Автобус ичида икки хил иқлим. Ойналар одам нафасидан димиқиб кетганидан буғланади. Полда эса совуқ шамол оёқни чимчилаб-чимчилаб олади.

Шу кўйи Сирдарё-ю Жиззах, Самарқанду Қашқадарёнинг бийдай дала-даштлари, тоғ-у адирлари оралаб ўйга кетаяпмиз. Ҳамма автобусдан олдин етсам, дейди. Гурунглар авжига чиқади. Қишлоқ одами-да, сабил, баланд овозда гапиради. Қаттиқ кулади. Бировлар Чорсу бозорида ишлагани, бир кун тортган араваси учун фалон сўм пул топганини, шу пулнинг барига онасига, икки қизчасига совға-салом олгани, кейин йўлга пули етмай қолиб, ўрнига ўзи учун олган янги қўл соатини бериб шу автобусга чиққанини айтади. Бошқаси шаҳарлик бир бойнинг уйида



мардикорлик қилиб, «бир белбоғ пул» ишлагани, кейин мелисанинг қўлига тушиб, сўнг ... , ҳозир аранг уйига келаётганини гапиради...

Мен эса жим келавераман. «Бу одамлар менга анчайин узоқ экан...»

Олис йўлда қанча уринмайин, одатимга кўра, ухлаб қолибман. Бир маҳал ҳайдовчининг гўлдираган баланд овозидан уйғониб кетдим:

– Еттитомга келдик. Тушадиганлар тайёрлансин!

Ойнадан қарайман. Зимистон. Соатим миллари уч-у йигирмани кўрсатади. Апил-тапил нарсаларимни сумкамга солиб, олдинга ўтдим. Совуқда бир ўзим қолдим энди деб ўйлагандим. Адашибман. Изимдан тўрт нотаниш йигит тушиб келди.

Эътибор берсам, боя Чорсуда ишладим, деб гаплашиб келаётган йигитлар экан. Ярим тунда ҳаммамиз йўл пойлаймиз. Қишлоққа олиб борадиган уловдан эса дарак йўқ. Туравериб совуқ этимиздан ўтиб кетади. Йўл четидаги бекат томон юрамиз.

– Сиз қаерга борасиз, меҳмон? – деди тўртовлоннинг бири йўл-йўлакай.

Ҳайрон қолдим. Мени «меҳмон» дедими? Кулгим қистади:

– Мен «меҳмон» эмасман, – дедим дона-дона қилиб. Улар уст-бошимга, юзимга бошқатдан разм солиб чиқди-да, деди:

– Э, кечирасиз. Сизни танимас эканмиз. Ўзи қардансиз?

– Шу ердан, Кўқдаладанман.



– Э, бир қишлоқдан эканмиз-у, – деб юборишди бирваракайига. – Кимлардансиз? Нима иш қиласиз ўзи?

Тенгқурларим шўх экан. Бекатга етгунча саволга кўмиб ташлашди. Саволлариям ўзидан оддий, жайдари ва... ғариб туюлди. Меники шу пайт «тутиб қолди». Уларнинг бачкана туюлган суҳбатидан ўзимни торта бошладим. Сал нарироққа – бекатнинг бу бурчига келаман. Улар ниятимни сезди. «Бизни менсимаяпти», «Қара, биз билан гаплашгиси йўқ» деган гапларини эшитиб турибман.

Сўнг улар ўзларича гурунглашади. Бир гапириб, икки кулади. Мен дирдираб сония санаб машина кутаман. Улар ўтириб олиб ҳиринглайди. Ярим кеча, совуқ оғизни очирмайдиган пайтда-я. Ҳамқишлоқларимнинг кулгиси асабимга тега бошлайди. Бир соат ўтди ҳамки, бахтга қарши, бирорта улов келмади. Совуқ эса суякни зирқиратарди.

Шунда йигитлар кўзғалиб қолди. Тўртови тўрт томонга тарқалди. Беш-олти дақиқадан сўнг қўлида шох-шабба кўтарганча бирин-кетин қайтиб кела бошлади. Эътибор бераман. Дарахтнинг ҳўл, қор аралаш шохларини синдириб обкелаяпти.

«Буларнинг қўлидан совуқ ҳам ўтмайди-я».

«Ўлжа» бекатнинг ўртасига ташланди. Кичик гулхан ясалди.

Бирови чўнтагидан «зажигалка»ни чиқариб ўтинни ёқишга киришди. Ҳадеганда ёнмади. Шунда бири шох-шаббага қараб:



– Ё, Мойли буванинг қўли, ёниб кетсанг-чи, энди, – деганди «гурр» кулги кўтарилади. Олов ҳам ёнди.

«Нега кулади? Ким у Мойли бува?». Қизиқ-диму, лекин уларга яқинлашмадим. Йигитлар оламшумул кашфиёт ўйлаб топгандек ўзида йўқ мамнун, гулхан атрофини ўраб олишди. Қўллари-ни оловга теккизиб иситаяпти. Бирови туфлисини ечиб, жиққа ҳўл бўлиб кетган пайпоғини қурита-япти. Менинг эса совуқдан тилим калимага келмай қолди. Танам оғирлигини дам у оёғимга, дам бу оёғимга ташлаб турибман.

– Меҳмон, келинг, исиниб оласиз, – деди болалардан бири кутилмаганда.

Совуқдан қизарган юзларим энди уятдан, хижо-латпазликдан лов-лов ёнарди. «Мен менсимаган, ётсираган ҳамқишлоқларим исинишга таклиф қилдими?». Этимдан ўтиб бораётган совуқ манманлигимни синдирди.

Ҳамқишлоқларим даврасига бориб қўшилдим. Олов ёруғида юзларига зимдан разм соламан. Ё, тавба! Булар ким, ёшларми? Шулар-а? Йўқ, уларнинг ёши меники билан баробар, лекин а-анча улуғ кўринади. Қўлларига қарайман. Дағал, катта-катта ёрилиб кетган. Ўйга ботаман. Эзиламан. «Буларни қора меҳнат қаритиб қўйган».

Қувноқ тенгқурларимдан Мойли бобонинг кимлигини сўрайман.

– Мойли бувами? – дейди биринчиси. – У – манавининг буваси, – деди кўзлари қисик новча шериди.



гини кўрсатиб. Новча аввал дўстларига, сўнг менга савол назари билан қарайди.

– Бунинг буvasи қишлоғимизнинг Афандиси. Ҳаммани болайди, алдайди, масхара қилади. Унинг ҳар айтган гапи машҳур бўлиб кетади, – дейди иккинчиси.

Сўнг йигитлар бири қўйиб бири Мойли буванинг ана шундай «машҳур бўлиб кетган» антиқа гапларини айтиб кетди.

«Бир куни Мойли бува дўстига шундай мақтанибди. «Мен Тошкентда жеган (еган – Ж.К.) лагмон Самарқандгача орқамдан эргашиб келди».

– Э, бўмабди бунинг, – дейди иккинчиси. – Мана буни эшит. Маҳмасолай буванинг тўйида Мойли бува дўстларига мақтанаётганмиш:

– Ошналар, кеча Кўқдала бозоридан бир кило новвот сотиб олдим. Бай-бай, қургурнинг ҳар бир бўлаги икки килодан чиқади-ёв, дермиш.

Болалар завққа беланиб кулишади.

– Бунисиям ҳеч нарсамас экан, – дейди учинчи суҳбатдошимиз қорнини уқалаб. – Мойли бува бир чўпон дўсти билан қўй боқиб юрганакан. Далада қўй-эчки, икки эшак ва икки чолдан бўлак ҳеч ким йўқ эмиш. Кечга яқин Мойли бува маъюс тортиб қолибди. Ҳар доим лоф урадиган, йўқ жойдаги гапларга ҳам ҳиринглайверади чолнинг бу ҳолини кўрган дўсти ташвишланиб қолибди: «Нима бўлди экан унга?»»

Миқ этмай қўйган Мойли бува анча вақтдан кейин чўпон дўстига қарата: «Шоди, дўстим, сенга муҳим бир гапни айтайми?» – дебди.



Шоди чўпон хурсанд, кейин ҳайрон бўлиб, айт, дебди.

Шунда Мойли бува у ёқ-бу ёққа аланглаб қараб олармиш-да, эшак устидан туриб дўстининг қулоғига жуда секин шивирлаб, дермиш:

– Ошна, мен уйга кетдим. Сен зерикмай қўйларни боқиб юравер...

Мойли буванинг «қанотли» гаплари даврада кўп айтилди. Негадир, ёшлигим эсимга тушиб кетди. Қишлоқдаги ошналаримни кўргим келди. Далада, узо-о-қларга чўзилган далаларда улар билан қурган давраларимизни қўмсадим. Шундагина ёнимдагилар, Мойли буванинг неваралари ўзимнинг яқинларим экани, йўқ, аслида мен улардан узоқлашиб кетганимни тушуниб етдим. Узоқлашув...



Агар Они унутса банда они
Тирик эрмас агарчи бўлса жони.

Сўфи ОЛЛОЁР

Ер сайёрасида нималар бўлмайди. Кемирчак деган шаҳарчамизда юз берган бу воқеада айбдор ўзим эдим. Ҳа, ўлимдан қўрққан умр кўрмас.

Қанча умрим қолди? Билмайман. Билиб ҳам нима қиламан? Менга фарқи борми? Яна бир огоҳлантириш сигнали келса, тамом, ўламан. Ҳисобимда қанча пул борлигини ҳозир аниқ айтолмайман. Ҳар қалай, бир-икки кунлик ҳавога етса керак. Эҳ, Ўртоқ Чирскин!.. Ўзимга-ку, раҳмим келмайди. Сени кўзим қиймайди-да, дўстим...

* * *

Бошимнинг оғриғи босилмаяпти. Ишламайдиган нарса оғриси, жуда алам қилади. Агар имкони топилса эди, калламини кимга бўлса-да, бериб юборар эдим. Албатта, текинга. Бошимга манави лаш-лушни осиганидан бери шу ўй тинчлик бермайди. Муттасил оғриқ ҳам шундан бўлса керак. Кўзимни очолмайман. Очсам, худди бурнимнинг тагида бир қора қурт осилиб тургандай, у ҳар нафасда бурнимдан кириб, бутун аъзои баданимни ит мисол шилимшиқ манфур жағлари билан ғажиятгандай, шундоқ ҳам қисилаётган нафасимни баттар бўғар, танамда оқаётган рангсиз



қонга бир томчи-бир томчи заҳар туфлаётгандай, заҳарланган қон жисмимни оний лаҳзада маҳв этаётгандай; бундан бошим телбаларча айланар, оғриқ зўрайишидан икки кўзим ва қулоғимдан бошқа жойларим жонсиз таёқ сингари қотгандай туюларди. Кўзим кўрган нарсаларни чала англайман, миям худди улкан бир қопни кўтарганча, сайёра яғрини устида номаълум манзил томон кетаётган қоқсуяк, ожиз бир чолга ўхшаб қолди. Ўлдирсанг – ўлдир, тезлатма дейди. Унга буйруқ бериб бўларканми?

Эҳ, бир дақиқа манави сабилга ҳаво беришмаса эди, қийналмасдим. Ахир, тўкилгандан томчиланган ёмон экан. Манави матоҳни бурнимга осишган пайтларда кун санардим. Кейин соат. Ҳозир эса сония ҳисоблайман.

Афт-ангоримга қарай десам, кўнглим бормаиди. Термулган кўйи нафратим ошади. Ойна айбдормикин? Ойна, аввало, ғирт телба-тескари нусхангни кўрсатади. Ўнг кўзинг чапи билан, чап кўзинг эса ўнги билан жикқа мушт бўлади. Суратингни томоша қиласан, сийратингдан-да йиғлайсан.

Ўзига ўзи ўлим тилаган одамни ёмон кўрардим. Бугун бу ҳолат қолган ҳаётимнинг мазмунига айланган. Умрни ҳисоблай бошлаганимдан бери унинг нақадар узун эканига шубҳам қолмади.

Узун йўлни тез босиб ўтиш мумкинми? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Бир машҳур одамнинг ал-жабр каби ҳаётда ҳам энг тўғри йўл энг қисқа йўлдир деган гапини ўқиган эдим. Агар мен ўша аблаҳларга қўрс, лекин ҳақ гапларни айт-



маганимда эди, бурнимга ҳавочин¹ осишмас, мен ҳам телба-тескари йўллардан гандираклаб, эгри кўчалардан насиба излаб дайдиб юрар, ҳар учраган нокасни, гарчи нолойиқ эса-да, ҳурмат қилар, ширинроқ сўз айтишга мажбурланар, ҳамма қатори қотган муомала қилар, оқибат ўз сўзим, юзимни ўзим ер билан яксон этар, қиёфам денгизини исқирт чириндиларга тўлган кўлмақдай булғаган бўлардим. Юзсизлик – ўзсизлик, ўзсизлик эса қорақўнғизникидан ҳам баттар ҳаёт демақдир: одамлар кўрганда кўнгли айниб, бурнини жийиради, эслаганда башараси бужмайиб, қусгиси келади.

Хўш, бурнингга ҳавочин тақишса яхшими? Биладан, тўкилган қайта тўлмайди. Бироқ ер қаърига батамом сингиб ҳам кетмас экан. Мана, синголмаяпман. Ўлиш ҳам осонмас экан. Ўлим шоху гадога баробар, дейдиганлар жуда адашади. Ўлим – ҳақ. Бироқ сен ўзинг истаганимда ўлолмаслик жуда катта ноҳақликдир. Бугун ана шу ноҳақлик мени қийнаётир. Ўйлаш азобидан қутулишнинг бир йўли нафас олмасликдир...

Бу хаёл энг сўнги қарордек туюлади менга. Нафас олмаслик – ўлим эканини яхши биладан. Бунга уриниб кўрарканман, бир неча сонияда кўзларим намланади. Кўлларим бўйнимга югуради. Томирларим бўрта бошлайди. Вужудимда лаззатли бир

¹ Дарҳақиқат, зукко ўқувчи ҳавочин қандай аппарат ўзи, деб қизиқиши мумкин. Ростини айтганда, муаллиф ҳам, ҳикоя қаҳрамони куйироқда айтгани каби, илло, бу аппарат ҳақида биринчи бор эшитиб, ўқиб туриши.



титроқ сезаман. Миямда бир тозариш рўй беради, кўкрак қафасимданми, товонимданми чиққан бир енгил эпкин бўғзимга келиб қотади. Сўнг унга оёқ-кўл тирноқларимдан яшин тезлигида шундай бир нимарса келиб қўшиладики, наҳот, руҳим парчалари бўғзимда, жигилдонимда бирлашди? У нега муаллақ қолди, отилиб чиқиб кетмаяпти?

Қорним, томоғимда вулқондек бир шамола бўрон солади.

Бу довул нафратим алангасини бирпасда ўчирди-қўйди. Мен енгилдим...

Эсимни олган бир ҳикмат мағзи кўнглимни пор-пора қила бошлади. Зардушт халққами ё халқ Зардуштгамиди-ей, шундай деган экан: «Букридан унинг букрисини олиб қўйишганда, унинг руҳини олиб қўйган бўлишади. Кўрга унинг кўз нуруни қайтариб беришганда, у ер юзида шунчалар кўп бе-мазагарчиликларни кўрадики, оқибатда у кўзини тузатган табибни қарғайди. Чўлоқни чопишга ярайдиган қилиб даволаган унга энг оғир зиён етказди, зеро, у иллатлар қувиб ўтиб кетолмайдиган даражада тез югуришга муяссар бўлармикин?»

Мен бу чоғда букиримни қайтаришларини, кўр кўзимни беришларини, чўлоқ оёғимни бошқатдан ҳадя қилишларини сўрамас эдим.

Мен абадий йўл тусаяпман! Абадий манзил! Тушунаёписизми?

Айни дамда мен йўлга чиқиш жилвасидан маст ҳолга тушганимда манзилига етишдан кўра, қайтиб келиш ҳақида кўп ўйлайдиган одамлар тоифасидан эмаслигимни сезиб қолдим. Тўғри-да, ҳозиринг –



жонинг, ҳозиринг – ҳаётинг, ҳозиринг – тақдиринг. Бошқаси чўпчакдек кўринади менга. Биламан, сиз абадий маконга элтадиган ягона куч томонидан сийланган барча нарсанинг икки томони бор дер- сиз: туғилиш ва ўлиш, яхшилик ва ёмонлик, катта ва кичик, кеча ва кундуз, покизалик ва жирканчлик...

Агар бурнингизга ҳавочин осишса, бошқа- ча фикрлай бошлайсиз: ҳаёт, яъни, туғилиш – ўлимга тайёргарлик вақти; инсоният ўйлаб топган ахлоқий мезонлар – жазосиз қолмайдиган яхши- лик эса ёмонликнинг айнан ўзгинаси; туғилган митти гўдак улғаяди, катта бўлиб, вояга етгач, тагин кичрайиб боради, демак, катталиқ асли ки- чикликдир; кеча-кундуз деган мавҳумотнинг че- гарасини билиш учун киприклар юмилган оний лаҳза, очилса, ундан асар ҳам қолмайди; покиза- лик жирканчликнинг хаёлдай учқур, филникидай баҳайбат оёқлари етмаган жой, таассуфки, бундай жой қанча қолди ўзи?

Хуллас, ўзимга кучим етмади. Бўғриқиш зарби гарданним деворларини бузолмади. Жоним муаллақ қолди. Ўзига кучи етмаган одам бошқаларни қандай идора қиларди? Буни хаёлига ҳам келтирмасин!

Ўзи бу кучни ким ато қилади одамга? Ягона куч- ми? Нега у менга бермаган? Қизганган? Бошқалар- га сахийлик қилган-да? Йўқ. Менимча, менга фақат гапириш учунгина куч берганга ўхшайди. Оқибат, мана, ўтирибман ҳавочинни бурнимга қўндириб. Ўзни маҳв этмоққа куч ҳам, ирода ҳам топилма- япти. Чораси, йўли битта – чидаш, қаттиқ чидаш. Бу – бир азоб. Худо яратган ҳаводан ўпкангни тўл-



дириб нафас ололмайсан; ҳавочиннинг нина учидек келадиган тешигидан кирган ҳаво билан кифоя қиласан, аниқроғи, шунга мажбурсан. Миянга фақат бир фикр чарх ураверади: ҳаво, ҳаво, ҳаво... Қўлинг ишга бормайди. Бундоқ олганда, бу хонада иш ҳам йўқ. Ним қоронғи зулматдайин хона. Бир стол ва стул, ранги ўчиб кетган дераза ромларини чирмаб олган сўлаёзган чирмовуқсифат гулнинг иккита тувагидан бошқа ҳеч вақо йўқ. Деразадан мўралайсан. Шундай тобда ўзингни жилла кўрса касал мушукка ўшатоилсанг ҳам суюнасан, бундан баттари эмаслигидан хурсанд бўласан. Кўчада ҳаёт қайнайди. Яғири чиқиб кетган торгина асфальт йўлдан одамлар тинмай ўтади. Ҳаммаси асабий кўринади. Бирортаси туртиниб кетса, нақд шапалоқ тортиб юборишдан ҳам тап тортмайди. Оғир сўмка кўтарган кампир ҳар куни кўчани шовқинга тўлдириб ўтади:

– Ифлослар, ярамаслар! Боламни ўлдиришди... болагинамни ўлдиришди... Ер ютгурлар...

Бу кўчанинг доимий йўловчилари кампирнинг гапларига парво ҳам қилмайди. Янгилари бўлса, бири ҳайратда, бири ажабсиниб, бири эса қаҳр билан унга тикилади. Чап оёғини сал оқсаброқ босадиган, эгнида кулранг плаш, бошидан қишин-ёзин тушмайдиган ҳаворанг момик рўмолли кампирнинг қарғишлари менга ёд бўлиб кетган. Эшитсам, охирги пайтлар негадир завқланаман. Мени бу ерга келтиришларидан аввал, ҳавочин тақишларидан олдин ҳам билардим кампирнинг ўғли ҳақида...



Ҳавочинимни тортиб-тортиб кўрдим. Фойдаси бўлмади. Темирсифат металл қирралари юзим, бўйним аралаш бошимга оғриқ берди. Сабилнинг ҳеч тирқиши йўқки, секингина очиб, тўйиб-тўйиб нафас олсам. Қўлингга чипқон чиққурлар шунақаям бешафқатсимон ясайдими бу матоҳни?

«Емоқнинг қусмоғи бор». Буни қанча есанг, шунча қусасан, деб тушунардим. Яъни, «емоқ», «қусмоқ»да ҳам МУВОЗАНАТ бор, деб ўйлар эдим. Чумолиникидек «бурун»дан нафас олиб, филникидек «бурун»дан нафас чиқараётган ҳозирги кезде бу борада ҳам адашганимни ҳис этдим. Кам-кам еб, кўп-кўп қусаётганимни ўйлаб, кўзимга нам югурди...

«Хурсанд бўласан-а, – дедим ўзимга ўзим. – Кул, кулавер... Тилингга ақлинг, ақлингга кучинг етмагандан кейин кулавер. Бировларнинг устидан кулиб ўлиб кетасан...».

Кутилмаганда Ўртоқ Чирскин товуш бериб қолди. Хаёлим қочиб, ўйдан тўхтадим. Деразанинг рафига қўйганим – гугурт қутисини қўлимга олдим. Секин очишим билан Ўртоқ Чирскин дийдиёни бошлаб юборди. Типирчилаб-типирчилаб ташқарига интиларди. Буткул қўйиб юбордим. Озодликка чиққан Ўртоқ Чирскин узо-о-о-қ чириллади. «Ана энди исминга муносиб бўлдинг, укам».

Ўртоқ Чирскин чигиртка зоти орасида энг ботири, чўнг чидамлиси бўлса керак. У билан дастлабки танишувимиздаёқ буни сезгандим.



Бурнимга ҳавочин осигандан роппа-роса бир ҳафта ўтган куни тушга яқин юрагим роса сиқилганидан, қолаверса, миямга ўтириб қолган эски бир фикр – гўёки очсам, тўйибгина нафас оламан деган ўй билан деразани очдим. Дераза ортидаги темир панжара оралаб келаётган, кўкрагимга теккан енгил эпкиндан, таассуфки, нафас ололмадим. Жиғибийроним чиқиб, ташқарига, ҳаёт гуркираётган кўчага нафрат билан қараб турар эдим. Кутилмаганда, ердан чиқдим, ойдан тушдим – билмайман, бир нарса қаттиқ келиб қобоғимга урилди. Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Жон аччиғида қалтираб қолган қўлим билан ушлаб уни отиб юбордим. Қарасам, полга юзтубан тушган нарса, мана шу, чигиртка экан. Оёқларим билан эзғиламоқчи бўлиб қадам ташлашимни биламан, сабил, жонингдан ўргилай, ўлмаган экан, забт учиб яна кўзимни нишонга олди. Бу сафар етиб келмасданоқ, уриб туширдим. Кейин у анча вақт, бориб ҳаскашга ўхшаб кетадиган оёқчасидан ушлаб кўргунимча, қимир этмай ётди. Бир оёғидан тутиб, кўтарар эканман, иккинчиси билан роса қўлимни тирнаб қаршилик кўрсатди. Бундай жасоратини кўргач, ҳар қандай жаллод ҳам унинг жиноятини кечириб юборса керак, деб ўйладим худди ўзимни мисол қилгандай. Юрагингга балли, жонивор. Мабодо, юрагинг иккита эмасми?

Қобоғимдаги оғриқ жонимдан ўтавергач, чигирткани барибир ўлдиргим келди. Кейин, ўйлашиб қолдим. Куни билан сония санайман, нафас



етишмайди. Гаплашадиган одам ҳам йўқ, эрмак ҳам. Боз устига, бундоқ ўйласам, «чигиртка ҳамласи» дамларида ҳаво, нафас олиш ҳақида ўйламаётган эканман. Ана энди каллам ишлаб кетди. Эрмак топилганидан беҳад суюндим... «Энди менга ҳамроҳ ҳам ўзинг, ҳамхона ҳам ўзинг, биродар ҳам ўзинг».

Ҳамроҳимга ном топиш учун уч кунимни сарфладим. (Дўстинг учун уч кун умр нима деган гап? Ҳозир борлигимни шунга бағишлашим ҳам мумкин-ку, ахир?) Эҳ-ҳе, қанча буюк инсонларнинг, ҳатто, қариндош-уруғларимнинг, энг яқин дўстларимнинг номини унга қўймоқчи бўлдим. Исмларни бир-бир эслар эканман, э-э, нимасини айтмай, арзимади... Ҳамроҳ бўлгандан кейин улуғвор, забардаст исм топишим керак. У шунга муносиб. Чирскин деган номда тўхтадим. Луғавий маъноси луғатда йўқ бўлиши мумкин. Майли-да. Чигирткалар ичра ноёб чигиртканинг исми ҳам оригинал бўлиши керак эмасми, ахир? Унга эҳтиром белгиси сифатида «Ўртоқ» нисбасини ўйлаб топганимдан сўнггина кўнглим жойига тушди. Дўстимнинг исмини овоз чиқариб, такрорлайман: Ўртоқ Чирскин! Ўртоқ Чирскин! ...Чирскин! ...Чирскин! Ўртоқ...! Ўртоқ...!

Шу-шу мен Ўртоқ Чирскинга, Ўртоқ Чирскин эса менга ўрганиб қолди. Ўта зерикканимда номини айтишим билан гугурт қутиси ичида туриб типирчилаб қолади. Авайлабгина очаман-да, ҳар кун ичра уч мартадан уни озодликка «чиқараман». У хонани гир айланиб чиқади. Сўнг дераза рафи-



га қўниб, мен ташлаган нон ушоқларини, овқат қолдиқларини ейишга тушади. Томоша қилиб, хузурланаман. Унга нисбатан шунча вақт мана шу хонада туриб сезмаган бир ҳис – Меҳрим товла-ниб кетади...

* * *

«Ифлослар, ярамаслар! Боламни ўлдиришди... Ёлғизгина болагинамни ўлдиришди... Ер ютгурлар...»



* * *

«Ўртоқ Чирскин! Мен ўладиганга ўхшайман».

«Дунё – орзу-ҳавас уйи, биродар, ўлмайсан. Узоқ яшайсан».

«Нималар деяпсан? Мен шунча йил яшасам-да, МУВОЗАНАТларни тушунолмадим, ақлим етмади».

«Бурнинг ёпилгач, кўзинг очилмадими?»

«Нималар деяпсан, Ўртоқ Чирскин? Онамнинг қарғишларини қачонгача деразадан эшитиб ўтирман?»

«Сўнги нафасинггача, биродар...»

* * *

Ҳар куни эрталаб уйим остонасидан чиқар эканман, пагонимга қўндирилган кичик юлдузчаларни силаб қўяман. Атрофдагиларга мағрурона-мағрурона қарайман. «Ҳмм, сен ким-у мен – ким? Ҳаммангнинг тақдиринг қисман бўлса ҳам менинг қўлимда-я. Яшайверларинг жимгина».



Бугун ишхонамдаги ҳамкасбларнинг юзида қандайдир безовталиқ ва ташвиш аломатларини сездим. Сўрасам, аҳвол чатоқ. Бошлиғимиз мен билан гаплашмоқчи, тақдиримни ҳал қилмоқчи эканини айтишди. Тўғри унинг кабинетига йўл олдим.

Котиба «кираверинг» деган ишора қилди.

Эшикни тақиллатиб, сўнг бош суқдим.

Бошлиқ телефонда сўзлашар, кайфияти ҳам анчайин яхши эди. Менга кўзи тушди-ю, авзойи ўзгарди. Кейин ўзим кўнғироқ қиламан, дея гўшакни қўйиб қўйди. Ҳар доим «Фалончиев» деб ҳам сал ҳурмат маъносида, ҳам бирозгина ҳазилалашиб гапирадиган бошлиқ бу сафар бир оғизгина қилиб «кир» деди.

Стулга чўқдим.

– Хўш, нега топшириқни бажармадинг? – деди у сенсирашга ошкора ўтиб.

Жаҳдим чиқса ҳам, унинг авзойидан кўрқдим. Аслида қилдек айбчам бор эди. Шу боис, бошқа такрорланмайди, деб қўя қолдим.

– Нима, сенга бу ер катта холангнинг уйими, чўлоқнинг боласи?

– Нима? «Чўлоқнинг боласи»?

Тепа сочим тикка бўлиб кетди. Мен ёлғиз онамни ҳеч кимга, ҳеч қачон хафа қилдирмаган эдим. Онам мен – гўдакни боқаман деб, Кемирчак аталмиш бу рутубатли шаҳарчада минг укубат кўриб, итдай ишлаб, бир оёғининг ярмидан ҳам ажраган, менадан ўзга нажоти йўқ бир муштипар эди. Нафсиламрини айтганда, эндилар меънинг энг ожиз тарофим ҳам шу онагинам эди.



Бу худо беҳабар эса... Қалтирай бошладим. Ғабдан кўзимнинг ўти чиқай деди. Титраб кетдим. Ўрнимдан сапчиб туриб, тўғри бошлиқнинг олди-га бориб, ёқасидан олдим. Энди мен ўзимда эмас эдим. Қайнаб кетган қоним сўзга айланди:

– Энағар, ўғри! Иш – иш, уй – уй. Ишимга онамни кўшма, итдан тарқаган!!!

Нима қилаётганим, нега бундай деётганимни аниқ билмасдим. Қаттиқ жаҳд устида бошлиққа мушт туширдим. Кейин яна, яна... У жон ҳолатда столи тагидаги учинчи тугмачани босишга улгурибди. «Тревога» сигнали овози эшитила бошлаганда, бошлиғимиз креслосига бошини суяганича, жимиб қолди. Менинг кўзим қонга тўлганди...

Бошлиқ хонага югуриб кирганларга қараб, ҳириллаганча:

– Ҳавочин! – деди. – Ҳавочин келтириб тақинглар бу кўрнамакка!

Ажабо, ҳавочин деганлари нима экан? Ўлай агар, бундай сўзни биринчи эшитишим... Қўрқиб кетдим. Ўша куниёқ мени мана шу зах хонага ташлашди. Топшириққа биноан, бир шарт билан бурнимга ана шу матоҳни тақишди. Қўрққанымча бор экан, ҳавочин деганлари даҳшатнинг ўзи экан. «Бу аппарат илк бор синовдан ўтаяпти. У ҳар куни бир зайлда пул сарфлайди. Сўнгги чақа қолишидан беш дақиқа аввал сигнал келади. Пул тўланмаса, ҳаво узилади ва сен ўласан. Пул тўланиши учун эса бошлиқнинг оёғини ялаб, ундан кечирим сўрайсан! Йўқса, бурнингдан ҳавочин олинмайди», – дейишди.



Нозирдан эшитишимча, зор қақшаб йиғлаган онамга ўглингиз дом-дараксиз йўқолиб қолди. Қидираяпмиз, топилиб қолар, дейишибди...

Онам ишонмаслигини билардим.

Ҳавочин билан ўтаётган илк кунларимда ўлам-ўламан, лекин у аблаҳга бўйин эгмайман, кечирим сўрашни хаёлига ҳам келтирмасин, дедим.

Бироқ вақт яқинлашмоқда эди... Онамга жуда ачиндим, раҳмим келди. Ёлғиз ўзи қандай яшайпти экан, деб роса сиқилдим. Онам ҳақида ўйлашдан ҳам кўра муҳимроқ, кучлироқ муаммо – нафас олиш масаласига келганда, баъзан ундан хафа бўлардим. Мени шундай характер билан туққани, ягона куч эса шундай тақдир ато этганидан ҳар иккисидан ҳам ранжир, гоҳ нафратлана бошлардим. Нафратим шу даражага етдики, улар ҳақида бошқа ўйламасликка қарор қилдим...

* * *

«Ифлослар, ярамаслар! Боламни ўлдиришди... Ёлғизгина болагинамни ўлдиришди... Ер ютурулар...»

Бу таниш овоздан чўчиб ўзимга келдим. Қулоғим гувилларди. Кўзимга ҳеч нима кўринмади. Мен устида ётган столни ушлаб кўрдим. Ҳеч нима сезмадим. Нафасим сиқиларди. Иситмам чиқаётганга ўхшайди. Ўпкам «шиғ-шиғ» этаётганини эшитдим. Очик, лекин ҳеч вақони кўрмаётган кўзларимни тагин юмдим.



Қулоқларимга жуда-жуда олислардан таниш саслар келарди. Билмайман, бу – даҳшатли овозми ё овознинг шунчаки даҳшатими... Дўстимни чақираман, таниш сас эса унинг овозини эшиттирмайди:

«Ўртоқ Чирскин!»

«Ифлослар, ярамаслар!...»

«Ўртоқ!...»

«Боламини ўлдиришди...»

«... Чирскин!»

«Ёлғизгина болагинамни ўлдиришди...»

«Қаёқдасан?...»



* * *

Чироқнинг ёруғи тагига тушмаса-да, атрофини ёритади...

Тун яримдан ошганда, нафасим яна қисилиб, бошим гир айланар, кўнглим айниб, қусгим келар, шу топда, ҳаводан бошқа бутун оламни унутган эдим.

Алаҳсий бошладим, беихтиёр Ўртоқ Чирскин тунги оромини олаётган гугурт қутисини пайпаслаб топдим. Қўлимга олиб, шивирладим:

– Мободо ўлиб қолсам, сен нима қиласан? Ҳолинг нима кечади?

Қулоғим остида ўзимникига ўхшаш товуш келарди: «Ўлма, отим: ёз келур, йўнғичка битур... Ўзингни ўйламасанг ҳам, онанг... ёлғиз онанг...»

Ҳавочинимни юзимга маҳкам босаман...

«Фақат... фақат онам учунгина... тонгдаёқ...», – дейман...

Ўзини топмай кезар.
 Адашар ўзининг оппоқ жисмида.
 Шамол шундай эсар.
 Федерико Гарсиа ЛОРКА

Шомга яқин эди. Баҳорнинг илк якшанбаси. Дам олиш кунини фақат бир машғулот билан ўтказаётган Сайдали сеҳрли оҳанглар тугаши билан магнитофонни ўчирди-да, ошхонага ўтди. Кечки овқатга нон йўқ эди. Деразадан ташқари қаради: кун ҳали ёруғ.

Уйдан чиқиб келганда кўчада тумонат одам эди. Хотин-халаж, қиз-жувонлар. Бир-бирига гал бермай гап сотади. Шақирлаб кулади. Улардан сал нарироқда, Кўқоннинг дўпписидек келадиган майдончада бир гала қизалоқ бақир-чақир қилиб ҳалинчак учмоқда. Сайдалининг биринчи қаватда яшайдиган Фарҳод ака деган қўшниси бор. Бу одамнинг иккита машинаси бўлиб, қимматроғини уйдан нарироқда, ўзига қарашли гаражда сақлайди. Кунда тиндирмай ҳайдаб юрадиган иккинчи «тулпор» учун эса шундоққина болохона айвонининг тагига цемент тўшаб, гир атрофини темир панжара билан ўраб, қўлбола «гараж» қурган. Сайдали ана шу «гараж» ёнидан ўтаётиб тақа-тақ тўхтади. Худди кўксига ханжар қадалган жангчидайин илкис жойида қотди. У кўрди: олти-етти ёшлардаги уч болакай Сай-



дали наздида номақбул юмуш билан банд эди. Болалар «гараж» остонасига бир нечта тўрт-бурчак катакчалар чизиб, япалоқ тошни уларга навбатма-навбат ташлаб, сўнг гоҳ ўнг, гоҳо чап оёғида сакраб, кези келганда қўшоёқ бўлиб сапчийди. Отилган япалоқ тошга етиб борар, сўнг уни ё ўнг, ё чап оёғи билан, иккинчи оёғини ортга кўтариб буккан ҳолда суриб, катаклар бўйича юргизар эди.

Бу ўйинни «макушка», «мак-мак» деб ҳам аташади.

Сайдали бир муддат уларга термулиб тургач, бир чимдим қаҳр аралаш буйруқ берди:

– Ҳой, буёққа келинглар-чи!

Учовлон Сайдалига олазарақ қарашди. Ўйинни тўхтатишди. Сайдалининг ғазаб тўлиб турган қовоғига тикилганча, гўёки қандайдир нохушликни сезгандай сергаклик билан яқин кела бошлашди.

– Исминг нима? – сўради Сайдали улар ичидаги қорувлироқ, бароққош, сарғиш юзли болага қараб.

– Ме-е-нингми? – деди бола ҳадиксираб, у худди бир айб қилиб қўйиб, кечирим сўрашга чоғланган одамдай довдираб қолди. – Исмин Ёқубжон...

– Сеники-чи? – сўради Сайдали иккинчи болага юзланар экан.

– Бунинг исми Диёр! – жўрасининг ўрнига ҳам жавоб бериб юборди қорувли Ёқубжон. Сўнг кейинги саволни кутиб ўтирмасданоқ учинчи болани таништирди: – Манави эса Ботир!



Ёқубжоннинг ҳозиржавоблиги ва дадиллиги Сайдалини жиндек ҳовуридан туширгандай бўлди. Бироқ аҳдидан қайтаролмади. У бирор жиддий гап айтмоқчи бўлса, ҳар доим дангал йўлни танларди. Гапларини лағмондай чўзиб ўтирмасди, шартта-шартта айтарди. Ҳозир ҳам у дарҳол муддаога ўта қолди:

– Менга қаранглар, Ёқубжон, Диёрбой, Ботирбек! Бугундан бошлаб бу ўйинни умуман ўйнаманглар, хўпми?

Табиийки, Сайдалининг томдан тараша тушгандай дабдурустан нега бундай деб қолганига болаларнинг ҳечам ақли етмади. Бир-бирига савол назари билан қарашди. Сўнг, кутилмаганда:

– Нега? – дея бирваракайига савол беришди.

– Чунки бу қизларнинг ўйини. Ўғил болалар ўйнаса, уят бўлади.

– Шу ўйинга қизиқамиз-да, – деди боядан буён миқ этмай турган Ботир ўйчанлик билан.

– Қизиқсанг ҳам ўйнамайсан! – чўрт кесиб огоҳантирди Сайдали. – Қизиқсанг, ана, ўғил болалар ўйинига қизиқ. Футбол ўйна, хивичу таёқ миниб, от-от ўйна, ҳеч бўлмаса, бекинмачоқ ўйна! Лекин буни ўйнаганларингни бошқа кўрмайин!

Кўшни болалар аввалига бир нафас жим қотишди. Сайдалининг вазоҳатидан қўрқишдими ё гапни англаб етиб, мағзини чаққандай бўлишдими, ишқилиб, бир пайтда жўровозлик қилишди:



– Хўп бўлади!

Сайдали болаларнинг ҳар бирининг, айниқса, Ёқубжоннинг кўзига яхшилаб синовчан тикилди-да, йўлига равона бўлди.

«Барибир «макушка» ўйнашади...»

Магазинда нон олаётганда ҳам, кечки овқатни тановул қилаётганда ҳам, душанба кунги ишларини режалаётганда ҳам шу фикр унга тинчлик бермади. Ана, чакка томирлари бўртиб, яққол кўриниб қолди. Одатда асабийлашса, шундай бўлади. Қон билан кирган бўлса керак-да. Сайдали оғир гавдасини яна каравотга ташлади. Титраб кетаётган кўрсаткич бармоғи магнитофон тутмасига чўзилди. Бизга таниш сеҳрли куй тўхтаган жойидан давом этади. Мумтоз куй. Дўмбира саси. Бахшининг йўғон эса-да, ширали, дўрилаган овози бизни бир фурсат мафтун этиб, жозибаси қулига айлантиради. Сизу биз Сайдали бўлиб, Сайдали эса бизга айланиб, дostonга қулоқ тутамиз.

Бахши эса «Алпомиш»дан олади:

«... Алқисса, Алпомиш Бойчиборни аста-аста ҳайдаб Оқсув дарёнинг кўзига саёз кўринган жойларидан ўтиб кетди.

...Чиборини қистаб ҳайдаб Оқдобон тепанинг устига чиқиб қаради, қараса, юраги ёниб боради, элас-элас Бойсун эли, кўчалари, ошиқ ўйнаган жойлари, улоқ тортган жойлари кўзига кўриниб, кўнгли, ёши тизилиб Бойчибор отига қараб икки оғиз сўзлаётган жойи...»

Бахши овози олис-олисларга сингиб кетади. Сайдали қолганини тушимда кўраяпман, деб




ўйлайди, бироқ биз бунинг кўз ўнгимизда со-
дир бўлаётганини кўра-била туриб, қолаверса,
илигимизда оқаётган, айна лаҳзаларда жўшиб
кўпираётган дostonни бутун борлигимиз билан
тинглаб эканмиз, бахши қўлидаги дўмбира дафъ-
атан Сайдалининг қўлига ўтаётганини сезмай
қоламиз. Бахшининг ғойибона сиймоси Сайда-
лининг чехрасида жонланади. Гарчи дўмбира
тутган бахшилар алмашди, аммо мумтоз куй ўз-
гармади! Йўқ, озгина ўзгарди: Сайдали бахши-
нинг дostonи тўла мунг бўлди. Қайғу шакл ола
бошлади:

*«... Шоир ёзар ошиқни,
Ёр тебратар бешиқни,
Майдонда отар эдинг,
Болалар билан ошиқни,
Қилардик кўп қилиқни.*

*Дўстинг меҳри илиқди
Оқ сўяқни ўйнаб тонгда,
Отар эдик илиқни,
Олтов-саккиз ўйнар эдик,
Зувиллашиб чилиқни...»*

Дoston шу жойига етганда бизни ҳам бардош
синайди. Сайдалининг қўли магнитофонга уза-
лади. Мумтоз куй саси тин олади. Бизнинг эса
ичимиздан нимадир қўйилиб келаверади. Фақат
Сайдали инграб юборганча айтган бир гап бизни
хушёр торттиради: «Барибир «макушка» ўйнай
беришади...»



Душанба тонгида Сайдали ҳар кунгидай ишга отланди. Бекатда тумонат йўловчи йиғилган эди. Автобус ҳам ҳаяллаб келди. Оломон ўзини очилиб улгурмаган эшикка урди. Эплаган Сайдалига ўхшаб чиқиб олди, қолганлар қолди. Сайдали эшикда жуда ноқулай туриб олди: базўр ёпилган эшик зинасида бир оёқда турибди. Боз устига, олдада қора, жингалак сочли қиз. Орада қил ўтмас даражада масофа. Нақадар хижолатпазлик, Сайдали! Қара, қизгинанинг сочлари елкачасига тушар-тушмасгина экан, кўқиб ётиши-ю таралмаганига қараганда, эрталаб уйдан анчайин шошиб чиққан. Қулоғида, ажабки, иккитадан тешик, жуфт-жуфт исирға.

Сайдали тикилинчдан ўнғайсизланди. Секин мувозанатини тикламоқчи бўлди. Муаллақ қолган иккинчи оёғини зинага қўяй деб эди ҳамки, кимнингдир оёғини босиб олди. Олдадаги ҳалиги қиз ғалати инграб юборди. Қиз ортига забт билан ўтирилади-ю, Сайдалини кўрди ва:

– Ока, секинроқ-де, энди, кўз боми ўзи? – деди шанғиллаб.

Ёпирай-ёпирай! Сайдалининг оғзи очилиб, донг қотиб қолди. Тикилди-тикилди, лекин тили калимага келмай, ҳанг-манг бўлди. Қаршисида турган, Сайдалининг анграйиб, мўм тишлаб қолганидан гингшишни баттар авжига миндираётган кимса – тим қора жингалак соч... қиз эмас, ўғил бола экан! Эркак экан! Ортидан Сайдалига кўринмай турган юзида эркакларникига хос бирор-бир белги-аломат йўқ эди. Нафрат билан тикилсангиз-да, юзининг оппоқ, терисининг майин ва юмшоқ эканини сезар



экансиз; соқолу мўйловнинг ўрни ҳам йўқ... Фақат манқа бурнининг чап тарафида чамаси бир бўғинча келадиган чандиғи яққол билиниб турар эди.

«Йигитни ёндирар бўлса орият...»

Қандайдир бир ўт-оташ уни куйдираётган эди. У шошаётган эди. Ишхонаси олис. Ҳар куни икки транспортда қатнайди. Бугун-да вақти тиғиз. Сайдали эндигина иккинчи бекатга етиб келган автобуснинг эшиги очилиши биланоқ, сакраб тушди. Сўнг ҳалиги тим қора жингалак соч... эркакни ҳам ёқасидан қўшқўллаб ушлаб судраб тушди. Салондаги йўловчилар айна дамда жанжал бошланиши муқаррарлигини сезишди, шекилли, ҳай-ҳайлаб қолишди. Сайдали уларга қўлини пахса қилиб, ҳеч нарса бўлмайди, кўркманглар, деган маънода ишора қилди. Сўнг ўтирилиб, қўллари орасида худди мусичадек типирчилаётган тим қора жингалак сочга юзланди.

– Сен эркакмисан?! Ўзбекмисан?! – деди қаҳрдан титраб кетган қўллари билан чангалидагини ўхшатиб бўғар экан. – Эркак бўлсанг, эркакка ўхшаб юргин-да, занғар ҳезалак!!!

Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Тим қора жингалак соч... эркак юлқиниб Сайдалининг чангалидан чиқди. Эндигина жилаётган автобусга бир сакраб чиқиб олди. Одамларга аланглади, бир нималар деб тўнғиллади. Чамаси, пастроқ овозда бўралаб сўқди.

Сайдали у билан бир уловда кетишга ор қилди. Бекатда ҳолсизланиб ўриндиққа чўқди, бошқа автобусни кутди.



Ишхонага кечикиб келди. Хонада Сайдалидан бўлак яна тўрт киши ишларди. Бектош Сафар деган қирқ ёшлардан ошган бахшисифат бир киши. Бар-васта, лекин шарпадай юради, сас-товуш чиқармай қадам босади. Фақат француз атирларидан сепади... Яна икки нафар фольклоршунос борки, Ойбек Чўлиев ва Рўзи Холматов дегич бу одамлар бир мавзуда изланиш-тадқиқот олиб боради, қолаверса, бир жойда туғилган, бир даргоҳда ишлайди, яна бир хонада ўтиради, бироқ ўлса-да, гапи бир жойдан чиқмайди. Тортишгани-тортишган. Сайдалининг наздида, уларнинг иккиси ҳам талмудчи¹. Учинчиси эса энг ёш ходима – Ёқутхон, дoston ва термалар матнини компьютерда терувчи, сохт-сумбати келишган қиз. Сайдали уни биринчи бор кўрганида жуда ҳаяжонланиб кетган эди. Шундай гўзал кийинган эдики, бурама кўйлаги эгасига худди узукка кўйилган ёқут кўздек ярашган эди.

Бироқ кейинги пайтларда бу қиз ишхонага шим кийиб келадиган одат чиқарди. Бу Сайдалига мутлақо ёқмас, ундан аввалги жозибани қидиргани-қидирган эди. Бугунгини кўшиб ҳисобласа, Ёқутхонни учинчи марта беўхшов шимда кўриши эди. Қиз хонанинг бир бурчида – Сайдалига ёнбош бўлиб ўтиради. Бир маҳал қизнинг кўлидаги қоғозлардан бири тушиб кетди. Уни олмоқ учун энгашиб, кўл узатган ходиманинг кофтаси тепага, шими эса пастга қараб «тортишди»... Ўртада очилиб қолган

¹ Масаланинг моҳиятини тушунмасдан, уни кўр-кўрона, юзаки ёдлаб олган киши.



белнинг бир қаричча жойи номахрамлар нигоҳидан кўрқиб, докадек оқариб кетди...

(«Кўзларинг ўйилиблар тушса бўлмайдими, Сайдали?»)

Сайдали сакраб ўрнидан турди. Хурпайганча бориб, қадини ростлаб, кийимини ҳали тўғрилашга ҳам улгурмаган қизнинг кофтасини шартга пастга тортиб, шимини қўл учида кўтариб қўйди. Қиз нималар бўлаётганига тушунмай, довираб қолди. Дув қизариб кетди.

Сайдали сўз қотишга ожизлик қилди. Кўз қири билан қиздан нигоҳини узмай турган уч ҳамкасбига боқиб, баттар оғринди. Тутақди. Уҳ тортди. Юрагидами, қаеридадир кучли оғриқ сезди. Пешонасидан чиқаётган реза-реза терни артаркан, чукур-чукур нафас олди.

«Синглим, сизга шу пайтгача кийиб юрадиганингиз қизил гулли, этагингизни ёпиб турадиган кўйлагингиз жуда ярашарди. Яна оқ капалакли кўйлагингиз бор-ку, ўшаям сизга зап ўтирарди-да! Илтимос, ўша кийимларингизни кўпроқ кийиб юрсангиз. Ҳар ҳолда...» – демоқчи бўлди. Лекин қаёқда, гапиролмади. Хона деворларига, шифтига, столи устида турган достону сочилиб ётган қўлёзмаларга бир-бир тикилди. Маънисиз кўз югуртирди. Ори келди! Бўртиб чиққан, гуп-гуп ураётган юрагининг тажассуми бўлмиш чакка томирларини оҳиста силади.

Карахт бўлиб қолган Ёқутхон эса Сайдалининг кўзларидан уққан недир сўзларни миқ этмай эшитди, гўё. Кўзлари пир-пир учди, лаби қимтинди, лов-



лов ёнаётган юзларини қўллари билан бекитганча туфлисининг учига термулиб қолди...

Шомга яқин Сайдали ҳорғин бўлиб уйга қайтди. «Дом» олдида яна ўша ҳолат: хотин-халаж, бола-бақра... Ҳув нарида Ёқубжонлар. Бугун уч эмас, беш нафар Ёқубжон «дом» тагида турган машиналарни оралаб, қўлда дарахт шохларидан ясалган «милтиқ»лар билан бир-бирини «отмоқда»: «пақ!» «пақ!». «Сен ўлдинг, Диёр!» «Теккани йўқ-ку, Жалол?..»

Сайдали мийиғида кулиб қўйди. Бир тўда ғийбатчи хотинлар ёнидан доимгидан бир парда юқори, ўктам овозда салом бериб ўтди. Ўн қадамлар юриши билан ортидан кимдир «ҳей, ука!» дея чақирди. Ортга қаради. Қўшни хотинлардан бири имлаб, олдига чорлади. Борди.

– Ука, кеча мани болаларимга нимага дўқ қилдингиз? – деди қўшни хотин. – Ўйин ўйнама дебсиз? Кимсиз ўзи, болаларга ўйинни тақиқлайдиган? Бориб, ўша қишлоғизда хўжайинлик қилинг, хўпми? Қишлоқиларизга ўргатинг қандай ўйин ўйнашни, майлими? Ҳе, сенга ўхшаган...

Қўшни хотин оғзи очилса, қайтиб ёпилмайдиганлар ҳилидан экан. Сайдали биринчи саволдан сўнг дарҳол қўшни хотинга бўлган воқеани ижикилаб тушунтириб бермоқчи, мақсадини рўйи-рост айтмоқчи эди. Қараса, у эшитадиган эмас. Хаёлига келган ўйи абас эканини билгач, қайрилди-ю кетди. Подъезддан чиқаётиб, ўзини лоҳас ҳис қилди. Боши гир айланиб кетиб, деворга уриб олди. Пешона-



сини ушлаб кўрди, девордан юкқан гардни артган қўллари бўртиб-бўртиб турган чакка томирларини оҳиस्ताгина силаб ўтди.

...Тонг. Бугун ҳаво тунд. Қуёш нурлари кулранг булутлар орасида гўё гойиб бўлиб бормоқда эди.

Хайрият, бекатда одам сийрак. Ана, автобус ҳам кела қолди. Сайдали ўтирғичда хаёл суриб кетаётганди. Кимдир елкасига қўлини қўйди. Бакувват қўл! Сайдали кимдир жой сўраяпти, деб ўйлади. Дарҳол турди-да, келинг, ўтиринг, демоқчи бўлди. Қараса, ўзидан ҳам навқирон, лекин барваста бўзбола экан.

– Ака, – деб гап олди у. – Ҳозир автобусдан тушайлик, сизга бир маслаҳат бор эди.

– Хўп. Тинчликми ўзи, оғайни? – деди Сайдали хайрон бўлиб.

– Тинчлик, тинчлик, – деди барваста.

Автобус бизга таниш иккинчи бекатда тўхтади. Барваста бекат ортига йўл бошлади. Ўтишди. Барваста керилиб тўхтади. Керишди, бўйинларини у ёқ-бу ёққа бурди. Сайдали нима гаплигига сира тушунолмади энди оғиз жуфтлаган эди ҳамки, барваста баркашдай келадиган мушти билан ичига туширди. Сайдали зарбадан икки букилиб қолди. Ер тишлаган Сайдали чинқириб юборди. Шунда барваста яқин келиб, Сайдалининг ёқасидан кўтариб турғизди.

Рўпарасида бир кимса гердайиб турарди. Оғриқданми, хира тортиб қолган кўзларини бир-икки очиб-юмгач, пешонасидаги одамни тани-



ди. Манқа бурун, чандиқ... Не ажабки, у тим қора жингалак сочини олдирибди! Қулоғида зираклариям кўринмади!

Сайдали қаршисидаги кимсанинг кўзларига тик боқиб, синиқ илжайди. Голибона кулди. Сўнг бор кучини тўплаб:

– Соч олиб, сирғаларни ечибсан-у, барибир эр-как бўлолмабсан-да! Бировнинг қўли билан урасанми? – деди.

... Оғриқлар сезилмай қолди. Шишлар кетди. Шифокорлар рухсат беришгач, Сайдали ишга чиқадиган бўлди.

Ишхона уни ғалати кутиб олди: ҳамма унга бошдан-оёқ тикилиб чиқади. Ҳол сўрайди. Бироқ сўрашишларида у соғинган меҳр, илиқлик, самимийлик йўқ... Сайдали оғир хўрсинди. Деразага термулди. Шу пайт узундан-узун, тўпиғини ўпиб турган оқ капалакли кўйлақ кийган, фатила-фатила сочлари товланиб, ўйноқилаб келаётган бир қизга кўзи тушди. Орага чўккан жимжитликни бузиш учун атайлаб ҳамкасбларига савол ташлади:

– Бектош ака, анави қиз ким?

Бектош ака деразага қаради:

– Ие, Сайдалибой, кўзингизни шиши ҳали кетмабди-да! Бу ўзимизнинг Ёқутхон-ку!

– Ия, ия... – деди Сайдали кулиб. – Наҳотки...

У ичида қаттиқ суюнди.



Ўзимга мен янги ҳаёт тўқидим...

Усмон АЗИМ

У ниҳоят орадан шунча йил ўтиб қалбига яна бостириб кириб келди...

Хонасида мук тушиб, бошини қоғоздан узмай ишлаб ўтирган Орзиқул эшиги оҳиста тақиллаб, секин очилганини, ундан бир тим қора соч қараб турганини ҳам пайқамади. Ўқиётганидан кўзини узмади. Келмиш қорасоч узун-узун, келинбармоғи билан эшикни яна мулойимгина чертди. Шундагина бошини кўтариб, бир зум анграйиб қолди... ва ўрнидан туриб кетди.

– Ие, Умида?! – деди овози титраб.

Келмиш қорасоч эса эшик ортидан чехраси ёришиб, минг бир жилва билан қадам босди.

Орзиқул бир қадам юриб, тўхтади. Тилига гап келмай, на саломлашишни, на жим туришни билиб, илжайиб, қоққан қозикдай туриб қолди. Умида ундан ҳам беш баттар қизариб кетди. Ўртадаги неча йиллик айрилиқ, соғинч ҳисси шу дамда иккисига ҳам оғир дақиқаларни тухфа қилган эди. Орзиқулнинг аҳволини кўрган қорасоч нозиккина қўлини чўзди ва:

– Салом!.. – деди.

Орзиқул унинг қўлини тутар экан, юраги кўпириб, энтикиб кетди... Иссиқ қўл... Қайноқ тафтни туйди. Улар қўлни қўлга бериб, кўзларига термули-



шиб, бир нафас тек қотиб қолдилар. Гаплашмади, дардманд кўзларгина тилга кирди:

«Сени кўрар кун ҳам бор экан-ку, Умида?!»

«Бор... Мана, келдим-ку?! Фирмангизга иш билан келгандим, шу ердалигингизни ҳозир билиб қолдим... Ўзингиз-чи, ўзингиз, бир йўқламадингиз ҳам...»

«Ахир...»

«Нима қипти? Ҳеч бўлмаса, йилда бир мартагина... ана, дугонам Сарвиноз орқали бўлсаям, йўқла-сангиз бўларди-ку...»

«Бўларди-ю...»

«Эрга тегди, бўлди энди, деб ўйлагансиз-да? Қўрқоқвой-ей...»

«Кўй, энди, Умида, менинг ҳам кўнглимни яра-лама...»

«Ҳалиям хафамисиз?»

«...»

Иккиси ҳам ўтиришди. Орзиқул тикилиб қолди. Умида ҳеч ўзгармабди. Ўша-ўша меҳр тўла кўзлар, бир пайтлар қўллари силаганда ярқираб кетадиган манглайи, титраб турадиган лаби, оппоқ кулчадек юзи...

Орзиқул «оҳ» тортиб юборганини билмай қолди. Бир пайтлар ҳар кўрганда қанча энтикса, ҳозиргиси минг чандон зиёд, эҳтимолки, юракнинг тасаввур қилиш мушкул тубидан чиққанди. Умида буни сизди, ийманиб, кўзини олиб қочди. Термулгувчи кўз эса ийигандан ийиб кетди. Бир вақтлардагидек қўлини кафтида тутиб, сочларини силагиси, меҳрга беланган кўзларига термулиб, ўзни унутгиси



келди. Аммо бунинг имкони хув аллақачонлар қўлдан бой берилган эди... Иккиси ҳам айро ўзан бўйлаб оқиб кетган сув эди.

Орзиқулнинг юрагини ана шу адоқсиз армон кемирарди. Ўшанда... Йўқ, у ўйлагандай бўлмаганди. Дунёни гафлат босганда, инсон кўзини ҳирсу ҳаво қоплаганда гул булбулга зор бўлди, ёруғликда парвонадан дарак ҳам йўқ эди. Қалбда бемисл ташналик илдиз отди.

Ўша машъум кунда қўлига бир парча қоғоз етиб келди. Гангиб қолган Орзиқул бу ёғига яшаш абас эканини англагандай бўлди. Абгор қиёфасидан ўзини давраларда ортиқча сезадиган бўлиб қолди. Дунёга сигмай кетди. Мажнуннинг аҳволи ҳаммага маълум эди. Ўйлаганидек, ўтаётган вақт бундай одам учун ўлимдан оғир. Тўғри-да, одам ўзини ўзи бегона сезса, нима бўлади? Ўлади! Тириклай тамом бўлади. Қиёфаси, тани-жони бўлади-ю, руҳан ўлади. Шакл бор – маъни йўқ.

Шундай пайтларда у хаёл қиларди: маҳзун бир куй таралса, секин-секин авжига кўтарилса, ноланинг иси келса. Отангни эсласанг, онангни ёд олсанг, ака-ука, опа-сингилларингни бир-бир кўз олдингдан ўтказсанг. Сўнг... сўнг кўзларингдан оқаётган видо ёшларини артсанг-у ортингда қолаётган одамлар билан бир-бир хайр-хўш қилсанг. Фойибона видолашсанг.

Маҳзун куй давом этса...

Қайтиб кўришмайдиган бўлиб видолашсанг. Ўй-хаёлларинг, орзу-умидларинг билан маъзурашсанг.



Орзикул бошини бир кўтарди-ю, жиққа ҳўл бўлган болишни айлангириб, тескари қилди-да, яна зилдай бошини қўйди. Ётиб-ётиб кўргани не бўлди? ... Тушида ўлган эмиш. Жонсиз танасини... ўзи ушлаб кўрган эмиш! Ҳайрон бўлиб, ўзини туртди. Қи-мирламади. Худди бировнинг ўлигини кўшқўлла-гандай, сесканиб кетди. Мурдаси қотиб ётаверди...

«Демак, ростдан ҳам ўлибман...» – дея ўйлади. Кейин нарироқ бориб, ҳавода муаллақ турганча, кузата бошлади.

Ана, танаси ётган хонага беҳосдан онаси кириб кела солиб, ўзини ташлади. Жасадини кучоқлаб, кўкрагини мушглаб, уввос солиб йиғлади. Онасини овутаман деб, отаси чўккалади-ю, бўзлаб қўяверди. Рангпар укаси кўзидан отилиб чиқаётган ёшларни арта-арта остонага яқинлашди. Синглиси ичидан куйди.

Тушдаги бу йиғи Орзикулни қайта ўлдирди...

Шу онда очиқ деразадан эсиб турган майингина шабада пардаларни бир зайлда ҳилпирата бошлади. Баҳорий ҳаво... Қулоғига чалинган куй чала уйқу-даги Орзикулнинг дилини ўртаб юборди. Бу куй-да недир бир синоат, недир бир қизнинг ҳазин қўшиғи, ўца хотиридан кетмас дилдорнинг нолалари, «оҳ»лари бордек эди. Бир пайтлари шивирлаган қалб сирлари бор эди...

Орзикул узала тушиб ётганча, бутун – қайсидир қишлоқда ўтаётган қандайдир бир тўй маҳали – ана шу сирларни бир умр қандай қилиб юрагида сақлаб юриш мумкинлигини ўйлади-ю, эти музлаб кетди, Яратганнинг бир куни бунча узун бўлмаса...



Орзикул кўп дўстларининг тўйини кўрди. Шод-шодон жуфтликларни учратди. Ҳаваси кетиб, не-не орзулар қилди. Умида билан ёнма-ён, бирга яшашни тасаввур қилиб юрди, ўғил-қизлари бўлишини ният этди. Баъзан шу ўйларидан ўзи уялиб кетар, кипригида авайлаб юрган Умидасини ҳатто ўзининг телба хаёлларидан ҳам қизғонарди. Бу қизғонишда Орзикулнинг бутун олами, ихоталанган кўнгил талаблари бор эди. У фақат ва фақат ўзиники деб тасаввур этарди.

Қизгина буни сезар, сезган сари тагин ҳам очилиб кетгандай бўлар, хушрўйлашиб, Орзикулнинг кўнглини буткул асир этарди. Курсдошлари ошиқ-маъшукни зимдан кузатар, кўпининг дили гашланиб, очикча ҳасад қилар, ғайирлиги келарди. Айрим дугоналар Умидани йўлдан уриш илинжида кўп бор қутқу солиб кўрди. Ақлли қиз эди, парво қилмади, чап бериб юраверди.

Воҳ! Орзикул айна дамда ўша чоғларни эсларкан, юрагининг бир чети жизиллади. Қаршисида ўтирмиш жувоннинг дам яноқларига, дам пешонасига термулаверди. Бу ярқираб турган юз ўт бўлиб куйдирди.

– Бир-биримизга анграйиб ўтираверамизми энди, – дея жилмайди жувон ноқулай вазиятдан чиқиш ниятида. – Янгиликлардан гапиринг? Нима гаплар бор, оламда?

Орзикулнинг ширингина хаёли бузилди, талмовсираб, нима деярини билмай қош чимириб қўйди.

– Билмасам, – деди. – Яхши гаплашиб ўтирибмиз-ку? – Бу жавобда ҳеч бир маъни йўқлигини,



ахир, гаплашиш тугул дурустроқ саломлашмасдан ҳам, олис хотираларга берилиб ўтирганини англаб, қўшиб қўйди: – Ҳаммаёқ тинч... Чой қуйиб берайми?

– Ихтиёрингиз...

«Уҳ!...» – деди ичида Орзиқул. «Ихтиёрингиз!» Умида шугина сўз билан Орзиқулнинг жонини оларди. Сезишича, бу сўзни фақатгина Орзиқулга айтарди. Телба ошиқ бундан бора-бора бир махфий маънини англади: маъшуқасидан эшитгани ҳамон кўнгли ўн қулоч ўсар, юраги тўлиб-тошиб кетар, арзирли бир жавоб излар, лекин доим сукутдан ўзга чора тополмас, кўзига тикилганча ҳайкалдай қотиб қолар; тикилганда ҳам унинг кўзида ўзининг суратини кўриб, аҳволдан хижолат тортар, бироқ ҳеч бир куч киприк қоқишига мажбур этолмас эди. Лекин Орзиқул ҳозиргача бир саволга жавоб тополмайди: нега ўша пайтлар қайси қизни учратмасин, дарров Умидага қиёслаб кўрар, уларнинг ҳеч биридан Умидада бор ненидир тополмасди...

Умида ҳам ўзи каби кўнгила қули эди. У ҳам Орзиқулга қандай боғланиб қолганини ҳеч қачон аниқ эслаёлмас; вақт ўтиб, қарасаки, усиз туropolмайдиган, бир сония хаёлидан ўтказмаса, юрагида кемтиклик сезадигандай, ҳатто, кейинги пайтлар нимагаки қўл урса, гўё Орзиқул унга қайдандир қараб тургандай туюлар, тушида ҳам, хушида ҳам кўз қири билан боқиб, соғинчини яширолмаётган телба каби эс-хаёлида гавдаланар, ўзи эса ҳар нарсани унинг қаричи билан баҳолаётгандай бўлаверарди. Бу ғалати туйғу



олдида ўзини ожиз сезиб, бошқаролмайдиган даражага етаётганини ҳис қилса-да, ажабки, бундан кўнгида суюнар, жиндеккина ғурурни ҳам туярди... Ахир, кимсан, ҳар ишда ўз айтганини қиладиган телба-қайсар, бир сўзли, қатъият бобида маррага биринчи етадиган Орзиқулдек йигит унинг олдида доим ҳаяжонда турарди... Мана, ҳозир ҳам – чой куйиб беряпти ҳамки, бармоқлари қалтираб, шу сохт-сумбати билан ҳаяжонини босолмаяпти.

– Нима янгиликлар бор, Умида? – деди Орзиқул ҳеч гап тополмай. – Қаерларда... яшаяпсиз?..

– Қаерда бўларди... қўшни туманга тушганман-ку, – деди Умида. Кейин Орзиқулнинг кўзига синовчан тикилди: – Нима, билмасмидингиз?

– Йўқ! – деди Орзиқул. Билар эди, шу топда айтишга кўнгли ёр бермади. «Билгим ҳам келгани йўқ», деб юборишига бир баҳия қолди-ю, тилини тийди.

– Эшитгансиз, деб юрувдим...

Бир муддат жим қолишди. Иккиси ҳам пиёласидаги чойга тикилиб, гапиришга жазм этолмади. Орзиқул зимдан Умиданинг бармоғида никоҳ узугига кўзи тушди-ю, чап кўксида жизиллоқ турди. Умида таъқиб қилаётган нигоҳни сезди, шекилли, қўлини қўлига чалиштириб, узугини кўздан пана қилиб олди ва:

– Ўзингиз-чи? – деди. – Уйингиздаги... лар яхши юрибдимми?

Орзиқул ярқ этиб қаради. Саволдаги алоҳида таъкид нашъа қилиб кетди. Дангалига тили бормаганини ўзича тушунди ва истехзоли кулди:



– Ҳа, отам ҳам, онам ҳам яхши юрибдилар!

Умида пичингга қаноат қилмади.

– Ҳм, болаларингизнинг... онаси-чи?.. – дея ўсмоқчилади.

– Уям бардам, – чўрт кесди Орзиқул гап йўналиши неча йиллардан бери кутилаётган томонга ўзгараётганидан ташвишланиб.

– Чиройлими?..

– Ҳа...

– Мендан ҳамми?..

Орзиқул бундай нозик саволга нима деб жавоб беришни билмас эди, шу боисдан каловланиб қолди. Умиданинг феъли унга маълум эди-ю, бу каби анчайин жиддий, сирли ва хийла нозик саволни кутмагани рост. Шунинг учун чорасизликдан азалгидай ҳазил аралаштирди:

– Чиройда сиздан ўтадиганини учратмадим ҳали...

Умида буни ожизгина илтифот деб билди ва шу заҳоти алам отига қамчи босди:

– Доим журъатсиз бўлгансиз...

О, ҳаммаси тамом! Орзиқулнинг жон жойидан олди! Ниҳоят ўқланган тўппонча отилди! Назарида, Умида шунча йилдан бери ўйлаб-ўйлаб, минг бир хулосалар орасидан чиқарган ва ўта тигли сўнгсўз эди бу, гўё. Ҳозир бу тиг Орзиқулнинг шундоқ ҳам шалвираб қолган юрагини тирнаб-тирнаб ўтгандай бўлди. Куйдиргувчи оловга ўзини уриб нобуд қилган парвона каби таслим бўлишдан ўзга иложи йўқ эди, лекин бўш келиш ҳам ярашмас эди:



– Гап журъатда эдими, Умида? – деди ёниб. – Отангизнинг талаби-чи? У талабни эшитган ҳар қандай йигит йўлини шартга терс солиб кетарди. Ҳалиям мен...

– Нима, сиз?

– Ҳалиям мен жимгина, индамай қўйганман...

– Ия! Бу оддийгина синов эди-ку... – деди Умида меҳр билан Орзиқулнинг кўзларига тикилиб. – Аслида отам ундай демаган, мен ўзим сизни синаб кўриш учун ўйлаб топгандим.

– Нима?!

– Шундай...

Орзиқул устидан бир челақ муздай сув қуйгандай бўлди. Умидага қаҳр тўла кўз билан қаради: «Наҳотки... наҳотки, шундай бўлган, Умида? Нега бундай қилгандинг? Нима учун йўлимиз айри ташаётганда ҳам буни айтмадинг? Нега? Ахир мен йигитлик шаънимни ҳимоялаб, ўз муҳаббатимдан айрилаётганимда сен...»

Тизгинсиз саволлар қўйилиб келаверди. Орзиқул асабий қўлини мушт қилиб тугди.

– Кўп муҳокама қилинган муҳаббат барбод бўлиши рост экан... – деди кейин алам билан. – Демак...

– Нима қилишим керак эди? Ҳеч қандай муаммо йўқ жойда ўзингиз... хайр-хўш ҳам демасдан... Йигит кишиям аразлайдим?

– Мен аразламаганман!

– Унда нега совчи ҳам юбормаган эдингиз?

– Менинг ўрнимда бўлганингизда...

– ...дадилроқ бўлардим!



Орзиқул Умидани таниёлмай қолди. Ўзи у нима демоқчи? Нега ўтмишда қолиб кетган, ҳар эсга тушганда юрагини азоблайдиган гапларни кўзғаяпти? Мақсади нима ўзи? Ахир...

– Умида, қўйинг энди шу гапларни, – деди парижонхотирлик билан. – Эр йигит ҳар куни ўзгариб, буқаламундай тусланмайди... Сизга етолмаган бўлсам ҳам ачинмайман, мен ҳеч қачон айтган гапимдан қайтмаганман. Андиша йўл бермади, Умида, андиша... Отангиз ўзи ваъда қилганига бериб, орзусига етган бўлса, бўлди-да. Қўйган талабига эрман дегани рози бўлмас эди-ёв...

Умида, бундай кутилмаган кескин ва кескир пичингга тайинли жавоби йўқ эди чоғи, индамади. Шу гап адоғида суҳбат ҳам узилди. Ҳаммаси равшан эди. Умида кўзғалди. Оғир тин олди. Эшикка йўналаётиб, сўнгги бор қаради...

«Майли, қўявер, Умида, айб икковимиздан ҳам ўтган-да...»

«Мен чорасиз эдим... Қиз бола бўла туриб, мен ўзим ёнингизга келиб, ҳаммасини айтиб, узр сўрасамми дедим, лекин қиз бола деган отим бор эди. Мен ҳам андиша қилдим-да... Қолаверса, сиз бир оғиз ҳам «Сени севаман» дея олмагансиз-ку! »

«Мен... айтмасдан севардим, Умида!»

«Совчи ҳам...»

«Тақдир экан-да, Умида, нимаям қилардик... Хўш, ўзинг омонми? Ҳаётинг тинчми?»

«Нолисам бўлмас, шукур. Тинч яшаяпман».

«Бахтингни... топдингни?»

«Ҳм... Ўзингиз-чи?»



«Мен ҳам...»

«Хўжайиним жуда яхши одам. Баъзан ўзимнинг эркалигим, тантиқлигим, жуда худбинлигим билан у кишига кўп жабр етказиб, хафа қилиб қўймайманми деб ўйлаб қоламан. Лекин у одам мени жудаям иззат қилади. Ҳамма эркалигимни кўтаради. Сизники-чи? Аёлингиз?...»

«Биласан-ку, мен ҳам жуда инжиқман. Аммо аёлим феълимдан нолимайди. Ҳурмат қилади...»

«Болаларингиз-чи? Кимга ўхшайди?»

«Ўзимга... Каттаси онасига... Сенинг болаларинг-чи?»

«Меникининг учови ҳам дадасига тортган... Қўйиб қуйган ўзи...»

«Шукур... Бахтиёр экансан...»

«Ҳа, мен ҳам сизнинг бахтингиздан хурсандман...»

Минг йиллик айрилиқдан кейинги бу биринчи, эҳтимолки, сўнгги учрашувда нигоҳлар шу зайлда беомон сўзлашди. Бир-бирига қоришиб омонлашди. Бироқ бу нигоҳлар бир-бирини алдаётганини иккиси ҳам аниқ сезиб турар эди... Икки юракнинг ҳам бир четида ўз Умидаси, ўз Орзиқули қолаверди...

2015 йил, март. Тошкент



Жасур Кенгбоев Қашқадарё вилояти Чироччи туманидаги Кўкдала қишлоғида туғилган. 2003-2007 йилларда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетида таҳсил олган. У «Истеъдод мактаби» VII республика ёш ижодкорлар семинари иштирокчиси.

Ўтган йили Жасурнинг «Кўҳна белбоғ» номи илк ҳикоялар китоби ўқувчилар қўлига теккан эди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, ёш носир ўзининг иккинчи китобини нашрга тайёрлади. Ушбу жилдга илк китобда чоп этилган ва кўпчиликка анча маъқул бўлган «Юракнинг бир чети», «Кўҳна белбоғ», «Қайноқ кучоқ» каби айрим ҳикоялар ҳам киритилган. Ҳатто, улардан бири китобнинг сарлавҳасига олиб чиқилган. Хуллас, носирнинг «Юракнинг бир чети» (Ҳикоя ва ҳажвиялар) номи иккинчи китоби ҳажман унча катта бўлмаса-да, унда ёш адибнинг йигирмата ҳикояси жамланган.

Маълумки, ҳикоя жанрида яратилган асарда қаҳрамон ҳаётида қисқа бир давр оралиғидаги кечган воқеа қаламга олинади. Ҳажм масаласи жанрнинг турғун белгиси бўлмаса-да, ҳикоя



кўпинча ҳажман кичик, персонажлар сони камлиги билан характерланади. Китоб сарлавҳасига чиқарилган «Юракнинг бир чети» ҳикоясида XX аср ҳикоячилигининг илк босқичидаёқ тасвирга олина бошлаган икки ёшнинг ишқ-муҳаббати билан боғлиқ: орзу, умид, айрилиқ, соғинч ва армон туйғулари, аниқроқ айтганда, бой берилган имконлар туғдирган изтироб ҳислари қаламга олинган. Асар қаҳрамони Орзиқулнинг орадан вақтлар ўтиб журъатсизлик сифатида баҳоланган хатти-ҳаракати аслида, йигитлик шаънини ўйлаб иккиланиш ва қиз бола «қув»лигини англай олмаслик экани аён бўлади. Ғалати «синов» қанчалик қимматга тушмасин, қизлик андишаси сабаб Умида ҳам ўз бокира муҳаббатини юрагининг олис бир буржига гизлайди. Жисман эришилмаган, аммо икки юракда гоҳ гинахонлик, гоҳ армон билан ардоқланиб келаётган илк муҳаббат ҳақидаги азиз хотиралар китобхонни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Ҳикоядаги сўзсиз ва беомон суҳбатлар – дардманд нигоҳлар дийдорлашуви билан боғлиқ поэтик тасвирлар кишини олис болаликка етаклайди, унинг қалбида соғинч ҳисларини уйғотади. Шунга қарамасдан, назаримизда, ёш адиб ички туйғуларни мусиқий оҳанглар уйғунлигида беришда «Ўткан кунлар» (А.Қодирий), инсон руҳининг туш ва реаллик, хаёл ва ҳаёт оқимларида иккиланиши тасвирида «Минг бир қиёфа» (О.Мухтор), романлари, айрим ўринларда, Т.Мурод қиссаларида кўзга ташланган ифода йўсинларига эргашаётгандай туюлади.



Китобни варақлаган ўқувчининг кўзи «Мунг» номли биринчи ҳикояга тушаркан, «Нега китобхон билан дийдорлашувчи илк саҳифаданоқ мунгли оҳанглар танланди экан?», деган хаёлга боради. Чунки ҳикоя онгидаги нутқни тасаввурда эшитиш асносида кўнгилнинг бир четидан ана шу фикр мўралаб туради. Бу эса, китобхонни тасвир предмети мазмун-моҳияти ва унга муаллиф муносабатини кузатиш сари етаклайди. Ҳақиқатан ҳам, ҳикоянинг мазмунида изтироб ва мунг бор. Лекин у теран ҳаётсеварлик ва элсеварлик, миллий қадриятларга эҳтиром ҳисси билан йўғрилган.



Менга Жасурнинг ҳикоя бадиий вақтини: «Қизғалдоқ иссиғи этни куйдиради», «Аёзнинг қаттол қамчиси ситилиб, дастасидан ҳовур кўтарила бошлаган палла» ёхуд «намозшом маҳали» тарзида белгилаши ёқди. Жасур Кенгбоев аксарият ҳикояларида бадиий вақтни юқоридаги тарзда белгилайди. Масалан, «Тирик товон»да аёлнинг юкли бўлиши ҳақида гап кетаркан: «кўйлагининг бурмаси кенгая бошлаган» маҳал, деган ифодага дуч келамиз.

«Мунг» ҳикоясида елкасидаги хатолар залвори билан бу дунёни тарк эта олмаётган, ҳаётга ташна, гуноҳлари кечирилишидан умидвор тоға кўзларида аксланмиш маънолар тасвирини асар финалига олиб чиқиш, Янга образининг қаҳрию меҳри билан ардоқли экани каби жиҳатлар орқали шарқона колоритни ишонарли ифодалашга эришилган. Ҳикоядаги Абдул Носир

образи даштни, кенгликларни, полвону чўпонлар гурунгини кўмсаши, улар билан бирга ётиб, бирга туриши, тўй-кўпкарларда ҳамдам-нафаслиги каби жиҳатлари билан севимли адибимиз Тоғай Мурод прототиби эмасмикин, деган фикр ҳам уйғонди. Қаҳрамонлар аксарияти от миниб юриши, уларда дашт одамларига хос оркашлик, меҳр-оқибат, сўзда собитлик фазилатлари бўртиб туриши, ўзбек ўз тутумларини эл назари, умумнинг муносабати билан ўлчаши сингари жиҳатлар ёш адиб кузатишлари ҳаётини асослари мустаҳкам эканини кўрсатади, изланишларига умид назари билан қарашга асос беради. Бунга қўшимча тарзда, Жасурнинг вазият-ҳолатлардаги нозик сезимларни илғаш, портрет чизиш, эпик баёнчи образини гоҳ муаллиф, гоҳ персонажга кўчириш каби ижобий ютуқларини ҳам эътироф этиш керак. Айни пайтда, тирик жайдари қўй думбасини кесиб ейиш чўпон-чўлиқнинг энг ширин емаги экани билан боғлиқ тасвирлар камдан-кам учраши мумкин бўлган хусусий ҳол экани, унда акс этган ҳодиса замирида шафқатсизлик кузатилиши учун менга маъқул бўлмади. Зотан, ёзувчи бадиий асарда миллат тийнатидаги энг ёрқин нуқталарни кўз-кўз қилиши керак.

«Тирик товон»даги Тилов ўз ўтган умрини тафтиш қиларкан: «Ай, мен ўзимни одам санаб юрибман-а», деган тўхтамга келади. У ўз қилмишларидан афсус-надомат чекаркан, дили эрийди. Кўнгли тавбага келган банда эса, гуноҳлар



юкидан халос бўлиб, шукроналик сари юз буради. «Тор кўча» ҳикоясида ҳамсоялар муносабатидаги тийиқсиз қайсарлик барҳам топади. Элнинг эътибори туфайли қаҳр меҳрга, жанжал биродарликка айланиши ҳаққоний тасвирланади. Айни пайтда, ҳикоячи қалбидаги қадрдон қишлоқ соғинчи, болалик дамларни қўмсаш ҳислари ҳам китобхон қалбига кўчади.

«Панд берган момо»да Шокиржонга хос «содда»лик устидан енгил кулги туйғуси яққол сезилиб турса-да, баёнчи унинг латифанамо ҳаётини нурли хотира ва ширин орзиқиш билан эслайди. Сердиққат, қўнимсиз, ўзига етгулик дангаса ва ялқов, лекин жуда хушчақчақ одамни: «У ҳамкасбим бўлади. Қадрдон дўстларимдан», дея эслашида халқимиз орасида турфа қиёфали одамлар бисёрлигига ишора бор. Ҳикоядаги Насриддин Афандидан бир туки кам бўлмаган Шокиржон эшон бунинг ёрқин мисолидир.

Жасур Кенгбоев «Барзанги» ҳикоясида инсоний меҳр-муҳаббат, инсоф-диёнат, ҳалоллик масалаларига эътибор қаратади. Муаллифнинг илм-маърифат эгаллашдан мақсад: заҳматкаш ва бардошди қишлоқ одамларига қайишиш, уларнинг оғирини енгил, бирини икки қилишдан иборат бўлиши кераклиги ҳақидаги қарашлари эътиборни тортади. Лаҳзалик кўрқув ҳиссини енга олишнинг ўзи инсоний жасорат экани ёхуд Аллоҳ қаллобнинг эмас, балки беғубор, содда ва ҳалол инсон ишини ўнглаши ҳақидаги хулосалар китобхонни бефарқ қолдирмайди.



Жасур ҳали талабалик даври таассуротларидан унча узоқлашмагани туфайли бўлса керак, ўз қаҳрамонларини кўпинча, ётоқхона ёки ижарада яшовчи кишилардан танлайди. Жумладан, «Барзанги»даги усти юпун ва ўзи нимжон Йигит талабалар турар жойида яшайди. «Ҳамдард»даги ўн бир яшар Лазиза ойиси билан ижара уйда ночоргина турмуш кечиради. Йўқолган телефонни топиб олган ўспирин ҳам бемор ойиси ва синглиси билан яшайди. Шунга қарамасдан, бундай қаҳрамонларни инсоф ва меҳр туйғуси ўзаро бирлаштириб туради. Бизнингча, ёш носир «Ўғригина болам» (Ғ.Ғулом) ҳикоясидан таъсирланган. Чунки «ўғри»нинг инсофли экани, турмуши ночор кишиларнинг бир-бирига ҳамдардлиги муайян маънода, шундай дейишга асос беради.

«Оқсоқол» ҳажвий ҳикоясида маҳалла оқсоқоллигини эгаллаб, ўзини катта ола бошлаган Режабой «қилмиш»лари: «Қўлида бит ўлмаган одамга амал бер-да, кейин томоша қил», «Мевани пўсти сақлар» каби мақол ва учирик иборалар орқали фош этилади. «Отангнинг кети эшакнинг белини яғир қилган», «Эшак маслаҳатлашиб ҳанграмайди-да», «Бой бўлиб болтаси йўқ, гадоё бўлиб – халтаси» каби кулгу ва пичинг аралаш тасвирлар Режабойнинг: «Тишинг борида е, эгнинг борида кий!», деган жайдари фалсафасини инкор қилади. «Ғишавачилар ғуссаси»да носир ҳажв тиғига нишон бўлган чолларнинг мисқолдай ғишаваси эмас, балки Хушвақтнинг



тадбиркорлиги боис ўртадан бегоналик ҳисси кўтарилиб, ошна-оғайничилик мустаҳкамланиши муҳим саналади. Бинобарин, бизнинг халқда одам қадри унинг элга қўшилиши, шу эл эътирофи билан белгиланади.

«Нотаниш аёл» ҳикоясида виртуал дунё – «Фейсбук» каби ижтимоий тармоқлар фаолиятида кузатилувчи айрим нуқсонлар эшитганларини қўшиб-чатиб, бошқаларга сасиб юрадиган хотинларга қиёсланади. «Қайноқ қучоқ» ҳикоясида Андақул ака ҳажв тигига йўлиқади. Лекин носир ўзбекнинг қучоқлашиб кўришиш удумида катта инсоний куч, ҳарорат тафти мужассам эканини кўрсатишга уринган. «Пули тўланган ҳикоя» асарида айрим таҳририятларда ўрнашиб олиб, ёш талантлар ўсишига тўсиқ бўлаётган бўлим муҳаррирлари, «Гурбатхона»да фолбинлик ва дуохонлик, ҳажв қилинади.

Биз Жасурбекнинг «Футболдаги қотиллик» ва «Оламшумул асар» каби кўплаб ҳикояларида Мойли бува образига дуч келамиз. «Оламшумул асар» ҳикоясида адабий ҳаётда кузатила бошлаган батафсилликдан қочиш ва ихчамликка интилиш тамойилига нисбатан ироник муносабат билдирилади. Муаллиф тасвирга олинаётган замонни аниқ кўрсатмайди. Лекин бозор иқтисодига ўтиш даврларида кузатилган нақд пул муаммоси билан боғлиқ айрим муаммоларга урғу берилишидан асарда яқин тарихимиз билан боғлиқ воқелик қаламга олинганини илғаш мумкин. Аслида, ҳикоянавис муаммо кўтармоқчи эмас.



Унинг мақсади илмий-адабий ҳаёт, оммавий ахборот воситалари айрим «юлдуз»ликка даъвогар ёш журналистлар реал ҳаётдан йироқлигини ҳажв қилишдир. Бинобарин, у муайян ҳаётий вазият-ҳолатларни бадий умуллаштириш, уларга ғоявий-ҳиссий муносабат билдиришга интилади.

Табиатан мутойибага мойил, аммо замонавий юмор ва сатира хусусиятларидан холи бўлмаган ҳажвларида муаллиф танқид объекти ҳақида ошкора сўз юритмайди. Субъектив ва умуминсоний манфаатларни ўзаро умумлаштиришга уринади. Кулгилилиқ ва киноя «ниқоби» замирида жиддий ҳаётий муаммоларга муносабат, мавжуд ҳолатга ачиниш туйғуси, ҳатто унинг айрим жиҳатларини инкор қилиш, нуқсонларни бартараф этиш истаги ифодаланган. Бундай маънавий-ахлоқий ёндашув замирида закийлик ва сарказм каби комиклик кўринишлари ҳам кўзга ташланади. Мақсад ҳамда имкон, мақсад ва восита, янада аниқроқ айтганда, қилинаётган даъво билан реаллик ўртасидаги номувофиқлик қаламга олинади. Носир китобхон диққатини англаниши зарур бўлган ҳолатга қаратади, иллатларнинг бартараф қилинишига умид билан қарайди, фаол муносабат билдиради.

Албатта, ҳикоябоп тугал воқеа топиш, ҳодиса ёхуд характер моҳиятини кўрсатиш – тавсифий-ривоявийликдан конфликтли-ривоявий йўсин (новелла)га томон ўсиб бориш ҳикоянавис учун ҳеч қачон осон кечмаган. Ҳозирда, Жасур



Кенгбоев шу йўлда изланиш босқичида. Бинобарин, ҳаёт ичига янада чуқурроқ кириб бориб, ўқиб-изланиб ва маҳоратини орттира борган сари юқорида саналган айрим камчиликлар ҳам бартараф қилина боради. Қалам сайқаллашиб, поэтик фикр янада чуқурлашади, бадиий нутқ жилоси ортади.

Исломжон ЁҚУБОВ



МУНДАРИЖА

- 3 Сени жасур дейдилар (*Эркин Авзам*)
- 5 Сўнгсиз гурунглар
- 18 Ғурбатхона
- 35 Кўҳна белбоғ
- 38 Меҳмон
- 46 Мунг
- 58 Нотаниш аёл
- 63 Тирик товон
- 74 Тор кўча
- 86 Узоқлашув
- 93 Ҳавочин
- 107 Эркак
- 119 Юракнинг бир чети
- 130 Изланишнинг машаққатли йўли
(*Исломжон Ёқубов*)

Асримиз Умидлари

ХОЛИЁР САФАРОВ. “НОМУС ВА ҲАЁТ”.

Қисса ва ҳикоялар. 152 бет.

Яхши асар, завқли мутолаа ўқувчи учун туганмас хазина. Китобхоннинг қалб торларини чертган асар ҳамиша қадридир.

Умидли ёзувчи Холиёр Сафаровнинг асарлари ўзига хослиги, самимий ва софлиги билан ажралиб туради. Ёзувчининг ҳар бир ҳикоясида мана шу софлик, самимийлик бўртиб туради.

Қадрли китобхон! Мутолаа завқи муборак бўлсин.

НУРИЛЛА ЧОРИ. “ТАШВИШИ ЙЎҚ ОДАМЛАР”.

Киноқисса ва ҳикоялар. 104 бет.

Нурилла Чори ўзига хос носирдир. Унинг асарларидаги самимийлик, аччиқ киноя, нозик юмор ва табиий жумлалар ўқувчини ўзига ром этади. Ёзувчининг ўқувчи олдидаги вазифаси, масъулияти бор: китобхонни лол қолдириш, ҳайратлантириш, йиғлатиш, ўйлатиш, фикр қилдириш.

Умид қиламизки, Нурилла Чори бу вазифани удалайди.

САНЖАР ТУРСУНОВ. “СУНБУЛАНИНГ СЎНГИ ОҚШОМИ”.

Қисса ва ҳикоялар. 148 бет

Шеърят – муболагани, оширма гапни кўтариши мумкин. Ерни осмонга олиб чиқиб, фалакни заминга тушириб санъат яратиши мумкин. Аммо, насрда йўл бошқа – қаламқаш бор санъатини ҳақиқат ва мантиқ устига қуришга мажбур.

Санжар Турсуновнинг ушбу бир тўплам ва бир ҳўплам қисса ва ҳикоялари ҳаётнинг энг оддий лаҳзаларидан, энг оддий воқеаларидан гўзал картиналар яратгани билан

қадрли.

БОБО РАВШАН. “ШОМ ВА ТОНГ ОРАСИДА”.

Қисса ва ҳикоялар. 136 бет.

Олислардан... Жуда олислардан бахшининг бироз дагал овози келади, келаверади. Шундоқ юрагингга киради. Ва сен сел бўла бошлайсан. Юрагингдаги ёш кўзларингга қалқиб чиқади. “Эх, бобогинам”, деб нолиш қиласан. Юрагингни ич-ичидан бир туйғу отилиб чиқади: қўлларинг муштга айланади.

Қадрдон китобхон! Бобо Равшаннинг асарларини ўқиганингизда сизда қадимий туйғулар исён қилишига ишонамиз.

САЛИМ АБДУРАҲМОН. “ҲАЁЛИМДА АСРАГАНИМ”.

Ҳикоялар. 124 бет.

Шундай одамлар борки, бир марта суҳбатлашганда яхши кўриб қоласан. Дилтортар гурунглари узоқ вақт хотирангда қолади. Дўстларинга ўша одам ҳақида мароқ билан гапириб берасан. Агар яна учрашиб қолсанг, тамом, қадрдонга айланасан қоласан.

Қадрдон китобхон! Салимнинг ҳикояларидаги қаҳрамонлар билан қадрдон бўлишингизга тилақдошмиз.

БИБИ РОБИА САИДОВА. “КАККУ ОВОЗИ”.

Ҳикоялар. 148 бет.

Биби Робиа Саидова қалб ва ҳаёт ёзувчиси. Қалбимизда, ҳаётимизда рўй бераётган ҳодисаларни нафис қаламга олади. Мутолаа жараёнида, инсон умр давомида қанча изтиробга тушмасин, барибир курашиши кераклигини, оқибатда ёруғ кунлар ҳам борлигини ҳис этасиз.

Азиз китобхон – Сиз учун Қалб ва Ҳаёт ҳақида насрий гудаста тайёрладик. Сизга манзур бўлади, деган умидимиз бор.

ГҶЗАЛОЙ СОЛИҲ ҚИЗИ. “ГОЛИБА”.

Қисса ва ҳикоялар. 124 бет.

Мард, жасур, қаҳрамон, голиб қиёфаларни эслаганда қалбинг гурурга тўлади. Улар миллатнинг юкини елкасига кўтарган кишилардир. Айниқса, голиб инсон нозик ҳилқат вакиласи бўлса...

Гўзалои Солиҳ қизи ҳикояларида мана шундай голиб қаҳрамонлар бисёр. Улар бу кекса дунёнинг қайсидир вазиятларида енгиб кетган, ғалаба қозонган аёллардир.

ЖАСУР КЕНГБОЕВ. “ЮРАКНИНГ БИР ЧЕТИ”.

Ҳикоялар. 140 бет.

Жасур Кенгбоев ўзига хос ёзувчи. Унинг ҳар бир ишорасию ибораси Ўзбек. Ўзбек бўлганда ҳам дашт ўзбеги. Бироз содда, лекин ёвқур, андак андишали ва анча чўрткесар. Асар қаҳрамонлари бир-биридан ўжар характерга эга одамлардир.

Муҳтарам ўқувчи, мутолаа жараёнида бунга амин бўласиз.

ФОЗИЛ ФАРҲОД. “КЎКЛАМ КУЙИ”.

Киноқисса ва ҳикоялар. 128 бет.

Фозил Фарҳоднинг ҳикоялари ўқувчини ўйлашга, тафаккур қилишга ундайди. Одамнинг – Олам эканлигини уқтиради. Инсон қалбининг асл моҳиятини англатади. Бу қадим ҳаётнинг қадрини тушунтиради. Ва Инсон дунёда ўз имзосини қолдириш кераклигини такрор-такрор айтади.

Қадрли ўқувчи! Ўзингизни, умрингизни англашга ёрдам берадиган мутолаа билан табриклаймиз.

ОЛИМ ЖУМАБОВ. “БИР ЎЗБЕК ЎЙИ”.

Қиссалар ва ҳикоялар. 160 бет

Дунёда сўздан қудратли куч йўқ. Сўз бутун дунёни бошқаради, измига солади. Йигитни қаҳрамон қилган ҳам, қизни сулув қилган ҳам сўз. Бир сўзни тинглаб дунёнинг ўзгартириб юборган баҳордирлар тарихда кўп.

Олим Жумабоев сўзни яхши кўрадиган, сўзни чуқур ҳис қиладиган ёзувчи. Тасвирда ҳам, диалогда ҳам сўзлари ёқимли, юракка тегади, ҳузур бағишлайди.

Китоб сизнинг қалб жавонингиздан муносиб жой олишга умид қиламиз.

Адабий-бадший нашр

ЖАСУР КЕНГБОЕВ

ЮРАКНИНГ БИР ЧЕТИ

Ҳикоялар

Муҳаррир *Санжар Турсунов*
Бадий муҳаррир *Камолiddин Нурманов*
Рассом *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Хосият Ҳасанова*
Мусаххих *Доно Тўйчиева*
Саҳифаловчи *Сурайё Раҳмедова*

Нашриёт лицензияси рақами АІ № 290. 04.11.2016
2019 йил 5 августда босишга рухсат этилди.
Бичими 80x100 ¹/₃₂. Апо Про гарнитураси.
Офсет босма. 5,23 шартли босма табоқ. 6,66 нашр табоғи.
Адади 3000(1-завод 1500) нусха. 208- рақамли буюртма.
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
• коммуникациялар агентлигининг
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа
ижодий уйида чоп этилди.
100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

Телефонлар: (371) 241-25-24, 241-83-29
Факс: (371) 241-82-69

www.gglit.uz info@gglit.uz



16+



ISBN 978-9943-5416-0-3



9 789943 541603